

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ  
**ТЕРГОВ ДЕПАРТАМЕНТИ**

№ 1/2024 йил  
(21-сон)



[www.tergov.uz](http://www.tergov.uz)



[facebook.com/tergov.uz](https://facebook.com/tergov.uz)



[instagram.com/tergov\\_uz](https://instagram.com/tergov_uz)



[t.me/tergov\\_uz](https://t.me/tergov_uz)

## ТЕРГОВ АМАЛИЁТИ

хуқуқий, илмий-амалий журнал





## ТЕРГОВ АМАЛИЁТИ

### МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги

### ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Вазир ўринбосари – Бош мухаррир  
Р.Ашропов

Тергов департаменти болигининг биринчи  
ўринбосари – Ҳайъат раисининг ўринбосари –  
масъул мухаррир  
Б.Жалолов (Ўзбекистон Республикасида хизмат  
курсаттан юрист)

Тергов департаменти бошлиги ўринбосари –  
Муассис вакили  
М.Саттаров

Тергов департаменти бошқарма бошлиги –  
Масъул котиб  
Ш.Шерматов

### Ҳайъат аъзолари:

Б.Валиев  
А.Саидов (академик, юридик фанлар доктори,  
профессор)  
С.Гордеев (Юридик фанлар доктори  
(DSc), доцент)  
М.Рустамбаев (Юридик фанлар доктори (DSc),  
профессор)  
М.Мамасидиков (Юридик фанлар доктори (DSc),  
профессор  
Б.Б. Муродов (Юридик фанлар доктори (DSc),  
профессор

А.О. Шарафутдинов (Ўзбекистонда хизмат  
курсаттан юрист)

Б.Х. Пўлатов (Юридик фанлар доктори (DSc),  
профессор)  
С.С. Нуриддинов  
У.С. Авилов  
Ф.К. Исаров

Тахририятга келган кўлёзма ва суратлар эгасига  
кайтарилимайди. «Тергов амалиёти»дан кўчириб  
босилган маколалар «Тергов амалиёти»дан  
олинганлиги кўрсатилиши шарт. Муаллифлар  
фидди тахририят нуктаси назаридан фарқ килиши  
мумкин.

### Манзилимиз:

100029, Тошкент шаҳри,  
Ю.Ражабий кўчаси, 1-йй.

### Телефонлар:

71 233-65-34, 71 231-55-88

Журнал 08.09.2021 йилда Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот  
ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан  
1209 раками билан рўйхатта олинган.  
ISSN 2181-2543

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация  
комиссияси (ОАК) Раёсатининг 2021 йил 30  
октябрдаги 308/6-сон карори билан Юридик  
фандар буйича фалсафа доктори (PhD) ва Фан  
доктори (DSc) илмий даражасига талабгорларнинг  
диссертация ишлари юзасидан диссертациялари  
асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия  
этилган журналлар рўйхатига киритилган.



# МУНАДИЖО

ТЕРГОВ АМАЛИЁТИ / СЛЕДСТВЕННАЯ ПРАКТИКА | № 1/2024 йил (21-сон)

Рамазон АШРОПОВ,	2	Элмурод МУХАМАДИЛЕВ,	62
ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ		ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР БИЛАН БИР ГУРУҲ ШАҲСЛАР БЕЗОРИЛИГИ ЖИНОЯТИ ЎРТАСИДАГИ АЙРИМ ТАФОУТЛАР	
Азиз ТАШПУЛАТОВ,	8	Элёржон ХАЙДАМАТОВ,	67
МЕГАПОЛИС ШАҲАРЛАРДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БҮЙИЧА РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ		ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЕЗКОР БЎЛИНМАЛАРИНИНГ ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЎГРИЛИК ЖИНОЯТИНИ ОЛДИН ОЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	
Хуршид САФАРОВ,	20	ТОПИШМОҚЛАР	75
ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР БҮЙИЧА КЕЧИКТИРИБ Бўлмаидиган ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.			
Абдувосит АБДУРАЗАКОВ,	24	Зоҳид БЕРДИЕВ,	76
ГИЁХВАНД ВОСИТАЛАРНИ ИСТЕЙМОЛ ҚИЛИШГА ЖАЛБ ЭТИШНИНГ АЙРИМ ЖИНОЙ- ХУҶУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ		ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАҲСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ БУЗИШ ЖИНОЯТИ ТАРКИБИННИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҶУҚБУЗАРЛИКДАН ФАРҚЛАШ	
Бекзод ҚОБУЛОВ,	31	Ф.ЖЎРАЕВ,	86
КИБЕРМАКОНДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИДИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ		ХОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШДА ЗД СКАНЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	
Фарход БОБОМУРОДОВ,	36	Светлана ГРИШКО,	92
ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ ПРИНЦИПЛАРИНИНГ ИНСОН ҲУҶУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ		ПОРЯДОК ПОДГОТОВКИ И НАПРАВЛЕНИЯ ЗАПРОСОВ О ПРАВОВОЙ ПОМОЩИ ПО УГОЛОВНЫМ ДЕЛАМ В ИНОСТРАННЫЕ ГОСУДАРСТВА	
Дилноза БАРАТОВА,	46	Шерзодбек АБДУВАҲОБОВ,	97
НОКОНУНИЙ МИГРАЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЖИНОЙ-ХУҶУҚИЙ АҲАМИЯТИ		ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ИШТИРОКЧИСИ СИФАТИДА МУТАХАССИСНИНГ ҲУҶУҚИЙ МАҚОМИ ТИЗИМИДА МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ	
Турғун КУЧКАРОВ,	54	Шоҳруҳ АЗИЗХОНОВ,	104
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИДА МАЖБУРИЙ ЖАМОАТ ИШЛАРИ ЖАЗОСИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШНИНГ ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТИ		АҲБОРОТЛАШТИРИШ ҚOIDАЛАРИНИ БУЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ	



**Янги Ўзбекистонда қонун  
устувор, жиноятга жазо  
муқаррар бўлиши шарт. Ва  
албатта шундай бўлади.**  
**Шавкат МИРЗИЁЕВ**



# ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ИСЛОХОТЛАР ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

**М**аълумки, инсон, унинг ҳаёти, озодлиги, шаъни, қадр-қиммати ҳамда бошқа ажралмас ҳуқуқ ва эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан қонун билан кафолатланган. Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида жиноят қонунчилигига жиноий жазо тизимини либераллаштириш, хусусан, жавобгарликни дифференциация қилиш ва индивидуаллаштириш, озодликдан маҳрум қилишга муқобил жазо турларини кенгайтиришга қаратилган кўплаб ўзgartиши ва қўшимчалар киритилди.



**Рамазон АШРОПОВ,**  
Ички ишлар вазирининг ўринбосари –  
Тергов департаменти бошлиги, полковник



Қонун устуворлиги таъминланғандагина "Инсон қадри учун" ғояси ҳәётимизда тұла акс эттирилади.

Мамлакатымыз раҳбарининг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси халқимиз ҳәётини тубдан яхшилашга хизмат қилиши күтиляпты.

Мазкур мурожаатномада ҳар қандай йўл билан қонунни тақомиллаштириш орқали инсонларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишни таъминлаш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Чиндан ҳам инсон қадри эркинликдан бошланади, сўнгги йиллардаги ислоҳотларимизнинг меваси ҳам инсонпарварлик қиёфасини акс эттирмоқда. Ушбу мурожаат кўплаб соҳалардаги энг устувор вазифаларни белгилаб берди, шу жумладан, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

Умуман, кейинги йилларда ички ишлар тизимидағи ислоҳотлар ҳам жадал тус олиб, бу борада кўплаб фармон, қарор ва идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Концепция ва дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳәётга татбиқ этилди.

Шу жумладан, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, тергов соҳасига ахборот технологиялари,

## Ходимларнинг қасбий

салоҳиятини ошириш мақсадида Вазирликнинг 2021 йил 30 мартағы "Ички ишлар органлари тергов бўлинмалари ходимларининг доимий малакасини ошириб бориш тизимини янада тақомиллаштириши юзасидан чора – тадбирлар тўғрисида" га фармойиши қабул қилинди.

халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани жорий этиш мақсадида тергов хизматида бир қатор ислоҳотлар олиб борилди.

Хусусан, Тергов департаментида соҳа мутахассисларидан иборат ишчи гурӯҳ шакллантирилиб, кенг тарқалаётган виртуал макондаги фирибгарлик, психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятлар, одам савдоси ва ўғирлик жиноятларини тергов қилишнинг замонавий методикаси ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди.

Бугунги кунда барча ҳудудий тергов бошқармаларида "Инновацион виртуал тергов полигони" ташкил этилди, ҳозирда мазкур полигонлардан терговчи ва суриштирувчиларнинг тажрибасини оширишда самарали фойдаланиб келинмоқда.

Тергов департаменти ва унинг қуий бўлинмалари ходимларининг 30 фойздан ортиғини 5 йилгача иш стажига эга бўлган ходимлар ташкил этиади. Олий суд ва Ички ишлар вазирлиги ўртасида имзоланган ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги келишувга кўра, ёш ходимларнинг жиноят ишлари бўйича суд мажлисларида бевосита иштиrok этишлари йўлга қўйилди.

Суд мажлисларида терговчи ва суриштирувчилар терговда йўл қўйилиши мумкин бўлган камчиликларни англаш ва бартараф этиш борасида тегишли кўникмаларга эга бўлишмоқда.



Жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, жиноятларни олдини олиш, фуқароларнинг жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш ҳамда уларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида Тергов департаменти ва қуий тергов бўлинмалари томонидан маҳаллалар ва таълим муассасаларида очиқ мулоқот ва учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Ходимларнинг касбий салоҳиятини ошириш мақсадида Вазирликнинг 2021 йил 30 мартағи "Ички ишлар органлари тергов бўлинмалари ходимларининг доимий малакасини ошириб бориш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан чора – тадбирлар тўғрисида"ги фармойиши қабул қилинди.

Унга кўра, ИИВ Академиясида 545 нафар терговчи ва суриштирувчилар, шунингдек туман (шаҳар) ички ишлар органлари бошлиқларининг тергов бўйича 33 нафар ўринбосарлари босқичма-босқич ўқитилиб, малакаси оширилди.

Тергов департаменти томонидан ҳар ҳафтанинг шанба кунлари ҳудудий бўлинмалар иштирокида видео конференцалоқа режимида ўқув машғулотлари ташкиллаштирилган.

Ислоҳотларнинг давоми сифатида, жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида Узбекистон Республикаси Президентининг 28.11.2022 йилдаги "Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг

сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида"ги ПФ - 257 - сон Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармон билан терговчи ва суриштирувчилар мажбурий тартибда Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бирламчи ихтисослашув шаклида касбий қайта тайёрлаш (давомийлиги 576 соатдан кам бўлмаган), касбий қайта тайёрлаш (давомийлиги 288 соатдан кам бўлмаган) ва малака ошириш (давомийлиги 144 соатдан кам бўлмаган) курсларида таълим олишлари белгиланди.

Биз ҳозир шиддатли ахборот замонида яшаемиз. Бугун одамларга тезкор ва ишончли ахборотларни етказиб беришда давлат органларининг ахборот хизматлари етакчи кучга айланиши зарур. Шу талаблардан келиб чиқиб, Тергов департаментининг "Tergov.uz" расмий веб-сайти ишга туширилиб, "telegram", "instagram" ва "facebook" ижтимоий тармоқларида, "you tube" сайтида саҳифалари очилди, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар билан тўғридан-тўғри мулоқот йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, Тергов департаментининг бошлиғи билан бевосита электрон тарзда боғланиш имкониятига эга бўлган янги платформа яратилди. Ушбу тизим орқали фуқаролар билан шаффоғ мулоқот йўлга қўйилмоқда, энг асосийси фуқароларнинг сарсон бўлишлари олди олинмоқда.





Бунинг натижасида 2023 йилда тергов бўлинмаларига 16 мингдан зиёд мурожаатлар келиб тушган бўлиб, олдинги йилга нисбатан 10 фоизга мурожаатлар сони камайган.

Узбекистон Республикаси Олий суди билан ҳамкорликда тергов ҳибсоналарида сақланаётган гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг видеоконференсалоқа тизим орқали тергов ҳаракатларида иштирок этишини ташкил этиш мақсадида, тергов бўлинмаларини "UZTELECOM" АҚ томонидан тақдим қилинган видеоконференсалоқа платформасига уланиши таъминланди.

Бу билан, тергов ҳибсоналарида сақланаётган гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг видеоконференсалоқа тизими орқали тергов ҳаракатларида иштирок этиш амалиёти йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, шахснинг ҳуқуқини чеклайдиган процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳолатлари ягона электрон ҳисобга олиш тизимиға киритиб борилмоқда. Бу тизимнинг амалиётга жорий этилиши гумон қилинувчи ёки айбланувчиларга нисбатан уларнинг ҳуқуқини чеклайдиган процессуал мажбурлов чоралари қўлланилишининг электрон ҳисоби юритилишига, уларни онлайн назорат қилишга имкон яратди.

Терговчи ва суриштирувчилар ўртасида "Энг яхши терговчи" номинацияси бўйича ҳар йили республика танловини ўтказиш юзасидан Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ички ишлар органларида энг яхши ходимларни аниқлаш бўйича республика танловини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 24.08.2021 йилдаги 539-сон қарори қабул қилиниб, кўрик танлов ғолибларини моддий рафбатлантиришнинг янги механизмлари жорий этилди.

Тергов департаментининг ташабbusи билан Ички ишлар вазирлигининг 30 йиллиги арафасида "Тергов хизмати фахрийлари" номли китобнинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмлари нашрдан чиқарилди.

Бундан ташқари, Тергов департаментининг "Тергов амалиёти" ҳуқуқий, илмий-амалий журнали Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаси юзасидан диссертациялар илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида замонавий ахборот технологияларини жорий этиш бўйича салмоқли ишлар бажарилди. Хусусан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини рақамлаштириш орқали уларнинг очиқлиги ва шаффоғлиги таъминланниб, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Тергов фаолиятини янада рақамлаштириш ва ишни судга қадар юритиш жараёнida ягона электрон ҳужжат алмашинуви тизимини йўлга қўйиш мақсадида 28.01.2022 йилда Узбекистон Республикаси Президентининг "Ишни судга қадар юритишда ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари



тўғрисида"ги ПҚ-105-сон қарори қабул қилинди.

Қарорга асосан ишни судга қадар юритиш босқичида жиноятларга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш, жиноят иши бўйича суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлаш учун 30 дан ортиқ давлат органлари ҳамда ташкилотлар ўртасида тезкор ахборот алмашиб имконияти яратилди.

Бугунги кунда, ушбу имкониятларни янада кенгайтириш ва тергов фаолияти устидан идоравий ҳамда процессуал назоратни босқичма-босқич электрон шаклга ўтказиш чоралари кўрилмоқда.

Мазкур ислоҳотлар ички ишлар органлари тергов бўлинмалари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Эндилиқда, ички ишлар органларида тергов бўлинмалари шахсий таркиби ва жиноят ишлари салмоғини инобатга олган ҳолда, терговчи ва суриштирувчиларни ўқитиш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш, шу билан бирга, ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш фаолияти самарадорлигини янада ошириш борасида:

- терговчи ва суриштирувчиларнинг ахборот-технологиялари соҳасидаги билимларини ошириш,



кибержиноятларни фош этиш ва тергов қилиш методикасига ихтисослаштирилган ўқув дастурларини кенг жорий этиш, мазкур йўналишларда ўқитиш ишларини жадаллаштириш;

- тергов бўлинмаларида тергов ҳаракатларини аудио-ва видео қайд этиш тизимлари билан жиҳозланган қўшимча маҳсус хоналар қурилишини давом эттириш;

- минтақаларга чиқиб, суриштирув ва тергов қилиш жараёнини танқидий кўриб чиқиш ва ижобий тажрибаларни ўрганиб, бошқа ҳудудларга татбиқ этиш;

- тергов бўлинмалари шахсий таркибининг асосий қисмини ёш ходимлар ташкил қилишини инобатга олиб, Тергов департаменти ва унинг ҳудудий бўлинмалари ўртасида жорий этилган видеоконференсалоқа тизими ёрдамида масофадан туриб, шунингдек бевосита



## Мақсадимиз,

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манбаатларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда халқимизнинг розилигига эришиш.

ҳудудий Тергов бошқармаларида тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда ходимларни ўқитиш орқали уларнинг касбий ва амалий кўникмаларини ошириб бориш;

- дунёning етакчи давлатларининг тергов соҳасидаги бой тажрибасини ўрганиб, амалиётга татбиқ этиш мақсадида МДХ, Европа, Америка, Германия, Туркия, Жанубий Корея, Сингапур ва бошқа давлатларга ўрнатилган тартибда хизмат сафарлари уюштириш;

- Тергов департаментининг интернет тармоғидаги расмий веб-сайти, "telegram" ва "facebook" ижтимоий тармоқларидағи саҳифалари орқали

фуқаролар билан тўғридан-тўғри мулоқотни янада жадаллаштириш, уларни қизиқтирган масалалар юзасидан ўз вақтида, тезкорлик билан тегишли тушунтиришлар бериш орқали мурожаатлар сонини кескин камайтириш;

- қонунчиликдаги бўшлиқ ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш ҳамда жиноят, жиноят-процессуал ва маъмурий қонунчиликни такомиллаштириш борасида қонун лойиҳаларини тайёрлаб, тегишли тартибда киритиш режалаштирилмоқда.

28.02.2023 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-27-сон Фармони қабул қилинди.

Давлат дастурида ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги ташкилий-бошқарув фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, жумладан, ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида ягона бошқарув тизимини яратиш, ҳудудий тергов бўлинмалари ходимларини ишга қабул қилиш, лавозимга тайинлаш ва рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш ҳамда жиноятларни тергов қилиш жараёнига рақамли технологияларни кенг жорий этиш вазифалари юклатилди.

Ҳозирда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мақсадимиз, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манбаатларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда халқимизнинг розилигига эришиш.

Албатта, юқоридаги ислоҳотлар билан чегараланиб қолмасдан, ички ишлар органларининг тергов бўлинмаларини инсон манбаати йўлида оғишмай хизмат қилувчи халқчил тузилмага айлантириш, соҳани рақамлаштириш орқали инсон омили аралашувини камайтириш, замон талаблари ва халқаро стандартлар асосида тергов хизмати учун профессионал кадрлар тайёрлаш каби чора-тадбирлар бундан кейин ҳам давом эттирилади.



# МЕГАПОЛИС ШАҲАРЛАРДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

## БҮЙИЧА РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ



Азиз ТАШПУЛАТОВ,  
Тошкент шаҳар ИИББ бошлиги  
генерал-майор ИИВ Академияси  
мустакил изланувчиси

→ **АННОТАЦИЯ:** Мақолада АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Испания, Израил, Хитой, Япония, Туркия, Россия каби ривожланган ва ривожланаётган давлатлардаги мегаполис шаҳарларда узоқ йиллар мобайнида вақт синовидан ўтган хавфсизликни таъминлаш бўйича илфор тажрибалар таҳлил қилинган. Муаллиф мазкур тажрибалар асосида Тошкент шаҳрида тезкор вазиятни таҳлил қилиш, прогнозлаш ва самарали бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш жараёнларига ахборот-таҳлилий кўмаклашишини таъминлаш, ахолининг жиноят, ҳуқуқбузарлик, ҳодисалар ёки ҳаётий муаммо ва эҳтиёжлари билан боғлиқ "102" қўнфироқлари ёхуд оммабоп алоқа каналларидаги фавқулоддашошилинч хабарларини туну-кун ўз вақтида қабул қилиш, қайта ишлаш, уларга тезкор ва манзилли ёрдам беришини ташкил этиш ва назорат қилиш, шунингдек тезкор ва криминоген вазиятни барқарорлигини таъминлаш, куч ва воситаларни ўз вақтида жалб этиш ҳамда содир этилган жиноятларни иссиқ изидан фош этишини ташкилластириш бўйича қатор таклифларни илгари сурган.

→ **ANNOTATION.** The article analyzes advanced security practices that have been tested over many years in megacities of developed and developing countries such as the USA, UK, Germany, France, Italy, Spain, Israel, China, Japan, Turkey, and Russia. The author, based on this experience, puts forward a number of proposals for improving the analysis of the operational situation in the city of Tashkent, providing information and analytical support in the processes of forecasting and developing effective management decisions. The article also discusses organizing informational and analytical assistance in ensuring prompt communication and processing of emergency reports through the 24/7 "102" hotline or other public communication channels, processing such reports in a timely manner, and offering prompt and targeted support. Additionally, the author outlines recommendations for ensuring the stability of operational and criminal situations, timely mobilization of resources, and effective methods for solving crimes in hot pursuit.



Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «бугунги кунда ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш учун ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда, амалий фаолиятга янгича иш услублари ва механизмларини, хусусан, рақамли технологияларни кенг татбиқ этиш вазифасига алоҳида эътибор қаратишмиз лозим».

Бу борада тадқиқот олиб борган ҳуқуқшунос олимлар ҳам хориж тажрибасини ўрганиш жамиятни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларни белгилаб олиш, башариятнинг узоқ тарихий тараққиёти жараёнидаги янгилишувлар ва хато ёндашувларга қайта йўл қўйилишининг олдини олиш имконини беришини қолаверса, хорижий давлатларнинг тажрибасини синчковлик билан ўрганиш ва жорий этишда ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш лозимлигини таъкидлаганлар.

Д.В. Васильевнинг фикрича, жиноятчиликка қарши курашишда хориж тажрибасини ўрганиш жамиятни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари ва йўлларини белгилаб олиш, башариятнинг узоқ тарихий тараққиёти жараёнидаги янгилишувлар ва хато ёндашувларга қайта йўл қўйилишининг олдини олиш имконини беради<sup>1</sup>.

АҚШ полиция патруль хизматининг вазифалари жуда мураккаб бўлишига қарамай, унда хизмат қилувчи ходимлар полициянинг энг қўйи бўғини сифатида бевосита жамоатчилик билан ҳамкорликда иш олиб бориши сабабли бошқа полиция ходимларига нисбатан аҳолининг муаммоларини самарали ҳал этиш имконига эга эканлигини таъкидлайдилар. Мамлакатда полиция шахсий таркибининг ярми патруллик хизмати билан банд бўлиб, тизим учун ажратилган пул маблағларининг 40 фоизи уларга сарфланиши унинг полиция тизимида муҳим ўрин тутишини кўрсатади. АҚШ полиция тизимида патруль ходимларини хизматга жалб этишда вақт ва ҳудуднинг жўғрофий белгилари ҳисобга олинади ҳамда хизматни ташкил этишда турли хил ахборот-дастурий тизимларидан фойдаланилади.

Америка Кўшма Штатларида – маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича дунёда ўзига хос тизим ва илғор тажрибага эга бўлган давлат. АҚШ тарихий

ривожланиши мамлакатда полициянинг уч босқичли тизимини шакллантириди. Булар: федерал, индивидуал ва маҳаллий даражадаги полиция органлари бўлиб, уларнинг орасида маҳаллий даражадаги полиция тизимининг асоси, яъни энг катта қисми (60 фоизи)ни ташкил этади ҳамда аҳоли билан доимий бевосита алоқада бўлади. АҚШ полиция тизимини ўрганган ҳуқуқшунос олим Д.Д.Шалягин – мазкур тизимнинг Евropa давлатлари полиция тизимларидан асосий фарқини унинг «пастдан тепага» принципи асосида ташкил этилганида, деб кўрсатса, П.Н.Курлович давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими даражалари ўртасида иерархия ва бўйсунувчи алоқанинг йўқлиги ва ўзига хос мураккаблигига қарамай, унинг барча бўлинмалари муайян масъулият асосида фаолият юритувчи ихтинослашган бўйимлар эканлигини таъкидлайди<sup>2</sup>.

АҚШда 40 мингдан ортиқ полиция идора-агентликлари бўлсада, мамлакатда уларнинг бошқарилишини мувофиқлаштириб борувчи марказий полиция идораси мавжуд эмас.

<sup>1</sup> Васильев В.Д. Концепции организации деятельности полиции и возможности их использования в отечественной практике: По материалам США и некоторых стран Западной Европы: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2005.  
<sup>2</sup> Умирзаков С.С. (2022). Жамоат тартибини саклашда патруль-пост хизмати ходимларини иш самарасини оширишнинг замонавий курилмалардан фойдаланиши (хориж тажрибаси мисолида). Siyosatshunoslik, ҳуқуқ ва ҳаътар муносабатлар журнали, 1(4), 15-19.



АҚШда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш вазифалари асосан штатларга юклатылған<sup>3</sup>.

Электрон криминологик хариталар АҚШ полиция бўлинмалари ишида кенг қўлланилади. Ҳар бир полиция ходимининг автомобилида патруллик қиласиган ҳудуднинг ўрнатилган электрон харитасига эга ноутбуклар мавжуд (пиёда ходимларда планшет). Бу хариталардаги маълумотлар ўз вақтида ва тез ўзгариб боради. Мисол учун, Шерифнинг офисидаги 911 қисқа рақамга фуқаро қўнғироқ қилиб, қуролланган шахс томонидан таҳдид бўлаётганлигини маълум қилса, ушбу маълумотнинг бевосита локацияси аниқланади ва автоматик тарзда ҳудудда хизмат олиб бораётган барча полиция ходимларининг ноутбук ва планшетларида таъминланади. Бунинг натижасида уларга дарҳол патруллик йўналишлари ва хизмат олиб бораётган жойларининг криминоген вазиятдан келиб чиқсан ҳолда, ўзгартирилган чизмалари юборилади ҳамда барча куч ва воситаларнинг эътиборини ушбу нуқтага қаратади. Заруратдан келиб чиқиб, харитада кўрсатилган бу нуқтага яқин жойлашган барча патрул автомобиллари дарҳол воқеа жойига юборилади<sup>4</sup>.

**БУЮК БРИТАНИЯ** полицияси томонидан АҚШнинг Мемфис шаҳрида илгари синовдан ўтган "Crush intelligent analysis" технологияси ўзлаштирилмоқда. Мазкур дастурий таҳлилнинг дастлабки синовлари натижасида шаҳарда умумий жиноятчилик даражасининг 31% га ва зўравон жиноятлар сонининг 15% га камайишига олиб келган.

Буюк Британияда ("Oasis") intellectual analytics) деб номланган дастурий таъминотдан фойдаланилади. Ушбу дастурий таъминотнинг асосий мақсади, жазони ижро этиш муассасаларидан

## ЛОНДОНДА

2014 йилдан бўён жиноятларни олдиндан башорат қилишдир. Ушбу прогноз қилиш жараёнида уларнинг яшаш жойи, таълими, одамлар билан бирга бўлиш қобилияти, даромад даражаси ва бошқалар ҳисобга олинади.

Лондонда 2014 йилдан бўён жиноятларни олдиндан башорат қилишга мўлжалланган "Precrime" деб номланган дастурий тизим амалиётга жорий этиб келинмоқда. Тизимнинг ишлаб чиқувчиси Accenture компанияси бўлиб, у ўз эътиборини ушган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилаётган жиноятларни олдини олишга қаратган.

Мазкур тизим Лондоннинг барча 32 туманида жойлаштирилган бўлиб, полиция томонидан тўплаган маълумотлардан келиб чиқсан ҳолда автоматик тарзда статистик таҳлилни амалга оширади ва содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг жойи, вақти ва бошқа хусусиятларини башорат қила олади<sup>5</sup>.

**ГЕРМАНИЯДА** жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши курашда йўлга қуйилган эътиборга молик жиҳатларга тўхталсак. Хусусан, Германияда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноят-чиликка қарши курашида фуқароларнинг имкониятидан кенг фойдаланиш амалиётининг мавжудлиги диққатга сазовордир. Мазкур амалиётга кўра, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик, шу жумладан ғайрииқтимоий хулқ-атворнинг гувоҳи бўлган Германия фуқаролари бу ҳақида дарҳол давлат органларига телефон орқали оғзаки, электрон кўринишда хабар беради. Хабар



асосида тезкор профилактик чоралар кўрилиб, натижаси ҳақида фуқарога маълум қилинади.

Мазкур тадбирларни амалга ошириш учун «Neighborhood watch» (Кўшнининг кузатви), «Crimestoppers» («Жиноятни тўхтатувчилар», «Crime prevention throughen vironment design (broken window)» (Хуқуқбузарликлар профилактикасини ташки мухитдан кузатув остига олиш (синик ойналар)», «Safety City» (Хавфсиз шаҳар) каби дастурлар ишлаб чиқилиб, амалиёта самарали татбиқ этиб келинмоқда<sup>6</sup>.

**ФРАНЦИЯ** полиция тизими юқори даражада марказлашган бўлиб, миллий полиция ва жандармериядан таркиб топган. Мамлакатда давлат полиция тартиботи ўрнатилган аҳоли пунктларида полиция хизмат олиб боради, бошқа барча худудлarda жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш учун жандармерия жавобгар ҳисобланади. Шунингдек, давлатда учинчи полиция кучи – Давлат хавфсизлик полицияси ҳам мавжуд бўлиб, у оммавий тадбирлар ўтказилганда ва оммавий тартибсизликлар юзага келганда жамоат тартибини сақлашда иштирок этувчи миллий полиция таркибидаги ҳарбий қисм ҳисобланади. Жандармериянинг энг асосий вазифаларидан бири – жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш бўлиб, бундан ташқари у одамлар ва мулкларнинг хавфсизлигини таъминлайди, тезкор-қидирав ва жиноятларнинг олдини олиш тадбирларида иштирок этади. Қолаверса, ҳукумат, давлат идоралари ва чет эл элчионалари биноларини қўриқлаш вазифаси ҳам уларнинг зиммасига юклатилган. Шу билан бирга, мамлакатда кўчма жандармериялар фаолияти ҳам йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг



асосий вазифаси жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Францияда патруллик хизмати патруль бўлинмалари томонидан олиб борилади ва уларнинг фаолияти асосан аҳолиси 10 мингдан ошиқ бўлган шаҳарларда ташкил этилади. Патруль бўлинмалари ўз фаолиятини турлича, хусусан автопатруль, мотопатруль, велопатруль, отлиқ патруль ва пиёда патруль шаклида олиб боради. Полиция патруль бўлинмалари миллий полиция ходимларининг 60 фоизини ташкил этади ҳамда хизматни олиб бориш давомида шаҳар полициясига бўйсунади. Мамлакатда патруль хизмати фаолиятини ташкил этилишининг ривожланиши ва такомиллаштирилиб боришига катта аҳамият қаратилади.

**ИТАЛИЯДА** давлат полицияси тизимларига кирмайдиган ва 10 мингдан ортиқ одам яшайдиган шаҳарлarda ташкил қилинган муниципал полиция (Corpo di polizia locale)лар ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳокимиятнинг бюджети томонидан молиялаштирилади ва тегишли шаҳар муниципалитетига бўйсунади. Ушбу полиция шаҳарда олиб бориладиган турли оператив-тергов ва бошқа тадбирларда давлат полициясининг захираси ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси худудда жамоат тартибини сақлашда патруль хизматини олиб бориш, шаҳар ҳокимининг бўйруқларининг бажарилишини назорат қилиш, бозорлarda тартибни сақлаш, аҳоли пунктларини санитария ҳолатини назорат қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Ушбу патруль бўлинмалари хизматни пиёда, полицияга мўлжалланган автоуловлар ва мотоциклларда олиб борадилар. Баъзи шаҳарларда улар хизмат итлари ҳамда отлардан ҳам фойдаланадилар.

Испания полиция тизими Конституцияда мустаҳкамланган маъмурий-худудий бўлиниш тамойилларига асосланади. Улар учта даражадан иборат: марказий (миллий полиция), автоном (худудий полициялар) ва маҳаллий (муниципал полиция). Муниципал полиция тузилмалари аҳоли сони 5000дан 20.000 гача бўлган худудлarda хизмат олиб боради ва шаҳар ҳокимиятига бўйсунади. Бироқ барча маҳаллий полиция бўлинмалари жиноятчиликка қарши курашиб миллий дастурларида иштирок этади ва уларнинг фаолияти миллий полициянинг тегишли бошқармалари томонидан мувофиқлаштирилиб турилади. Ушбу даражадаги идораларнинг вазифалари турлича бўлсада, умумий мақсади жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашдан иборатdir.

Мамлакатда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш ишларини ҳал қилиш миллий полиция таркибидаги жамоат тартибини сақлаш марказий бошқармасига юклатилган.

<sup>3</sup> Майоров В.И. Организация деятельности по охране общественного порядка в США, странах Европы и России: Учебное пособие. – Челябинск, 2003. – С. 17

<sup>4</sup> Абдуллаев О.Т. (2022). Криминоген вазияти мурakkab бўлган худудлarda ички ишлар органлар фаолиятини ташкил этиш ва бошқариша хорижий тажриба. Siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlari jurnalı, 1(6), 68-71.

<sup>5</sup> Абдуллаев О.Т. (2022). Криминоген вазияти мурakkab бўлган худудлarda ички ишлар органлар фаолиятини ташкил этиш ва бошқариша хорижий тажриба. Siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlari jurnalı, 1(6), 68-71.

<sup>6</sup> Расулов У. (2024). Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш мухим вазифа: миллий ва хорижий тажриба. Евразийский журнал академических исследований, 4(2), 190-196.



**ИСРОИЛ** Ички ишлар вазирлиги тизимида Жамоат хавфсизлиги департаменти алоҳида ўрин тутади ҳамда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти бевосита ушбу департамент томонидан амалга оширилади. Департамент таркибида патруллик хизматини амалга оширувчи бир қатор таркибий тузилмалар, хусусан саёҳат патруль бўлими, ҳайвонлар (от ва итлар) билан патруллик қилиш бўлими, денгиз патрули бўлими, атроф муҳитни муҳофаза қилиш патруль бўлими мавжуд. Шунингдек ҳудудий полиция органлари таркибида фаолият олиб борувчи патруль хизматлари таркибida жойлашган ҳудуднинг ўзига хос хусусияти билан боғлиқ маҳсус функцияларни бажарадиган алоҳида бўлинмалар ҳам мавжуд.

**ХИТОЙ** полицияси – 1950 йилда ташкил этилган Жамоат хавфсизлиги вазирлиги марказлашган ва марказлашмаган тизимларга хос хусусиятларни ўзига бирлаштирган гибрид моделга эга. Турли хил полиция хизматларини ўз ичига қамраб олган ва мураккаб тузилмага эга бўлган Хитой халқ полицияси ўз таркибига:

жамоат хавфсизлиги полицияси, криминал полиция, темир йўл полицияси, йўл ҳаракатини назорат қилиш полицияси; қамоқхоналар полицияси, дарё ва денгиз полицияси, ўрмонларни ҳимоя қилиш полицияси, божхона полицияси, ҳаво полициясини жамлаган.

Мамлакатда жамоат тартибини ва хавфсизлигини таъминлаш вазифаси вазирликнинг жамоат хавфсизлиги полицияси зиммасига юқлатилган Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда жойларда ташкил этилган Жамоат хавфсизлигини таъминлаш стационар постлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у бу борада мамлакатдаги бошқа полиция идораларига қараганда кенгроқ ваколатларга эга. Постлар жамият ҳаётининг барча жабхаларини тартибга

солища иштирок этади ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари ва прокурорлар томонидан назорат қилинади. Қишлоқ жойларида мазкур постларда бошлиқ, унинг ўринbosари, кичик маъмурий ходимлар ва кичик полиция ходимлари хизмат олиб боради. Шаҳар жойлари эса уларнинг таркибида бошлиқ, унинг ўринbosаридан ташқари маъмурий ходимлар ва еттитадан ўн саккизтагача бўлган патруль ходимлари иш олиб боради.

Пекин Йўл ҳаракати назорати маркази 2023 йил 1 май куни фойдаланишга топширилган ва Пекин умумий хавфсизлик бюроси таркибига киради. Марказда 20 нафар полиция ходими ва 16 нафар техник ходимлар кечаю-кундуз хизмат олиб боради.

Марказда йўл ҳаракати хавфсизлигини мониторинг қилиш, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳолатлари ва баҳтсиз ҳодисаларни "сунъий интеллект" ёрдамида тартибга солиш тизими йўлга қўйилган.

Марказда фаолият олиб бораётган 7 та гуруҳдан 3 таси алоҳида эътиборни жалб этди. Хусусан,

1) Келиб тушган хабарларни мониторинг қилиш гуруҳи: аҳоли билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш мақсадида ишлаб чиқилган мобиль илова орқали йўллarda ҳаракатда бўлган ҳайдовчи ёки йўловчилардан вужудга келган йўл ҳаракати билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан келиб тушаётган хабарларни қабул қилиш ва тизим орқали таҳлилини олиб бориб, зудлик билан ушбу ҳолатларни бартараф этиш бўйича зарурий чораларни кўради.

2) Ижтимоий гуруҳ: 24 соат мобайнида телекўрсатувлар,

WEB-сайтлар, радиостанциялар ҳамда ягона телефон рақами орқали йўл ҳаракатидаги ҳолатлар (мавжуд тирандликлар, содир этилган ИТХ) тўғрисида ижтимоий тармоқ орқали аҳолини



хабардор қилиб боради.

3) Ҳамкорлик гурӯҳи: бошқа хизматлар билан (тез ёрдам, ёнғин хавфсизлиги, коммунал, йўлларни таъмиrlаш хизмати ва бошқа идоралар билан) ҳамкорликда хизмат олиб бориб, келиб чиққан вазиятни бартараф этиш бўйича тезкорликни таъминлади.

Шу билан бирга Марказда мониторинг, бошқарув ва назорат, техник таъминлаш ҳамда бошқарув штаби фаолият олиб боради.

**ПЕКИН** шаҳар ҳудудида йўл ҳаракати ҳолатини назорат қилиш мақсадида кўп қаватли уйлар ва йўлларда ўрнатилган 160 мингдан ортиқ юқори аниқликдаги ақлли видеокузатув мосламалари орқали шаҳар кўчалари, чорраҳалар ва магистрал йўллардаги ҳуқуқбузарликларни мониторинг қилиб бориш 36 нафар малакали мутахассислар томонидан амалга оширилади<sup>7</sup>.

Пекин кўчаларига ўрнатилган 9 968та светофор, шундан 3 502 таси марказдаги автоматлаштирилган бошқарув тизимиға уланган ва ушбу марказдаги мониторлар орқали ҳар бир светофорнинг шакллантирилган паспорти ва техник ҳолатини назорат қилиб борилади, уларни соз ҳолатини таъминлаш учун 20 та техник бригада фаолияти йўлга қўйилган.

бошқарув тизимиға уланган ва ушбу марказдаги мониторлар орқали ҳар бир светофорнинг шакллантирилган паспорти ва техник ҳолатини назорат қилиб борилади, уларни соз ҳолатини таъминлаш учун 20 та техник бригада фаолияти йўлга қўйилган.

Ўлим билан ва тан жароҳати билан боғлиқ бўлмаган ИТХларни рўйхатдан ўтказишининг онлайн мобил илова тартиби жорий этилган бўлиб, бунда ҳайдовчиларнинг ҳужжатлари ва ИТХ ҳолатини фото-видео тасвирга олинниб тизимиға киритиш ҳамда фуқаро томонидан “110” қисқа рақами орқали марказга мурожаат этиш йўли билан, ҳодиса онлайн равиша расмийлаштирилади ва тирбандлик юзага келишини олди олинади.

Марказда онлайн равиша Пекин шаҳрида ҳаракатланаётган автотраспорт воситалари сони ва белгиланган регламентдан ташқари ҳаракатланаётган автотранспорт воситаларини жаримага тортилиши амалга оширилади<sup>8</sup>.



## ПЕКИН

кўчаларига ўрнатилган 9 968та светофор, шундан 3 502 таси марказдаги автоматлаштирилган бошқарув тизимиға уланган ва ушбу марказдаги мониторлар орқали ҳар бир светофорнинг шакллантирилган паспорти ва техник ҳолатини назорат қилиб борилади, уларни соз ҳолатини таъминлаш учун 20 та техник бригада фаолияти йўлга қўйилган.



<sup>7</sup> Маълумот учун: Ушбу видеокузатув мосламаларини марказга интеграция қилиш, техник таъминлаш ҳамда трафик ҳаражат тўловлари давлат томонидан ажратилган Хитойнинг бюджет маблаглари хисобидан амалга оширилади.

<sup>8</sup> Маълумот учун: Пекин шаҳрида хафта кунлари кесимда давлат ракамининг сўнги белгилари бўйича ҳаракатланишга такиқ қўйилган.

Шу каторда оғир турдаги (3.5 тоннадан юқори) юқ автомобилларига ҳаракатла-

ниш такиқланган. Истисно тарикасида тунги пайт 23:00 дан 05:00 гача ҳаракатланишга рухсат берилган.

Тирбандликни олдини олиш максадида автобуслар йўлаклари ташкил этилиб, уларда эрталаб соат 07:00 дан 09:30 ва кечки 17:30 дан 20:00 гача жамоат транспорти ҳаракатланишга рухсат этилади, колган вақтларда бошқа транспортлар ҳаракатланиши мумкин.



Сүнги 2-3 йилда Пекин шаҳрида пиёдалар ўлими ёки оғир тан жароҳати олиш билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари қайд этилмаган.

Бунинг асосий сабаблари:

- пиёдалар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ер усти пиёдалар ўтиш йўлаклари қурилган;
- тартибга солинган чоррахаларда пиёдалар ўтиш йўлакларига ёниб турувчи инновацион мосламалар ўрнатилган;
- пиёдалар оқимини хавфсиз жойга йўналтириш учун йўл қатнов қисмининг ўртасига ва икки четига маҳсус темир панжаралар ўрнатилган.

Пекин шаҳрида автомобилларнинг йўл бўйи пуллик тўхташ жойлари ташкил этилиб, камералар орқали тартибга солинган.

Маълумот учун, тўхташ жойларида автотранспорт воситасини сақлашнинг дастлабки 15 дақиқаси бепул бўлиб, кейинги дақиқалари пуллик.

Пекин шаҳрида автотранспорт воситалари қайрилиб олиш жойларини камайтириш мақсадида, транспорт кўпприклиари (йўл ўтказгич) дан фойдаланилган ва бу билан тирбандликларнинг камайишига эришилган.

Тирбандликларини олдини олиш мақсадида янги қурилаётган кўп

қаватли бинолар остида камида 3 ёки 5 қаватли автотураргоҳлар қуриш талаби қўйилган.

**ЯПОНИЯДА** жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш полициянинг қуий бўғинлари – полиция пост ва пунктлари томонидан амалга оширилади. Мамлакатда жамоатчилик билан ҳамкорликни кучайтириш полиция фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилишини яхши тушунган Япония ҳукумати аҳоли турар жойларида полиция пост (Koban) ва пунктларининг фаолиятини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратган. Японияда полиция пост ва пунктларида хизмат олиб борувчи патруль-пост хизмати ходимлари ўзларига биринтирилган худудларда патруллик қилишда доимий равишда ҳар бир оила, корхона, муассаса ва ташкилот билан иш олиб борадилар. Хизмат давомида патруль-пост хизмати ходимлари аҳоли ўртасида профилактик суҳбатлар ўтказиб, уларни керакли ахборот билан таъминлайдилар, шунингдек жамоатчиликнинг полиция фаолиятига доир фикрини ўрганиб борадилар.

Мамлакатда жами ҳибсга олинган ҳуқуқбузарларнинг ўртача 65 фоизи патруль-пост хизмати ходимларининг ҳиссасига тўғри келишини таъкидлайди.

## ПОЛИЦИЯ

давлат бирлигини сақлаб қолиши ва конституциявий тартиботни таъминлаш каби сиёсий вазифаларни ҳам амалга оширади. Бундан ташқари, полиция маъмурӣ функцияларни, яъни хавфсизлик чоралари ва бошқа органларга ёрдам беришини ҳам амалга оширади.



**ТУРКИЯ** полицияси республика Ички ишлар вазирлиги тизимида киради ва унинг таркибида Хавфсизлик бош директорати мавжуд.

Туркия полициясининг вазифалари га қуидагилар киради: жамоат тартибини сақлаш; фуқаролар ва уларнинг мол-мулкини хавфсизлигини таъминлаш; ҳуқуқбузарларни аниқлаш ва жавобгарликка тортиш; ҳуқуқбузарлар профилактикасини амалга ошириш ҳамда қонун, низом ва ҳукумат норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган бошқа вазифаларни бажариш. Шу билан бирга, полиция давлат бирлигини сақлаб қолиш ва конституциявий тартиботни таъминлаш каби сиёсий вазифаларни ҳам амалга оширади. Бундан ташқари, полиция маъмурӣ функцияларни, яъни хавфсизлик чоралари ва бошқа органларга ёрдам берини ҳам амалга оширади.

**ТУРКИЯДА** ички хавфсизлик ва жамоат тартибини ҳимоя қилиш полициянинг уч тармоғи томонидан амалга оширилади. Шаҳар ҳудудлари учун масъул бўлган Туркия миллий полициясининг Бош Директорати, қишлоқ жойлар учун масъул Жандармерия бош қўмондонлиги ҳамда мамлакат қирғоқларини ҳимоя қилувчи Соҳил хавфсизлик қўмондонлиги.

**РОССИЯ** Федерацияси ҳуқуқбузарлар профилактикасини таъминлаш бўйича ўзига хос тизим яратилган давлатлардан бири ҳисобланади. Мазкур йўналишдаги фаолиятни ташкил этишдаги ижобий тенденциялар 2000 йилдан, яъни Россия ҳаётида шахс, жамият ва давлатни жиноий тажовузлардан ҳимояловчи ишончли, самарали ва хавфсиз тизим яратилмагунча кузатилмайди


деган холосага келингандан бошлаб кузатила бошланган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мазкур давлатда ҳуқуқбузарлар профилактикаси тизимининг асосий принциплари қуидагилардан иборат: ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаб бориш; ёшлар ўртасида профилактик ишларни мунтазам таъминлаш; озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатилган шахслар, шунингдек доимий иш ёки яшаш жойи бўлмаган шахсларни ижтимоий мослаштириш; ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари ролини ошириш<sup>9</sup>.

Аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарлар профилактикаси билан шуғулланувчи тизимларнинг илфор хориж тажрибасини мамлакатимиз ички ишлар органлари, хусусан патруль-пост хизмати фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш амалиётига:

◆ **БИРИНЧИДАН**, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашни зарур ахборотлар билан таъминлаш, ҳудуддаги криминоген вазиятдан доимий хабардор бўлиб бориш, ҳуқуқбузарлик факлари ҳақида ўз вақтида хабардор бўлиб бориш ва содир бўлган ҳар қандай салбий воқеликка ўз вақтида таъсир кўрсатиш имкониятларни берувчи ахборот технологияларини жорий этиш ва моддий-техникавий базани яратиш бўйича чоратадбирларни белгилаш ҳамда амалга ошириш;

◆ **ИККИНЧИДАН**, ички ишлар органлари, шу жумладан патруль-пост хизмати фаолиятининг мухим йўналиши ҳисобланган аҳолига ижтимоий-





хүкүкүй ёрдам кўрсатиш функциясини кучайтириш ва шу орқали ички ишлар органларини аҳолига янада яқинлашиши, ишончига кириш;

♦ **УЧИНЧИДАН**, ички ишлар органлари фаолиятини бевосита тартибга солувчи қонунлар ва маҳсус қонуности норматив-хўкүкүй хужжатларни ишлаб чиқиши, қабул қилиш ва амалиётга жорий этиши;

♦ **ТЎРТИНЧИДАН**, ички ишлар органлари ходимлари, шу жумладан патруль-пост хизмати ходимларининг ижтимоий-хўкүкүй ҳимоясини кучайтириши йўналишларида жорий этиш мумкин<sup>10</sup>.

“Ривожланган давлатлар тажрибасига назар соладиган бўлсак, кўплаб жиноятларни иссиқ изидан очища ёрдан берадиган асосий воситалардан бирни бу замонавий ахборот-коммуникация технологияларидир”<sup>11</sup>.

Айрим адабиётлар ва илмий манбаларда тадқиқотчилар томонидан шаҳарнинг мавзе ва туманлари ҳудудида “ақлли шаҳар” концепциясини жорий этиши мақсадга мувофиқ, деган фикрлар ҳам илгари сурилган<sup>12</sup>.

Фикримизча, биз томондан тадқиқ этилаётган “хавфсиз шаҳар” концепцияси лойиҳаси, “ақлли шаҳар” тушунчасидан анча кенгроқ бўлиб, ўз ичига ақлли ва инновацион жиҳатларини ҳам қамраб олади.

**Юқорида қайд этилган фикр-мулоҳазаларга кўра, пойтахт ва йирик шаҳарларда хавфсизликни таъминлаш бўйича ривожланган давлатларда узоқ йиллар мобайнида вақт синовидан ўтган ижобий тажрибага таянган ҳолда, Тошкент шаҳар ички ишлар**

## РИВОЖЛАНГАН

давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, пойтахт ва йирик шаҳарлarda хавфсизликни таъминлашга масъул бўлган марказлар зиммасига юқлатилган вазифаларга мос равишида, етарли даражада ҳуқук ва имкониятлар ҳам берилган.

бош бошқармаси Ягона тезкор бошқарув маркази зиммасига қуидаги қўшимча вазифаларни юқлаш лозим:

♦ ҳудуд ва объектларда тезкор вазиятни таҳлил қилиш, прогнозлаш ва самарали бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш жараёнларига ахборот-таҳлилий кўмаклашишни таъминлаш;

♦ ички ишлар органлари раҳбарияти томонидан асосланган бошқарув қарорлари қабул қилинишига кўмаклашиш;

♦ аҳолининг жиноят, хуқуқбузарлик, ҳодисалар ёки ҳаётий муаммо ва эҳтиёжлари билан боғлиқ “102” қўнфироқлари ёхуд оммабоп алоқа каналларидағи фавқулодда-шошилинч хабарларини туну-кун ўз вақтида қабул қилиш, қайта ишлаш, уларга тезкор ва манзилли ёрдам беришини ташкил этиши ва назорат қилиш;

<sup>10</sup>. Мансур К. (2023). Ички ишлар органларининг ёшлар ўргасидаги хукуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини такомиллаштиришда хориж тажрибаси. Siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlар журнали, 2(1), 32-39.

<sup>11</sup>. Рахимов Ж.Ю.: Жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича илғор хорижий тажрибалар таҳлили // Journal of Advanced Research and Stability // ISSN: 2181-2608. Special Issue | 2022 . Б. 5-6. www. sciencebox.uz.

<sup>12</sup>. Джаматов М.Х., Худойбердиев Р.Ф.: Профилактика инспекторлари фаолиятида кўйланилаётган замонавий дастурлий воситалар // Хукуқбузарликлар профилактикасининг долзарб маса-лалари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2019 йил 17 апрель). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. Б.294.

<sup>13</sup>. Каримов А.А. (2022). Тошкент шаҳрида “Ақлли шаҳар” концепциясини амалга ошириш имкониятларини баҳолаш. Scientific aspects and trends in the field of scientific research, 1(5), 27-35.



- ◆ тезкор ва криминоген вазиятни барқарорлигини таъминлаш, куч ва воситаларни ўз вақтида жалб этиш ҳамда содир этилган жиноятларни иссиқ изидан фош этишни ташкиллаштириш ва назорат қилиш;
- ◆ тезкор-хизмат фаолиятининг йўналишлари бўйича топшириқлар бажарилиши устидан назорат қилиш;
- ◆ тезкор вазият оғирлашган ёки мураккаблашган вазиятларда кундалик фаолияти вазифаларини ҳал этишда ўзига бўйсунувчи ва қўшимча берилган кучлар ҳамда воситаларни бошқаришни амалга ошириш;
- ◆ ахборот-таҳлилий қўмакни таъминлаш учун ҳамкорлик регламенти бўйича Марказ доирасида бошқа давлат органлари ва идораларнинг ҳудудий тузилмалари билан ҳамкорликни таъминлаш;
- ◆ кундалик иш режими ёки фавқулодда вазиятлarda, шунингдек, фавқулодда ҳолат эълон қилинганда Марказнинг ахборот ва технологик имкониятларидан фойдаланиш ҳисобига вазиятларни бошқариш самарадорлигини ошириш;
- ◆ ҳудудда криминоген вижтимоий вазиятни узлуксиз мониторинг қилиш, жамоат ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган ички ишлар ва бошқа давлат органларининг тегишли куч ва воситаларни бошқариш;
- ◆ жиноят, ҳодисалар ва фавқулодда вазиятлар ҳақидаги хабарларга тезкорлик билан муносабат билдириш, ўз навбатида жамоат тартибини оммавий бузиш билан боғлиқ ҳолатлар юзага келганда ваколатли идораларнинг ҳаракатларини марказлашган ҳолда мувофиқлаштириш;
- ◆ ахборотни йиғиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва тезкор вазиятни прогнозлаш, ахборот алмашувини таъминлаш, ички ишлар органлари раҳбариятини тезкор вазият мураккаблашуви ҳақида ўз вақтида хабардор этиш;
- ◆ ички ишлар органлари маъмурий бинолари, объектларини замонавий ахборот технологиялари

ечимлари, техник-муҳандислик қўриқлов ва кириш-чиқишни автоматик назорат қилиш тизими орқали комплекс мониторинг қилиш;

- ◆ оммавий ва бошқа жамоатчилик аҳамиятига эга бўлган оммавий, сиёсий ҳамда спорт тадбирлари ўтказилиши даврида жамоат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ички ишлар органларининг куч ва воситаларини кўллаш бўйича қарорларни қабул қилишни таъминлаш;
- ◆ йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш;
- ◆ ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, пойттаҳт ва йирик шаҳарларда хавфсизликни таъминлашга масъул бўлган марказлар зиммасига юклатилган вазифаларга мос равиша, етарли даражада ҳуқуқ ва имкониятлар ҳам берилган.

**Фикримизча, Тошкент шаҳар ИИББ Ягона тезкор бошқарув маркази қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлиши мақсадга мувофиқ:**

- ◆ ички ишлар органларида ситуациян бошқарув амалиётини ривожлантириш борасидаги истиқболли чора-тадбирлар, режалар, дастурлар ва йўл хариталарини ишлаб чиқиша қатнашиш;
- ◆ Марказ фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар (низом, регламент, алгоритм, режа, йўриқномалар ва бошқа





хужжатлар)ни ишлаб чиқишида қатнашиш;

♦ ички ишлар органларининг таркибий тузилмалари, соҳавий хизматлари, шунингдек манфаатдор вазирлик ва идораларга ҳамда ташкилотларга ваколат доирасига кирувчи саволлар ва масалалар бўйича бош бошқарма Ахборот мультимедиа маркази орқали тушунтириш (изоҳ)лар бериш;

♦ ички ишлар органларининг таркибий тузилмалари, соҳавий хизматлари, шунингдек манфаатдор вазирлик ва идоралардан ваколат доирасига кирувчи керакли ҳужжатлар, материаллар, маълумотлар олиш;

♦ маҳаллий ҳокимият органлари, мулкчилик ва ташкилий-хуқуқий шаклидан қатъий назар ташкилот, корхона ва муассасалардан Марказ фаолияти учун зарур бўлган маълумотлар ва ахборотлар олиш;

♦ тасдиқланган иш режалари ва дастурлари асосида ўқув машғулотлари жадвалини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун тақдим этиш;

♦ Марказ ходимларининг қасбий тайёргарлиги (маҳорати)ни ошириш бўйича ўқув-амалий машғулотлар, тренинг ва анжуманлар ўтказиш;

♦ Марказ фаолияти самарадорлигини ошириш учун ички ишлар органлари таркибий тузилмалари, хуқуқни муҳофаза қилувчи, куч ишлатувчи тузилмалар ёки фавқулодда авария-қутқарув ва шошилинч хизматларининг юқори малакали мутахассисларини ўрнатилган тартибда жалб этиш;

♦ жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликни олдини олиш ва унга қарши курашиш, маънавий-маърифий, ижтимоий-маданий ва бошқа ички ишлар органлари фаолиятига тааллуқли соҳалардаги муҳим масалаларни муҳокама қилиш ва долзарб муаммоларни ҳал этишга бағишлиланган йиғилишларда, мажлисларда ҳамда бошқа тадбирларда белгиланган тартибда иштирок этиш;

♦ манфаатдор давлат органлари ва идоралари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, куч ишлатувчи тузилмалар, фавқулодда авария-қутқарув ва шошилинч хизматлар билан ўзига юкланган вазифаларни ўз вақтида, самарали ва сифатли бажариши учун белгиланган тартибда ўзаро ҳамкорлик қилиш;

♦ замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришда қатнашиш.

Тадқиқот иши доирасида хорижий тажрибани ўрганиш натижасида, ривожланган (АҚШ, Германия, Япония, Хитой, Франция каби) давлатларнинг аксариятида жамоат тартибини

сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш полиция идоралари томонидан амалга оширилиши маълум бўлди.

«Полиция» сўзи (лот. *politia*) «фуқаролик маъмурияти», (грек. *polis*) «шаҳар» деган маъноларни англатади.

Полиция тизими қўйидаги жиҳатлари билан “милиция” ёки ички ишлар органлари тизимидан фарқ қиласди:

– полициянинг ваколат доираси анча кенг. Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва бошқа асосий вазифалар билан бир қаторда, коммуникация ва сервис хизматларини кўрсатиш, фуқаролар ишончини қозониш ва улар билан яқин ҳамкорлик қилиш, жамоат тузилмалари фаолиятига кўмаклашиш кабилар ҳам полициянинг муҳим вазифалари ҳисобланади. Жамоатчилик билан мустаҳкам алоқа ўрнатилганлиги полициянинг жамоатчилик назоратида бўлишини таъминлайди;

– полиция тизими милиция тизимига қараганда замонавий кўринишга эга бўлиб, давлатларда унинг марказлашган (вертикал – Италия, Испания, Озарбайжон, Қозоғистон, Россия ва ҳ.к.), номарказлашган (новертикал – АҚШ, Канада, Швейцария, Австралия ва ҳ.к.) ва интеграциявий (аралаш – Австрия, Буюк Британия, Япония) тизими амалда фаолият кўрсатади;

– коррупция ҳолатларини келтириб чиқаришга имкон берадиган кўпгина вазифалар (автотранспорт воситасига давлат рақамини бериш, ов қуролини сақлашга рухсатнома бериш ва ҳ.к.) полиция тизимидан ходимлар томонидан эмас, балки замонавий компьютер технологиялари ва дастурий таъминотлари орқали амалга оширилади;

– полиция тизимида хизматга қабул қилинадиган ходимларга кўйиладиган талаблар анча юқори. Номзодлар маҳсус текширувлардан ўтказилди ва уларнинг ички ишлар



органларида хизмат ўташи бўйича қобилиятлари ҳар хил вазиятларда текшириб кўрилади. Айрим давлатларда номзодларнинг тасдиқланган сценарийлар асосида 500 тагача вазиятлар бўйича қарорлар қабул қилиш маҳоратлари (турли вазиятларда ўзини тутиши, хизмат вазифалари бўйича қандай ҳаракатлар бажариш мумкин ёки мумкин эмаслиги бўйича амалий кўникмалари) синовдан утказилади;

– полиция тизимида ходимларнинг ваколат доираси анча кенг. Масалан, полиция патруллик нарядлари транспорт воситалари ҳайдовчиларига нисбатан йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун маъмурӣ баённомалар расмийлаштириши, гумон қилинувчи шахсларнинг ҳужжатларини текшириши, шубҳали буюмларни мусодара қилиши ва бошқа ваколатларни амалга ошириши мумкин;

– полиция тизимида департаментлар, махсус тайёргарликдан ўтган ҳолда танланган, замонавий махсус техник воситалар ва ўқотар қуроллар билан жиҳозланган патрулларнинг фаолияти самарали йўлга қўйилган.

Бир сўз билан айтганда, кўпчилик мутахассислар полиция тизими деганда замонавий стандартлар жорий этилган ички ишлар органлари тизимини тушунишади<sup>13</sup>.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз қонунчилиги

ва ҳуқуқни кўллаш амалиётида «милиция» тушунчаси муомаладан чиқарилган. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди: 194-модданинг (Милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаслик). Яъни «милиция ходимининг» деган сўзлар «ички ишлар органлари ходимининг» деган сўзлар билан алмаштирилди<sup>14</sup>.

Шу боис амалга оширилган ислоҳотлар натижасида полиция тизимининг деярли барча хусусиятлари жорий этилганлигини, «полиция» халқаро миқёсда умумэътироф этилган тушунча эканлигини инобатга олиб, ички ишлар органларини «полиция» деб номлаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Қайд этиш жоизки, «милиция» тушунчasi фуқароларнинг тасаввурида кўпроқ мажбурловчи механизм, эътиrozларга сабаб бўлувчи тизим сифатида салбий фикр пайдо қиласди. «Полиция» тушунчаси эса ўзининг замонавийлиги ва ҳозирги кун талабларига тўлиқ жавоб бериши билан аҳоли онгиди ижобий таассурот уйғотади. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг ишончи ва меҳрини қозонган, халқпарвар ички ишлар тизими яратилишида салмоқли ҳисса қўшади.

<sup>13</sup>. Хакимов С.Б. (2024). Ички ишлар органлари бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. Barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali, 4(3), 59-68.

<sup>14</sup>. Конунчилиқда «милиция» сўзи бутунлай ишлатилмайдиган бўлди.

<https://daryo.uz/qonunchilikda-militsiya-sozi-butunlay-ishlatilmaydigan-boldi>



Хуршид САФАРОВ,  
Хұқықшын ос. Юридик фанлар бүйічі  
фалсафа доктори (PhD)



# ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР

БҮЙИЧА КЕЧИКТИРИБ БҮЛМАЙДИГАН ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ  
ҮТКАЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**АННОТАЦИЯ:** мақолада давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар бүйічә кечиктириб бүлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказиш тартиби ва хусусиятлари баён этилган. Шунингдек, ушбу турдаги жиноятлар юзасидан кечиктириб бүлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказышда алоҳида аҳамият бериладиган ҳолатлар ҳақида фикр билдирилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** давлат харидлари, тергов ҳаракатлари, кечиктириб бүлмайдиган тергов ҳаракатлари.

**ANNOTATION:** the article describes the procedure and features of conducting investigative actions that cannot be delayed on crimes in the field of public procurement. Also, an opinion was expressed about the circumstances that are of particular importance in carrying out investigative actions that cannot be delayed in connection with this type of crime.

**KEY WORDS:** public procurement, investigative actions, investigative actions that cannot be delayed.



**Давлат харидлари соҳасидаги жиноят ишларининг асосий мақсади жиноят содир этилиши билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаш, жиноятга алоқадор барча шахсларни фош этиш ҳамда гумон қилинувчилар жиноий фаолиятининг янги эпизодларини аниқлаб бартараф этишдан иборат. Бугунги кунда жиноят процесси назарияси ва амалиётида тергов ҳаракати далилларни тўплашнинг энг самарали ва кенг қўлланиладиган усули бўлиб ҳисобланади<sup>1</sup>. С.Б.Хўжакулов тергов ҳаракатини жиноят иши доирасида далилларни тўплаш ва текширишга қаратилган суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг процессуал фаолиятидир деб ҳисоблайди<sup>2</sup>. И.Е.Биховский тергов ҳаракатларини терговчининг ҳамда қонун билан ваколат берилган бошқа шахснинг дастлабки тергов босқичида ҳамда янги очилган ҳолатларни тергов қўйишда далилларни аниқлаш, текшириш, қайд этиш ва олиб қўйишнинг жиноят-процессуал ҳуқуқ асосида ва унга мувофиқ равишда амалга оширадиган билиш фаолияти сифатида<sup>3</sup> таърифлаган.**



Бизнинг фикримизга кўра, тергов ҳаракати жиноят ишини қўзғатишдан олдин терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида, жиноят ишини қўзғатганидан сўнг, суриштирув ва дастлабки тергов давомида ҳамда судда амалга ошириладиган далилларни тўплаш, текширишга қаратилган фаолиятдир. Тергов ҳаракатларининг криминалистик методикаси пухта, фанлараро, комплекс илмий изланишлар натижаси бўлиши мумкин. Уларсиз тергов амалиёти учун зарур бўлган ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш мумкин эмас<sup>4</sup>.

Давлат харидлари соҳасидаги жиноят ишлари юзасидан ҳам бир қатор кечикириб бўлмайдиган ва келгуси тергов ҳаракатлари ўтказилади. Ушбу тергов ҳаракатлари давомида давлат манфаатларига етказилган заарар аниқланиб ундирилади ва айбдор шахсларнинг жиноятларини фош этилади. Ўтказиладиган ҳар бир тергов ҳаракатининг ўзига хослиги мавжуд бўлиб, ушбу ўтказилган тергов ҳаракати натижасида кейинги тергов ҳаракатларининг кетма-кетлиги режалаштирилиб борилади.

Давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар юзасидан теварак-атроф ва биноларни қўздан кечириш Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 139-моддасига мувофиқ ўтказилади. Унга кўра фуқаронинг уйи ёки хизмат жойини қўздан кечириш зарурати бўлса, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ва терговчи қарор чиқариши, турар жойи қўздан кечирилаётган шахс ёки тегишли корхона, муассаса ва ташкилотнинг вакили қарор билан таништирилиб, имзо чектирилади. Биноларни қўздан кечиришда ЖПКнинг 160, 161-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя қилиниши лозим.

Жиноят иши бўйича қўздан кечириш обьекти бўладиган теварак-атроф ва биноларга давлат харидларини амалга оширишда қонун ҳужжатларини бузиб бажарилган ишлар, хизматлар ва харид қилинган товарлар сақланадиган бинолар, омборхоналар ва бошқа жойлар бўлиши мумкин. Харид қилинган товарлар, ишлар ва хизматларни бошқасига алмаштириб қўйилиши ёки йўқ қилинишини олдини олиш учун қўздан кечиришни кечикириб бўлмайдиган ҳолда зудлик билан амалга ошириш, зарур ҳолларда харид қилинган товарлар, ишлар ва хизматлар бажарилган биноларни масъул сақловга топшириш лозим бўлади. Мазкур тоифадаги жиноят ишлари давомида ўтказилган тергов ҳаракати натижалари далилий алоқаларни шакллантирилишига ҳамда келгусида ўтказиладиган тергов ҳаракатларини кетма-кетлигини белгилаб беришда хизмат қиласи.

<sup>1</sup>. Шейфер С.А. Методологические и правовые проблемы собирания доказательств в советском уголовном процессе: Автореферат диссертации на соискание научной степени доктора юридических наук. – М., 1981. – С. 7. Демурьев Л.Г. Собирание доказательств в ходе досудебного производства путем проведения иных процессуальных действий: автореферат диссертации на соискание научной степени кандидата юридических наук.– Краснодар, 2012. – С. 9-10.

<sup>2</sup>. Каранг: Хўжакулов С.Б. Процессуал ҳаракатлар: тушунчаси, таснифланиши ва тизимлаштирилиши. Ўкув кўлланмана / – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – Б. 8.

<sup>3</sup>. Биховский И.Е. Процессуальные и тактические вопросы системы следственных действий: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. М., 1976. С. 6 -7.

<sup>4</sup>. А.Ф. Волынский Преступления в сфере экономики: организация и методика расследования//Юридическая наука и практика: Вестник Нижегородской академии МВД России. 2016 №2 (34)



**ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ**

**БЮДЖЕТ ХАРИДЛАРИ**

**КОРПОРАТИВ ХАРИДЛАРИ**

ЭЛЕКТРОН ДЎҚОН	ЭЛЕКТРОН ДЎҚОН
АУКЦИОН	АУКЦИОН

**ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАР**

ШИТИРОКЧИЛАР УЧУН ПУРНКНОМА	ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ	ХУЖЖАТЛАР ШАХСИ	ШИКОЯТЛАРИН КЎРИБ ЧИКИШ КОМИССИЯСИ
-----------------------------	----------------------------------	-----------------	------------------------------------

Давлат харидлари соҳасидаги жиноятларни исбот қилишда суд экспертизаларининг аҳамияти катта ҳисобланади. Кўп вазиятларда, айниқса, жиноят ноаён шароитда ҳамда гувоҳларсиз содир этилганда суд экспертизининг хulosаси иш бўйича асосий ва холис далил бўлиб хизмат қиласди<sup>5</sup>. Иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни, фан, техника, санъат ёки касб соҳаси бўйича билими бўлган шахс ўтказадиган маҳсус текшириш орқали олиш мумкин бўлганда экспертиза<sup>6</sup> тайинланади ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 172-187-моддалари ва Ўзбекистон Республикасининг «Суд эксперизаси тўғрисида»ги Қонуни<sup>7</sup>да тартибида белгиланган тартибида ўтказилади. Давлат харидлари соҳасидаги жиноят ишлари юзасидан судга оид товаршунослик экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш натижаларига қўра товарларнинг харид қилинган вақтдаги нархига аниқлик киритилади. Ушбу тоифадаги жиноят ишларини тергов қилишда товаршунослик экспертизасига харид қилинган товарларнинг сотиб олинган вақтдаги баҳосини аниқлаш мақсадида экспертиза ўтказиш вазифаси юклатилади. Экспертизалар товарларни нархини Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги 19.08.1999 йилдаги 811-1-сонли Қонуни<sup>8</sup>га асосан амалга оширади. Ушбу экспертиза натижасига қўра товарнинг сотиб олинган вақтдаги ҳақиқий қийматини аниқлаш орқали давлат харидини амалга оширган корхоналар томонидан товарларни қиммат нархларда сотиб олганини аниқлаш ва давлат манфаатларига етказилган зарарни аниқлаш мумкин бўлади.

Бизнинг фикримизча, суд қурилиш-техникавий,

“

Давлат харидлари соҳасидаги жиноят ишлари бўйича олиб қўйиш ва тинтуб тергов ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 157-168-моддаларида кўрсатилган талаблар асосида амалга оширилади ва расмийлаштирилади. Терговчи бирор турар жой, хизмат, ишлаб чиқариш биносида ёки ўзга жойда ёхуд бирор шахсда иш учун аҳамиятли бўлган нарса ёки хужжатлар бор деб ўйлаш учун етарли маълумотга эга бўлган тақдида тинтуб ўтказишга ҳақли.

Давлат харидлари соҳасидаги жиноят ишлари бўйича олиб қўйиш ва тинтуб тергов ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 157-168-моддаларида кўрсатилган талаблар асосида амалга оширилади ва расмийлаштирилади. Терговчи бирор турар жой, хизмат, ишлаб чиқариш биносида ёки ўзга жойда ёхуд бирор шахсда иш учун аҳамиятли бўлган нарса ёки хужжатлар бор деб ўйлаш учун етарли маълумотга эга бўлган тақдида тинтуб ўтказишга ҳақли. Терговнинг дастлабки босқичида ушбу тергов ҳаракатлари кечикириб бўлмас тергов ҳаракатлари сифатида ўтказилади<sup>9</sup>. Тинтуб ўтказишнинг асосий тактик қоидаси унинг қўйқисдан ўтказилиши ва кутилмаганлигидадир. Тинтубни терговчи томонидан қўйқисдан ва кутилмаганда амалга оширилиши жиноят содир этган шахсни беркиниши, манфаатдор шахслар томонидан ашёвий далилларни яшириш ёки йўқ қилишига йўл қўймайди<sup>10</sup>.

Тинтуб жараёнида қидириб топилиши ва олиб қўйилиши лозим бўлган обьектлар қаторига қўйидагилар кириши мумкин: давлат харидлари соҳасидаги жиноятларни содир этиш вақтида ноқонуний олди-берди ва ҳисоб-китоблар мавжуд бўлган «қора бухгалтерия» хужжатлари, электрон



ташувчи қурилмалар, уяли алоқа телефонлар, сим карталар, компьютер қурилмалар; жиноят натижасида түпланган пул маблағлари, нарса ва буюмлар ҳамда мол-мұлқлар; ёлғон маълумотлар киритиш орқали сохталаشتырған ҳужжатлар ёки иш учун аҳамиятли ҳисобланған терговдан яширилаётган ҳужжатлар, нарса ва буюмлар, шу жумладан давлат харидлари юзасидан шартнома, биржа ҳужжатлари, нархлар юзасидан тижорат таклифлари ва экспертиза хulosалари.

Жиноят иши бўйича дастлабки терговни амалга оширишда жиноий гурӯҳ аъзолари томонидан ноқонуний ҳисоб-китоблар мавжуд бўлған ҳужжатлар ва қайд этиб борилган электрон воситалар ашёвий далил сифатида муҳим рол йўнайди. Давлат харидлари соҳасидаги жиноят ишлари юзасидан электрон қурилмалар, компьютер ва уяли алоқа телефонлари тинтувда аниқланганда ёки олиб қўйилганда терговчи уларни эгасидан парол ва кодлари мавжуд бўлса уларни аниқлаб, баённомага қайд этиб қўйиши ҳамда уларни муҳрлаб қадоқлашдан олдин интернетдан ўчириб, имкон қадар самолёт (полёт) режимига қўйиши керак. Шунингдек, келгусида ушбу нарсаларни кўздан кечириш вақтида ҳам интернетга уламасдан ичидаги маълумотлар кетма-кетликда кўздан кечирилади. Агар олиб

қўйилган телефонлар олиб қўйиш вақтидан интернетдан узилмаган ва кўздан кечириш вақтида интернетни ёқиши орқали кўздан кечирилса, ушбу телефонда мавжуд бўлған маълумотлар иккинчи томон томонидан ўчириб юборилиши ва ишга алоқадор маълумотларни йўқ бўлиб кетишига замин яратиши мумкин.

Олиб қўйиш тергов ҳаракати ўз хусусиятига кўра бирор-бир нарса ва ҳужжатларни қидириш билан боғлиқ бўлмагани сабабли, у жойлашган жойи аниқ маълум бўлған жиноят иши учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатларни олиб қўйишдан иборат бўлади. Иш юзасидан тинтув ва олиб қўйиш ҳақидаги қарор асосида олиб қўйилган нарса ва ҳужжатлар кейинчалик албатта кўздан кечирилиб, ишга алоқадорлиги ва далилий аҳамиятга эгалигига баҳо бериш зарур ҳисобланади. Агар олиб қўйиш ва тинтув давомида бошқа жиноятларга ишора қилувчи ҳужжатлар ва нарсалар мавжудлиги аниқланса, шу жиноят иши доирасида текширилиши лозим бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар юзасидан кечирилиб бўлмайдиган тергов ҳаракатларни ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши келгуси тергов ҳаракатларини кетма-кетлигини белгилашда ҳамда иш юзасидан исботлаш учун зарур бўлған далилларни олиш ва қайд этишда кўмаклашади.



<sup>5</sup>. Х.Х.Болтаев, С.О.Урозбаев, К.К.Байзаков, И.Р.Астанов, Жиноят ишини юритишида экспертиза: мазмуни, аҳамияти, тайинлаш ва ўтказиш асослари. Услубий кўлланма. –Т. 2016. 3-бет.

<sup>6</sup>. И.Р.Астанов, Жиноят ишлари бўйича экспертиза ўтказиш: назария ва амалиёт. юрид. фан ном. дис. автореф. – Т., 2010. – 23 б.

<sup>7</sup>. «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 01.06.2010 йилаги ЎРК-249 сонли Конунин//Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари түплами, 2010 й., 22-сон, 173-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.05.2019.

<sup>8</sup>. Ўзбекистон Республикасинг «Баҳо-лаш фаолияти тўғрисида»ги 19.08.1999 йилдаги 811-I-сонли Конунин//Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон; 30.06.2022 й., 03/22/782/0576-сон

<sup>9</sup>. Рузметов Б.Х. Выемка и обыск на предварительном следствии: состояние, тенденции и перспективы. Автореф. дис.... канд. юрид. наук. –Т. 2008. 20-б.

<sup>10</sup>. Криминалистика. Г.А.Абдумажидовнинг умумий таҳрири остида. I-жилд Т-2003, 287-б.



Абдувосит АБДУРАЗАКОВ,  
Тошкент шаҳар ИИББ бошлиги-  
нинг ўринбосари- Тергов бо-  
шқармаси бошлиги полковник

# ГИЁХВАНД ВОСИТАЛАРНИ ЖИНОИЙ-ХУҚУКИЙ ЖИҲАТЛАРИ

ИСТЕММОЛ  
ҚИЛИШГА ЖАЛБ  
ЭТИШНИНГ АЙРИМ

SOME CRIMINAL  
LEGAL ASPECTS  
OF ATTRACTING A  
PERSON TO USE  
DRUGS

**АННОТАЦИЯ:** Мақолада гиёхванд воситаларни истеъмол қилишга жалб этишнинг айрим жиноий-хуқуқий жиҳатлари кўриб чиқлади. Илмий-амалий ёндашув асосида катталар, ёшлар ва вояга етмаганларнинг гиёхвандлик воситалар истеъмолига жалб этилиши, уларнинг ижтимоий жиҳатлари таҳлил қилинади. Ушбу масалалар бўйича амалиётчилар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровлар асосида гиёхванд воситаларни истеъмол қилишга жалб этишнинг айрим муаммолари ва уларнинг илмий ва амалий ечимлари ҳақида фикр-мулоҳазалар берилади.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** гиёхванд восита, ёшлар, вояга етмаганлар, гиёхвандлик, заҳарвандлик, қарамлик, мойиллик.

**ABSTRACT:** The article discusses some criminal legal aspects of involving a person in drug use. Based on a scientific and practical approach, the involvement of adults, youth and minors in drug use, their social aspects (age, etc.) are analyzed. Based on sociological surveys conducted among practitioners, conclusions and judgments about some problems of involving a person in drug use and their scientific and practical solutions are presented.

**KEYWORDS:** narcotic drug, youth, minors, drug addiction, toxicomania, addiction, predisposition.



**Г**иёхвандлик ва гиёхвандлик воситаларининг қонунга хилоф муомаласининг тобора кенгайиши бутун дунёда<sup>1</sup>, шу жумладан Ўзбекистон миллий хавфсизлигига ҳам жиддий таҳдид ҳисобланади. Расмий статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 2021 йилда рўйхатга олинган гиёхвандлар сони қарийб 5 минг кишини ташкил этган<sup>2</sup>. Хусусан, ушбу 5 минг нафар гиёхванднинг 31 фоизини 20 ёшдан 40 ёшгача бўлган шахслар ташкил этади. Бундан ташқари, касалланганларнинг 1,8 фоизида ОИВ инфекцияси аниқланган.



**Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, расмий статистик маълумотларга ишонч камроқ, чунки кўпгина гиёхванд моддаларни истеъмол қилиувчилар рўйхатга олинмаган. Эслатиб ўтамиш, 2008 йилда республикада 21 мингга яқин, 2017 йилда 8 мингга яқин киши гиёхвандликка чалинган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, сўнгги 12 йил ичида мамлакатимизда расмий рўйхатга олинган гиёхвандлар умумий сони, шунингдек, опиатлар гуруҳига кирувчи «кучли» гиёхванд моддаларни истеъмол қилиш улуши (героин, опий) ва инъекция орқали киритиладиган гиёхванд моддаларни истеъмол қилиш сони барқарор камайиб бормоқда.**

Шу билан бирга, каннабиноидларга қарамлик билан касалланиш даражаси бир хил даражада, бошқа психотроп дори воситаларига, полинаркомания ва психостимулятор дориларга (трамадол) қарамлик билан касалланган беморлар сони ўсиб бормоқда<sup>3</sup>. Олимларнинг фикрига кўра, гиёхванд моддаларни истеъмол қилиувчиларнинг 80 фоизи бошқа одамларнинг таъсири остида ушбу дориларни синааб кўришни бошладилар<sup>4</sup>.

Тадқиқотчилар томонидан талабалар ўтасида ўtkazilgan сўровда маълум бўлишича, 54 респондентнинг 30 нафарига (55,5%) нисбатан гиёхванд моддаларни истеъмол қилишга бўлган иштиёқни уйғотишга қаратилган ҳаракатлар амалга оширилган. Ушбу 30 нафар талабанинг 9 нафари ўзларига нисбатан бир марта, 8 нафари уч марта, 13 нафари уч мартадан ортиқ бундай ҳаракатлар содир этилганлигини билдирган.

Фуқаролар (асосан ёш

мутахассислар) ўтасида ўtkazilgan сўровда 70 нафар респондентдан 49 тасида (70,0%) гиёхванд моддаларни истеъмол қилиш истагини уйғотишга қаратилган ҳаракатлар содир этилганлиги аниқланди. Мазкур 49 нафар шахсдан 4 нафари бундай ҳаракатлар бир марта, 19 нафари уч марта, 26 нафари уч мартадан ортиқ содир этилганлигини билдирган. Аксарият ҳолларда гиёхванд моддаларни истеъмол қилиш истагини уйғотишга қаратилган ҳаракатлар зўрликсиз таъсир қилиш (таклифлар, ишонтириш, маслаҳатлар, ҳисларни мақташ) шаклида амалга оширилган, гиёхванд моддалар, қоида тариқасида, бепул таклиф қилинган. Тадқиқотлар Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар (ЖК 270, 271, 273-276-моддалари) 2020-2023 йилларда сезиларли даражада ортиб бораётганидан дарак бермоқда.

<sup>1</sup> Шалагин А. Е. Незаконный оборот наркотиков - угроза национальной безопасности. Монография. М.: Юрлитинформ, 2015. 248 с

<sup>2</sup> <https://podrobno.uz/cat/obchestvo/v-uzbekistane-po-ofitsialnoy-statistike-zaregistrirовано-vsego-okolo-5-tysyach-narkozavasimykh>

<sup>3</sup> <https://www.gazeta.uz/ru/2019/06/27/pharm-drugs>

<sup>4</sup> Исмаилов Р. Т. Вовлечение несовершеннолетних в употребление наркотических средств и психотропных веществ и его предупреждение органами внутренних дел: дис. ... канд. юрид. наук. Бишкек, 2013. 228 с



**Жиноят кодексининг  
274-моддаси  
диспозициясида  
кўрсатилган «жалб  
этиш» тушунчасининг  
қонунчиликдаги таърифи  
мавжуд эмас. Ўзбекистон  
Республикаси Олий суди  
Пленумининг 2017 йил  
28 апрелдаги 12-сонли  
қарори 29-бандида  
берилган «жалб этиши»  
таърифи жуда кенг талқин  
учун очиқдир.**

Жумладан, ушбу моддаларда назарда тутилган расмий рўйхатга олинган жиноятлар сони 2020 йилда 3 941 та, 2021 йилда 4 182 та, 2022 йилда 5 825 та ва 2023 йил 9 ойида 4 209 тани ташкил этади<sup>5</sup>.

Ўрганиш натижасида тезкор-қидирив ишлари устидан назорат қилувчи прокурорлар ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиб соҳасидаги эксперталарнинг гиёҳвандликка жалб этишининг латентлик даражасини баҳолаш бўйича фикрлари аниқланди<sup>6</sup>. Респондентлар Жиноят кодексининг 274-моддаси бўйича расмий қайд этилган жиноятлар сони, ушбу турдаги ҳақиқатда содир этилган қилмишлар сонини тахминан айтиб ўтишган. Кўриниб турибдики, сўровда қатнашган прокуратура ходимлари ва эксперталар бундай жиноятларнинг 90 фоиздан деярли 100 фоизигача латент тарзда содир бўлади, деб ҳисоблади.

Латентликни белгиловчи омиллар турлича. Жалб этишга қарши курашиб қийинлаштирадиган ҳолатлардан бири сифатида респондентлар Жиноят кодексининг 274-моддаси етарлича аниқ эмаслигини таъкидлайдилар.

Қиёсий ҳуқуқий тадқиқот жараённада постсовет (Беларус, Украина, Молдова, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон) ҳамда Фарбий Европа минтақалари (Германия) қонунчилиги ўрганилди. Аниқланган ижобий тажриба гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш учун жиноий жавобгарликни

белгилашнинг аниқ масалаларини ҳал қилиш учун қўл келиши мумкин.

Улардан баъзиларини кўриб чиқамиз.

Энг аввало, илк мураккабликлар унга нисбатан жалб этиш содир этилиши мумкин бўлган шахс (жабрланувчи)нинг жиноий-ҳуқуқий жиҳатларини аниқлашда юзага келади. Жумладан Жиноят кодекси, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги 12-сонли қарори гиёҳванд моддаларни тиббий бўлмаган истеъмол қилиш тажрибасига эга бўлган шахснинг жабрланувчи бўлиши мумкинлигига аниқлик киритмайди.

Фан ва амалиётда бу масалага бир-бирини истисно қилувчи ёндашувлар ишлаб чиқилган.

Агар жалб этилган шахс илгари гиёҳванд моддаларни бир икки марта татиб кўрган бўлса, жиноят қонуни қўлланилмайди, деган ёндашув мавжуд эди<sup>7</sup>, аммо уни аксарият олимлар қўллаб-қувватламаган эди. Бизнинг фикримизча, бу ёндашув универсал бўлиши мумкин эмас, чунки у жалб этилаётган шахснинг катта бўлиб бориши ва аввал гиёҳванд бўлиб, сўнг бу иллатни ташлаб юборганлик жараёнини ҳисобга олмайди. Суд амалиётини ўрганиш шунни кўрсатадики, судлар, қоида тариқасида, жабрланувчи томонидан бир ёки бир-неча маротаба эпизодик гиёҳвандлик воситаларини татиб кўришга жалб этиш элементини истисно қиладиган ҳолат сифатида кўриб чиқмайдилар.

Хорижда бу борадаги амалиёт норматив хужжатларда мустаҳкамланган. Мисол учун,

<sup>5</sup> <https://stat.sud.uz/>

<sup>6</sup> Состояние преступности в сфере незаконного оборота наркотических средств в Российской Федерации. Региональные различия: монография / под ред. О. А. Евлановой. М. : Юрлитинформ, 2013. 304 с.

<sup>7</sup> Проект постановления ПВС СССР «О судебной практике по делам о хищении наркотических веществ...» // ГАРФ. Ф. 9474. Оп. 1. Д. 612. Л. 177.

<sup>8</sup> [https://adilet.zan.kz/rus/docs/P98000003S\\_](https://adilet.zan.kz/rus/docs/P98000003S_)

<sup>9</sup> Apfel H., Strittmatter G. Praxiswissen Strafverteidigung im Betäubungsmittelrecht. Hamburg, 2014. 668 S.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 28.04.2017 йилдаги 12-сон «Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан конунга хилоф равишда муомала килишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори // <https://lex.uz/docs/3203265>



Қозоғистон Республикаси Олий судининг 1998 йил 14 майдаги 3-сонли Норматив қарорининг 15-бандида шундай дейилади: "Жавобгарликнинг келиб чиқиши учун жалб этилаётган шахс илгари гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни, уларнинг аналогларини истеъмол қилганлиги аҳамият касб этмайди"<sup>8</sup>.

Бироқ, илгари гиёхванд моддаларни истеъмол қилган одамларнинг муҳити анча турфадир. Доимий равишда гиёхванд моддаларни истеъмол қиласиган фуқаролар ушбу воситаларга қарамликни сеза бошлайдилар, бу эса гиёхвандлик белгисидир. Бу фуқароларнинг ўзлари гиёхванд моддаларни топиш имкониятини қидиришади. Ҳозирги кунда гиёхванд моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилган шахсни жалб этиш ҳолатлари бўйича, олимлар, бу вазиятда шахснинг жалб этилишини Жиноят кодексининг 274-моддаси доирасидан ташқарида эканлигини кўрсатишида. Зотан, бу ҳолда гиёхванд моддаларни мунтазам истеъмол қилувчини жалб этишда ушбу жиноятга хос бўлган ижтимоий

хавфлилик мавжуд эмаслиги аниқ. Бу ёндашувни Германия олимлари ҳам қўллаб-қувватлашади<sup>9</sup>.

Мунтазам гиёхванд моддаларни истеъмол қилувчилар орасида даволанишга ҳаракат қилаётган ва ремиссияга эришган шахсларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Респондентларнинг аксарияти (54,9 фоиз) бундай шахсларни жабрланувчи деб тан олиш зарур дейишади.

Шунга кўра, назаримизда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги 12-сонли қарорини "гиёхванд моддаларни мунтазам равишда истеъмол қиласиган шахсларни, жалб этиш натижасида жабрланувчи деб ҳисобланиши мумкин эмаслиги" ҳақидаги қоида билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир, гиёхванд моддаларни истеъмол

қилиши тўхтатган ва ремиссия ҳолатида бўлган шахслар бундан мустасно.

Жиноят кодексининг 274-моддаси диспозициясида кўрсатилган «жалб этиш» тушунчасининг қонунчиликдаги таърифи мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги 12-сонли қарори 29-бандида берилган «жалб этиш» таърифи жуда кенг талқин учун очиқдир<sup>10</sup>. Бундай шароитда амалиётда жиноий қилмишни ифодалайдиган аниқ шаклларни очиб беришда қийинчиликлар юзага келади.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари баъзан гиёхванд моддаларни беришни ўтказиш сифатида квалификация қилмасдан, гиёхванд моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш усули сифатида кўриб чиқадилар. Ваҳоланки Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги 12-сонли қарорида қайд этилишича, агар бангихона ташкилотчиси ёки сақловчиси айни пайтда гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказган ёки бошқа шахсларни уларни истеъмол қилишга жалб қилган бўлса, унинг ҳаракатлари, бунга асослар мавжуд бўлганда, ЖК 273-моддасининг тегишли қисми ва ЖК 274-моддасида назарда тутилган жиноятлар мажмуи билан квалификация қилиниши керак, дейилади.



“  
1994 ЙИЛГИ ЖКДА КОНТРАБАНДА  
УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНГАН  
246-МОДДАСИ ДИСПОЗИЦИЯСИ  
ЎТГАН ДАВРДА БИР НЕЧА МАРОТАБА  
ЎЗГАРТИРИЛГАН БЎЛИБ, ЎЗГАРИШЛАР  
АСОСАН ЖИНОЯТ ПРЕДМЕТИГА  
ТАҶАЛЛУКЛИ БЎЛГАН, БОШҚАЧА  
АЙТГАНДА, КОНТРАБАНДА ЖИНОЯТИ  
ПРЕДМЕТИ КЕНГАЙИБ БОРГАН.



**Н**азаримизда, ушбу жиноятлардан бирини тушириб қолиш сабаби ва қылмишни унча оғир бўлмаган модда бўйича квалификация қилиш истагига, тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларнинг жиноятни, ўтказилган гиёхванд модда миқдорини аниқлаш нуқтаи назаридан исботлаш заруратидан халос бўлиш истаги, турли коррупциявий элементлар бўлиши мумкин.

Айрим амалиётчилар квалификация қоидаларни ўзгаририш имконияти тўғрисида фикр билдиришган, яъни жалб этишда гиёхвандлик моддасини бериш, ЖКнинг 273-моддаси билан ("ўтказиш") қамраб олиниши лозим. Айни чоғда биз бунга қаршимиз, боиси бу ёндашувда, жалб этиш ниқоби остида гиёхванд моддаларни ўтказувчилар ҳаракатларини яшириш хавфи мавжуд.

Хорижий тажрибани ўрганиш шуни кўрсатдики, ўрганилаётган барча жиноят қонунларида гиёхвандлик воситаларини истеъмол қилишга жалб этиш ва сотиш ("ўтказиш") фарқланади. Шунга урғу бериш керакки, гиёхванд моддаларни ўтказиш, ҳатто "уларни татиб кўриш, меҳмон қилиш" каби баҳоналар остида ҳам жалб этиш усули бўлиши мумкин эмас. Жиноят кодексининг 274-моддаси 1-қисми билан жавобгарлик, таклиф этилган восита (модда) ўлчамидан қатъий назар юзага келади. Шу боис, терговда, жалб этиш пайтида ўтказиш бўлганини (Жиноят кодексининг 273-моддаси 1-қисми) исботлаш учун гиёхванд модданинг жабрланувчи организмидаги "из" миқдорини аниқлаш етарли бўлиши мумкин.

Гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналоглари Жиноят кодексининг 274-моддасининг таркибий қисмидир. Қонунчилик, вояга етмаган шахсни гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларини истеъмол этишга жалб қилишни (Жиноят кодексининг 127-моддаси 2 қисми) тақиқлайди.



<sup>11</sup> [https://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_10699/](https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/)

<sup>12</sup> [https://lege.md/ru/act/ugolovnyiy\\_kodeks\\_respublik\\_i\\_moldova](https://lege.md/ru/act/ugolovnyiy_kodeks_respublik_i_moldova)

<sup>13</sup> Токсикомания в детском и подростковом возрасте // Журунова М. С. и др. Вестник КазНМУ 2016. № 1. С.593-595.

<sup>14</sup> Исмаилов Р. Т. Вовлечение несовершеннолетних в употребление наркотических средств и

психотропных веществ и его предупреждение органами внутренних дел: дис. ... канд. юрид. наук. Бишкек, 2013. - С.48.

<sup>15</sup> Текст внесенного законопроекта № 293093-5, зарегистрирован 02 декабря 2009 г. URL: sozd.parlament.gov.ru/bill/293093-5

<sup>16</sup> [https://lege.md/ru/act/ugolovnyiy\\_kodeks\\_respublik\\_i\\_moldova](https://lege.md/ru/act/ugolovnyiy_kodeks_respublik_i_moldova)

<sup>17</sup> [http://rawunsch.de/images/Ugolovnyiy\\_Kodeks.pdf](http://rawunsch.de/images/Ugolovnyiy_Kodeks.pdf)

Хорижий давлатларда жалб этиш воситаларини аниқлашга нисбатан турли ёндашувлар мавжуд. Мисол учун, РФ Жиноят кодексида, Узбекистонда мавжуд бўлмаган «психофаол моддалар» каби жиноят содир этиш воситаси кўзда тутилган<sup>11</sup>. Молдава Жиноят кодекси 209-моддасида «гиёхвандлик воситалари, дори воситалари ёки маст қилувчи таъсирига эга бўлган бошқа моддалар» тушунилади<sup>12</sup>.

Жабрланувчининг ёши борасидаги ўзгаришлар мунозарали кўринади. БМТ маълумотларига кўра, бутун дунёда тиббий препаратлар заҳарвандлиги ўсиши кузатилмоқда, бундай истеъмолчиларнинг ёши турлича бўлиши мумкин. Узбекистонда доривор моддалардан заҳарланиш ҳолатлари кўплаб қайд этилади, уларнинг баъзилари тиббий бўлмаган истеъмол туфайли юз беради. Бироқ, олимларнинг фикрича, заҳарвандлик асосан ўсмирилик тусига эга<sup>13</sup>. Заҳарвандлар мухити турфа хил бўлиб, алоҳида ўрганишни талаб қиласи, фақат унинг натижаларига кўра заҳарвандликка жалб қилиш учун маъмурий ва ҳатто жиноий жавобгарликни белгилаш масаласини ҳал қилиш мумкин. Сўровда қатнашган амалиётчиларнинг 84,3 фоизи янги потенциал хавфли психофаол моддаларни (ПФМ) истеъмол қилишга жалб этишни криминаллаштириши қўллаб-қувватлашган. Бундай моддалар гиёхвандлик таъсирига эга. Уларнинг истеъмолчилари ушбу моддалар таъсири ўхшашлиги туфайли гиёхванд моддаларни истеъмол қилувчилар тоифасига қўшиш мумкин.

Хозирги кунда хорижий давлатларда, мисол учун РФда янги, потенциал хавфли психофаол моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи жиноий жавобгарлик таҳдиidi остида тақиқланади (Россия Федерацияси ЖКнинг 234-моддаси). Айтиш жоизки, потенциал хавфли психофаол моддаларни истеъмол қилишга жалб



қилиш гиёхвандлик таъсирига эга бўлган препаратларни истеъмол қилишга мойил инсонлар сонини кўпайтиришга қаратилган. Қолаверса, бу моддалар нафақат вояга етмаганларга қаратилган, балки катта ёшдагилар ҳам ушбу психофаол моддаларни истеъмол қилишга жалб қилиниши мумкин (чарчақбосди, иш кунидан чалғиши воситаси сифатида).

Амалиётчиларнинг ушбу моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш учун жиноий жавобгарликка тортиш ғояси қўллаб-қувватланиши керак. Гиёхвандлик воситалари ва янги потенциал хавфли психофаол моддалар дурман таъсирига эга препаратларнинг турли тоифаларига тегишли эканлигини ҳисобга олиб, ЖК 274-моддасида назарда тутилмаган янги потенциал хавфли психофаол моддаларни истеъмол қилишга жалб этганлик учун жавобгарликни белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жиноят кодексининг 274-моддаси бўйича жиноий жавобгарлик 16 ёшдан бошланади. Олий суд маълумотларига кўра, жалб қилиш учун ҳукм қилинган шахслар асосан вояга етган, катта ёшдагилар ҳисобланади. Ваҳоланки, вояга етмаганлар ўртасида ўтказилган сўров шуни кўрсатдики, тенгдошлар 11-14 ёшли мактаб ўқувчиларининг

3,3 фоизини ва 15-17 ёшли мактаб ўқувчиларининг 20,3 фоизини гиёхванд моддаларни истеъмол қилишга ундашган<sup>14</sup>.

Таъкидлаш лозимки, Россияяда гиёхвандликка жалб қилиш учун жиноий жавобгарлик ёшини 14 ёшга пасайтириш ташабуси таклифи ҳам илгари сурилган<sup>15</sup>.

Кўпгина постсовет мамлакатлари ўрганилган жиноят кодексларида, жалб этиш учун жавобгарлик ёши миллий Жиноят кодексига ўхшашdir. Шу билан бирга, Молдова ЖҚда гиёхванд моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш учун (2176-модданинг 2-қисми) жавобгарлик 14 ёшдан бошлаб назарда тутилган<sup>16</sup>. Германияда ҳам жалб этиш (зўрликсиз) учун жавобгарлик ёши 14 ёшдан бошланади<sup>17</sup>.

Амалиётчиларнинг аксарияти (60,5 фоиз) жиноий жавобгарлик ёшини 14 ёшгача камайтириш ғоясини қўллаб-қувватлайди. Респондентларнинг 20,5 фоизига кўра, 14 ёшдан бошлаб Жиноят кодексининг 274-моддасининг барча қисмлари учун жавобгарлик бошланиши керак. Амалиётчиларнинг 10 фоизининг фикрича, 14 ёшдан бошлаб жавобгарлик фақат жалб этишнинг энг қўпол шакллари — таҳдид ва зўрлик ишлатиш учун белгиланиши керак. Респондентларнинг атиги 5 фоизи жиноий жавобгарлик ёшини пасайтиришга қарши бўлиб, ўсмиrlар жалб этишнинг

## 22

Амалиётчиларнинг ушбу моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш учун жиноий жавобгарликка тортиш ғояси қўллаб-қувватланиши керак. Гиёхвандлик воситалари ва янги потенциал хавфли психофаол моддалар дурман таъсирига эга препаратларнинг турли тоифаларига тегишли эканлигини ҳисобга олиб, ЖК 274-моддасида назарда тутилмаган янги потенциал хавфли психофаол моддаларни истеъмол қилишга жалб этганлик учун жавобгарликни белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.



ижтимоий хавфлилигини түлиқ тушуна олмаслигини қайд этади. Сүров иштирокчиларининг 5,5 фоизи ёшни пасайтириш мақсадга мувофиқ эмаслигини, чунки 14-15 ёшдаги шахслар томонидан жалб этиш ҳолатлари кўп эмаслигини алоҳида қайд этишган.

Жиноят кодексининг 17-моддасига кўра, 14 ёшдан бошлиб шахс нафақат бир қатор жиноятларнинг ижрочиси, балки далолатчиси ҳам бўлиши мумкин. Уз механизмига кўра, далолатчилик жалб этишга яқин бўлиб, бу ўсмирларнинг жиноят қонунида белгиланган далолатчилик тақиқланишидан хабардор бўлишини англаб этиш мумкинлигидан далолат беради. Бироқ, ёшларнинг гиёхванд моддаларга толерантлиги ва истеъмол қилиш оқибатлари ҳақида аник маълумотларга эга эмаслигини ҳисобга олсак, 14-15 ёшли ўсмирлар учун рухсат этилган ва тақиқланган хатти-ҳаракатлар чегарасини аниқлаш осон бўлмасдек кўринади. Айниқса, сўз «гиёхванд моддаларни мақташ», «уз тажрибаси ҳақида гапириш» каби амалиётда кенг урф бўлган жалб этиш усувлари ҳақида борганида. Шу билан бирга, таҳдид ва зўрлик ҳаттоқи бу ёшда ҳам қилмишнинг жуда яқъол ноқонуний шакллари эканлиги шубҳасиз.

Шунга кўра, ЖКнинг 127 ва 274-моддасининг 2-қисмига жалб этишнинг зўрлик ишлатиш билан боғлиқ шакллари учун алоҳида оғирлаштирувчи қисм (кўрқитиш, зўрлик ишлатиш) белгилаш, шунингдек ушбу ўзгаришдан келиб чиқиб, Жиноят кодексининг 17-моддасига, юқоридаги жиноятлар учун жиноий жавобгарлик ёшини 14 ёш деб белгилаш таклиф этилади.

## Иқтибослар/ Сноски/References:

- Шалагин А. Е. Незаконный оборот наркотиков - угроза национальной безопасности. Монография. М.: Юрлитинформ, 2015. 248 с
- <https://podrobno.uz/cat/obchestvo/v-uzbekistane-po-ofitsialnoy-statistike-zaregistrirовано-vsego-okolo-5-tysach-narkozavisimykh-/>
- <https://www.gazeta.uz/ru/2019/06/27/pharm-drugs>
- Исмаилов Р. Т. Вовлечение несовершеннолетних в употребление наркотических средств и психотропных веществ и его предупреждение органами внутренних дел: дис. ... канд. юрид. наук. Бишкек, 2013. 228 с
- <https://stat.sud.uz/>
- Состояние преступности в сфере незаконного оборота наркотических средств в Российской Федерации. Региональные различия : монография / под ред. О. А. Евлановой. М. : Юрлитинформ, 2013. 304 с.
- Проект постановления ПВС СССР «О судебной практике по делам о хищении наркотических веществ...» // ГАРФ. Ф. 9474. Оп. 1. Д. 612. Л. 177.
- [https://adilet.zan.kz/rus/docs/P98000003S\\_](https://adilet.zan.kz/rus/docs/P98000003S_)
- Apfel H., Strittmatter G. Praxiswissen Strafverteidigung im Betäubungsmittelrecht. Hamburg, 2014. 668 S.
- [https://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_10699/](https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/)
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 28.04.2017 йилдаги 12-сон «Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори // <https://lex.uz/docs/3203265>
- [https://lege.md/ru/act/ugolovnyiy\\_kodeks\\_respublik\\_i\\_moldova](https://lege.md/ru/act/ugolovnyiy_kodeks_respublik_i_moldova)
- Токсикомания в детском и подростковом возрасте // Журунова М. С. и др. Вестник КазНМУ 2016. № 1. С.593-595.
- Исмаилов Р. Т. Вовлечение несовершеннолетних в употребление наркотических средств и психотропных веществ и его предупреждение органами внутренних дел: дис. ... канд. юрид. наук. Бишкек, 2013. - С.48.
- Законопроект № 293093-5, зарегистрирован в Госдуме РФ 02 декабря 2009 г. URL: [sozd.parlament.gov.ru/bill/293093-5](http://sozd.parlament.gov.ru/bill/293093-5)
- [http://rawunsch.de/images/Ugolovnyiy\\_Kodeks.pdf](http://rawunsch.de/images/Ugolovnyiy_Kodeks.pdf)



K  
I  
V  
E  
R

МАКОНДАГИ

# ЖИНОЯТЛАРНИНГ

ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИДИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ  
КУРАШИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

THE SECURITY THREAT  
OF CYBERSPACE CRIMES  
AND SOME ASPECTS OF  
COMBATING THEM



Бекзод ҚОБУЛОВ,  
ҳуқуқшунос. Юридик  
фанлар бўйича фалсафа  
доктори (PhD)  
Ҳуқуқшунос  
E-mail: b.kobulov@bk.ru

Bekzod KOBULOV,  
Lawyer  
E-mail:b.kobulov@bk.ru



**АННОТАЦИЯ.** Кибермакондаги жиноятларнинг хавфсизликка таҳди迪, уларнинг кўринишлари, уларга қарши курашиб ва қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган ташкилий ва ҳуқуқий тадбирлар, қонунчиликка киритилиши лозим бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар, терговга қадар текширув органи мансабдор шахслари, суриштирувчи ва терговчиларни касбий билим, кўникмаларини оширишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича аниқ таклифлар илгари сурилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** киберхавфсизлик, кибермакон, кибержиноятчилик, криптовалюта, таҳдид, суриштирувчи, терговчи.

**АННОТАЦИЯ.** The article Specific proposals have been put forward to implement measures aimed at ensuring the safety threat of cyberspace crimes, their manifestations, combating them and ensuring the rule of law, amendments and additions to the legislation, the implementation of measures aimed at ensuring the development of professional knowledge, skills of officials, surveyors and Investigators of the pre-investigation body..

**KEYWORDS:** cybersecurity, cyberspace, cybercrime, cryptocurrency, threat, interrogator, investigator.

Хозирги кунда барча соҳаларнинг рақамлаштирилаётганлиги иш самарадорлигини сезиларли суръатда ошишига хизмат қилиб, кўплаб қулийклар яратмоқда.

Бироқ, ушбу жараёнда ғараз ниятли шахслар томонидан ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган янги турдаги ҳуқуқбузарликлар сони ортиб бораётганлигини ҳам кузатиш мумкин. Чунончи, глабаллашув ва рақамлаштириш дунё ҳамжамияти иқтисодиёти ва илм-фани учун ривожлантирувчи восита бўлибгина қолмай, балки жиноятларни, жумладан, кибермакондаги жиноятларни, содир этиш бўйича замонавий механизмларни ривожлантириш учун имконият яратмоқда<sup>1</sup>.

Кибермаконда содир этилаётган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси аввало ушбу турдаги жиноятларни кескин кўпайиб бораётганлиги ҳамда жабрланувчилари сони ва зарар кўлами катталиги, ер юзининг исталган ҳудудида туриб, мол-мulkни талон-торож қилиш имкониятининг мавжудлиги ҳамда уларни аниқлаш ва фош этишнинг мураккаблиги билан изоҳланмоқда.

Маълумотларга кўра, дунёда ҳар йили 500 миллиондан ортиқ кибер ҳужумлар уюштирилади, ҳар сонияда 12 нафар инсондан бири кибер маконда содир этилган ҳужумлар қурбонига айланмоқда. АҚШ, Франция, Буюк Британия, Бельгия, Люксембург каби ривожланган давлатларда жиноятларнинг 60-65 фоизи кибер ҳужумлар орқали содир этилмоқда<sup>2</sup>.

Ўз навбатида, қонунчиликка кўра кибержиноятчилик – ахборотни эгаллаш, уни ўзгариши, йўқ қилиш ёки ахборот тизимлари ва ресурсларини ишдан чиқариш мақсадида кибермаконда дастурий таъминот ва техник воситалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган жиноятлар йиғиндиси<sup>3</sup> ҳисобланади.



Бу соҳада тадқиқот олиб борган олимлар В.А.Номоконова ва Т.Л.Тропиналарнинг фикрича “кибержиноят - бу компьютер тизимлари ёки компьютер тармоқлари, шунингдек кибер маконга киришнинг бошқа воситалари ёрдамида ёки улар орқали кибермаконда, компьютер тармоқларига қарши содир этилган ҳар қандай жиноятлар мажмуудир”<sup>4</sup>.

Бошқа бир грух олимлар Т.Н.Шарыпова ва А.А.Сидоренко “кибер жиноят” атамасини “компьютер тизими ёки тармоғи ёрдамида, компьютер тизими ёки тармоғига қарши содир этилиши мумкин бўлган ҳар қандай жиноят” эканлигини таъкидлайдилар.



Дунёда ҳар йили 500 миллиондан ортиқ кибер хужумлар уюштирилади, ҳар сонияда 12 нафар инсондан бири кибер маконда содир этилган ҳужумлар курбонига айланмоқда. АҚШ, Франция, Буюк Британия, Бельгия, Люксембург каби ривожланган давлатларда жиноятларнинг 60-65 фойзи кибер хужумлар орқали содир этилмоқда .

Бизнинг фикримизча, компьютер тизимлари ёки компьютер тармоқлари, шунингдек кибер маконга киришнинг бошқа воситалари ёрдамида ёки улар орқали кибер маконда содир этилган ҳар қандай жиноятларни кибержиноят сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Чунки, бугунги кунда кибермакондаги жиноятлар фақатгина ахборотни эталлаш ва уни ўзгартиришга қаратилибгина қолмай, жиноят қонунчилигига белгиланган жиноятларнинг объектив томон ҳаракатлари кибер маконда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилмоқда.

Жумладан, ўғирлик, фиригарлик, гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг аналоглари ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга хилоф айланмаси, энг эътиборли жиҳати террорчи гуруҳларнинг фаолиятига жалб қилиш, ёллаш, тарғибот ишлари, террорчилик жиноятларини содир этиш билимини, амалий маҳоратини ва қўнимкамларини шакллантириш, қурол-яроғ, портлатиш қурилмалари, портловчи, заҳарловчи, атрофдагилар учун хавф туғдирадиган бошқа моддалар ва буюмлар билан муомала қилиш усулларини ўргатишда айнан Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш кўпаймоқда. Олдинлари террорчи гуруҳлар таъсирига тушиб қолган шахслар қурол-яроғ, портлатиш қурилмаларини тайёрлаш ва улардан фойдаланиш қўнимкамларини эгаллаш учун маҳсус тайёргарликдан ўтиш мақсадида “ҳижрат” қилиб Афғонистон, Покистон каби давлатлардаги дала лагерларида ўқувдан ўтган бўлса, бугунги кунда бу қаби ўқувдан ўтиш учун хорижга ҳижрат” қилишга эҳтиёж йўқ, бу эса мамлакатимиз хавфсизлиги учун янада хавфлироқ ҳисобланади<sup>5</sup>.

Ушбу ҳолатлар мамлакатимиз хавфсизлигига терроризм, гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни контрабандаси ва қонунга хилоф муомаласи каби трансмиллий жиноятлар таҳди迪 ортиб бораётганидан далолат беради.



<sup>1.</sup> Муаллифлар жамоаси Г.Ф.Мусаев ва бошқалар. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар (кибержиноятлар): турлари, квалификацияларини ва уларга ишбаган тергов харкатларини ўтиказиш тактикаси. 1-Б. Ўкув кўйланма. Тошкент 2020.

<sup>2.</sup> Интернет маълумотлари.

<sup>3.</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрел кунги “Киберхавфсизлик түғрисида”ти 764-сон Конуни.

<sup>4.</sup> Номоков В.А., Тропина Т.Л. Киберпреступность как новая криминальная угроза// Криминология: вчера, сегодня, завтра. 2012 С.-24.

<sup>5.</sup> Зуфаров А.М., “Хавфсизликка таҳдидларнинг замонавий кўринишлари ва уларга карши курашишининг ўзига хос жиҳатлари” Ўзбекистон терговчиси илмий-амалий журнали. №01(01)2023 Б.-28-31



**ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ЎҚУВ  
КУРСЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ.**



**КИБЕРПОЛИГОН,  
КИБЕРЛОБАРАТОРИЯЛАР  
ТАШКИЛ ЭТИШ.**



**КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИККА  
САМАРАЛИ ҚАРШИ КУРАШИШ  
УЧУН ҚҮЙИДАГИ ТАШКИЛИЙ ВА  
ХҮКҮКИЙ ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА  
ОШИРИШ ЛОЗИМ БЎЛАДИ.**



**ЮРИСТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШГА ХИЗМАТ КИЛУВЧИ ЯНГИ  
МУТАХАССИСЛИК БУИЧА БАКАЛАВР ВА МАГИСТРАТУРА  
ТАЪЛИМ ШАКЛЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.**

Қайд этиш лозимки, ҳозирги кунда кибержиноятларга қарши курашиш бўйича миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва хукуқий бўшлиқларни бартараф этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 февраль кунидаги ПҚ-117-сон қарори билан тасдиқланган "Интернет тармоғидаги хукуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг барвақт олдини олиш ҳамда профилактик тадбирларни амалга ошириш бўйича чоратадбирлар дастури"нинг 15-бандида Жиноят кодексида ахборот технологиялари билан боғлиқ нормаларни такомиллаштириш вазифаси юклатилди.

2022 йил 15 апрель куни Ўзбекистон Республикасининг "Киберхавфсизлик тўғрисида"ги 764-сон Қонун<sup>6</sup> қабул қилиниб, киберхавфсизлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг норматив-хукуқий асоси яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 19 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги 899-сон Қонуни<sup>7</sup> билан мобил қурилманинг халқаро ўзига хос идентификация кодини (IMEI) ёки абонент қурилмасининг идентификациялаш модулини қонунчилик ҳужжатларига зид равишда ўзгаришиш учун маъмурӣ жавобгарлик, шунингдек криpto-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузиш ва қонунга хилоф равишда майнинг фаолиятини амалга ошириш учун жинойӣ жавобгарлик белгиланди.

Ушбу қонунларнинг қабул қилиниши кибержиноятчиликка қарши кураш соҳасида муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, қонун ижодкорлиги борасида кибормакондаги янгиликлар билан ҳамоҳанг равишда барча соҳадаги қонунчилик етарлича такомиллашиб



бормаётганлиги кибержиноятларга қарши курашда самарали натижаларга эришиш имкониятларини чекламоқда.

Шу билан бир қаторда, таъкидлаш жоизки, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш учун қонун ижодкорлари ва ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида амалга оширилиш лозим бўлган ишлар талайгина. Чунки, анъанавий кўринишдаги жиноятчиликни олдини олиш, унга қарши курашиш ва чек қўйиш усуllари билан кибержиноятларга қарши курашиш имконсизdir.

Сўнгги 3 йилда бу тоифадаги жиноятлар 8,3 бараварга кўпайиб, умумий жиноятларнинг 5 фоизини ташкил этаётгани<sup>8</sup> ҳам бизнинг фикрларимизни тасдиқлади.

<sup>6</sup>. Ўзбекистон Республикасининг "Киберхавфсизлик тўғрисида"ги 764-сон Қонуни. Тошкент-2022.

<sup>7</sup>. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 19 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги ЎРҚ-899-сон Қонуни

<sup>8</sup>. Интернет маълумотлари.



Ушбу йўналишда тадқиқот олиб борган А.А.Коновалов, С.А.Наумов ва Д.Д.Колесниковлар жиноят содир этилишида тармоқ ахборот маконининг ўзига хос хусусиятлари билан юқори даражада яширинлиги (ишлаб чиқилган, анонимик механизмлари, инфратузилманинг мураккаблиги ва бошқалар) таъминланганлиги, тармоқ жиноятларининг трансчегаравий хусусияти, жиноятчиларнинг алоҳида маҳсус тайёргарлиги, жиной фаолиятнинг интеллектуал хусусияти, жиноят содир этиш усуllibарининг мураккаблиги, хилма-хиллиги ва уларни содир этиш усуllibар тез-тез янгиланиб бориши, анъанавий усуllibар билан бу турдаги жиноятларни олдини олиш ва уларга чек қуийиш имконияти мавжуд эмаслигини таъкидлайдилар<sup>9</sup>.

Бизнинг назаримизда, айни вақтда кибермакондаги жиноятларнинг ортиб боришига қўйидагиларни сабаб ва омил сифатида хизмат қилмоқда. Жўмладан:

- интернет ижтимоий тармоғида қонунга хилоф қилмишларни содир этиш қулай бўлган, жиноят изларини топиш имкониятлар чекланган, реклама қилиш ва янги иштирокчиларни, харидорларни жалб қилиш осон бўлган "Darknet" ва шунга ўхшаш (Тор-браузер) ёрдамида кириш қўйин бўлган, яширин веб-сайтларнинг мавжудлиги;

- бу каби тармоқлар фойдаланувчиларининг анонимлиги, жойлашган жойларини аниқлаш имкониятлари чекланганлиги ва жиноятчilar фаолиятини амалга ошириш учун яратилган бошқа "қулайлiliklar";

- тақиқланган предметлар ва хизматлар учун тўловни амалга оширишда криптовалюталардан, хусусан, "Bitcoin", "Litecoin"дан фойдаланилганида, транзакцияларни текширишда банк жалб қилинмаслиги, амалга оширилган операция тўғрисида виртуал оламда из қолмаслиги;

- терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчиларда кибержиноятларни

аниқлаш, уларга қарши кураш, уларни фош этиш ва тергов қилишда электрон далилларни тўплаш, олиш бўйича касбий кўникмалари етарли эмаслиги;

- жиноят-процессига замон талабларига мос равища ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этилмаганлиги ҳамда электрон далиллар, уларни олиш, текшириш ва баҳолаш тартиблари жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланмаганлиги.

Шу муносабат билан, кибержиноятчиликка самарали қарши курашиш учун қўйидаги ташкилий ва ҳуқуқий тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади.

1. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларида кибержиноятларга қарши кураш кўникмаларини шакллантириш бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини доимий, мақсадли ташкил этиш, муддатларни етарли белгилаш, дарс машғулотларига етук мутахассисларни жалб қилиш, лозим бўлганда ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш мақсадида хорижий давлатларда ўқув курслари ташкил этиш.

Мазкур ўқув курсларини ташкил этишда қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш:

- ходимларда IT-технологиялар, Интернет жаҳон ахборот тармоғида бугунги кунда мавжуд жиноий мақсадларга хизмат қилувчи сайтлар, дастурлар, тармоқлар ҳақида тушунчаларни шакллантириш;

- кибержиноятлар, шунингдек криптоактивлар билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш учун криптоактивлар айланмаси, улар орқали транзакцияларни амалга ошириш тартиби бўйича кўникмаларни шакллантириш;

- бу турдаги жиноятларни тергов қилишда исботлашга хизмат қилувчи жиноят бўйича виртуал оламда электрон далилларни аниқлаш, олиш бўйича касбий кўникмаларни шакллантириш ва бу борадаги билимларини ошириш.

2. Тергов органларида Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги электрон далилларни кўздан кечириш ва олишга мослашган тезкор интернет ва замонавий компютерлар билан жиҳозланган киберполигон, киберлобараториялар ташкил этиш.

3. Кибержиноятчиликнинг ўсиш тенденцияларидан келиб чиқсан ҳолда олий ўқув юртларида ахборот технологиялари ва юридик соҳада юқори билимга эга бўлган киберхавфислик йўналиши бўйича юристларни тайёрлашга хизмат қилувчи янги мутахассислик бўйича бакалавр ва магистратура таълим шаклларини ташкил этиш.

4. Узбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексини такомиллаштириш, электрон (раҳамли) далиллар тушунчасини, уларни кўздан кечириш, олиш, текшириш ва баҳолаш тартибларини жиноят-процессуал қонунчиликда белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

<sup>9</sup> Коновалов А.А., Наумов С.А. ва Колесников Д.Д. Киберпреступность как глобальная угроза экономической безопасности: виды, особенности, проблемы воздействия// Ростовский научный журнал №1. 2018. С.-20-27



# ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ

ФАОЛИЯТИ ПРИНЦИПЛАРИНИНГ ИНСОН  
ХУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ  
МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ



Фарход  
БОБОМУРОДОВ,  
Тошкент шаҳар  
Ички ишлар бош  
бошқармаси Ташкилий  
бошқарма Ягона  
тезкор бошқарув  
маркази масъул  
ходими, подполковник  
ю.ф.б.ф.д.(PhD)



## THE IMPORTANCE OF THE PRINCIPLES OF OPERATIONAL INVESTIGATIVE ACTIVITIES IN ENSURING HUMAN RIGHTS, FREEDOMS AND LEGITIMATE INTERESTS

→ **АННОТАЦИЯ.** Мақолада инсон хуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга хизмат қиласидиган тезкор-қидирув фаолиятининг умумий ва маҳсус принциплари таҳлил қилиниб, илфор хориж қонунчилиги нормаларини ўрганиш асосида тезкор-қидирув фаолиятининг принциплари рўйхатини кенгайтириш, уч гурӯҳга таснифлаш лозимлиги асослантирилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** инсон хуқуқлари, эркинлик, принцип, ошкора ва ноошокора усуслар, конспирация, касб этикаси.

→ **ANNOTATION.** The article analyzes the general and special principles of operational investigative activities that serve to ensure human rights and freedoms, substantiates the need to expand the list of principles of operational investigative activities based on the study of the norms of advanced foreign legislation, their classification into three groups.

**KEYWORDS:** human rights, freedom, principle, use of public and secret methods, conspiracy, professional ethics.



**Тезкор-қидирув фаолиятида (кейинги ўринларда – ТҚФ деб юритилади) инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг мазмун-моҳиятини билиш, ТҚФни амалга оширувчи орган ходимларидан хизмат фаолиятини қонунйлик ва холислик тамойиллари асосида ташкил этишга имкон беради.**

**Ўзбек тилининг луғатида принцип атамасига [лот. principium – асос, негиз; ибтидо] Бирор назария, таълимот, дунёқараш ва ш.к.нинг дастлабки, асосий қонун қоидаси; фаолият учун асос қилиб олинадиган бош ғоя, қонун қоида; хулқ-атвор, хатти-ҳаракат меъёрларини белгилайдиган, киши оғишмай амал қиласиган ички ишонч, нуқтаи назар, қараш ва маслак [25, Б.309.] маъноларида изоҳ берилган.**

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, принциплар түғрисидаги таълимот инсоннинг ҳар қандай ижтимоий фаолияти учун жуда муҳимдир ва шу қадар кенг тарқалган. Деярли барча билим соҳалари олимлари масалан, Аристотел, Кант, Демокрит, Спиноза, Гегель ва бошқа олимлар[13, Б.3.] принцип тушунчаси ва моҳияти түғрисида илк қарашлар ва фикрларни билдиришган.

Тезкор-қидирув фаолияти назариясининг етук намоёндалари жумладан, Д. В. Гребельский, А. Г. Лекарь, А. И. Алексеев, В. Г. Бобров, Г. К. Синилов, В. М. Атмажитов, В. А. Лукашов, И. А. Клиmov, Ю. С. Блинov, К. В. Сурков, Н. П. Водъко, А. Ю. Шумилов, Е. Д. Лукьянченков каби ҳуқуқшунос олимлар XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб “принцип” яъни, тамойил тушунчасини маълум даражада ўрганиб, ТҚФни назарияси ва амалиётида қўлланилиши [16, Б.37-39.] ҳақида фикрларни билдиришган.

Принциплар ТҚФнинг тизимини белгилайди, унинг моҳияти ва фаолият йўналишларини акс эттиради, мақсадлар, вазифалар ва функцияларни аниқлашга ёрдам беради.

ТҚФ, юридик фаолиятнинг бошқа турлари сингари, асосий вазифа ва функцияларнинг бажарилиши, принциплар асосида амалга оширилади.

ТҚФнинг принциплари деганда қонун чиқарувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар сиймосида жамиятнинг жиноятчиликка қарши курашишнинг ушбу ўзига хос давлат ҳуқуқий шаклининг моҳияти, мақсадлари ва вазифаларига оид эътиқодлари ва қарашларини акс эттирувчи асосий қоидалар, раҳбарий ғоялар тушунилади.

ТҚФнинг принциплари ТҚФни амалга оширувчи органларнинг амалий фаолияти жараёнида шаклланган, тезкор-қидирув ҳуқуқи назариясида умумлаштирилган ва ифодаланган, бунинг натижасида амалдаги қонун ҳужжатларида ва идоравий



хуқуқий тартибга солишда норматив жиҳатдан мустаҳкамланган. Ушбу принципларга тезкор ходимлар томонидан риоя этилиши лозим. Принциплар шунингдек, тезкор-қидирув кучлари, восита ва усууллари ёрдамида амалга ошириладиган жиноятчиликка қарши курашиб соҳасидаги ўзига хос қонуниятларнинг ифодасидир [18, Б.52.].

ТҚФнинг принциплари ҳақида тадқиқот иши олиб борган Е.Е.Каймульдинов: "ТҚФнинг принциплари бу тезкор-қидирув қонунчилиги институтларининг қурилишини белгилайдиган, хуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ТҚФни амалга оширишда жиноятчиликка қарши курашиб ўзига хос давлат-хуқуқий шаклнинг моҳияти, мақсади, вазифалари түғрисида, эътиқод ва қарашларини

## “ Қонунийлик принципи.”

Барча давлат органлари, шу жумладан, хуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини амалга ошириша қонунийлик энг муҳим давлат-хуқуқий устунлардан биридир. Шу билан бирга, қонунийликка риоя қилиш инсоннинг энг юқори ижтимоий қадриятини, унинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлайди.

Акс эттирувчи қонунчилик ҳужжатлари нормаларида ифодаланган асосий раҳбарий ғоялар" [14, Б.8-9.] мазмунидаги ҳуқуқий таъриф беради. Бизнингча, реал амалиётдаги ҳолат ва хориж тажрибасига асосланиб ТҚФнинг принциплари рўйхатини кенгайтириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш нуқтаи назардан ТҚФнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамланишига хизмат қиласди" [2, Б.179-182.].

Ушбу масалада фикр билдирган В.Каримов: "ТҚФни принциплари иккى гурӯҳга яъни, умумий ва маҳсус принципларга бўлинишини" [11, 47-б] таъкидлайди. Қўйида умумий ва маҳсус принципларнинг мазмун-моҳиятини атрофлича таҳлил қиласди.

Қонунийлик принципи. Барча давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини амалга ошириша қонунийлик энг муҳим давлат-хуқуқий устунлардан биридир. Шу билан бирга, қонунийликка риоя қилиш инсоннинг энг юқори ижтимоий қадриятини, унинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлайди.

Д.А.Бабичев фикрича: "ижтимоий ҳодиса сифатида қонунийлик жамият, хуқуқ ва давлат билан биргалиқда ривожланиб ўзгариши, қонунийлик ижтимоий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг энг самарали усули, қонунлар ёрдамида тартиб ўрнатилади, жамиятда уйғунлик таъминланади, фуқароларни ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланади" [1] деб ҳисоблайди.

Дарҳақиқат, қонунийлик принципи деганда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси нормаларига сўзсиз ва оғишмай риоя қилиш, ТҚФни амалга оширувчи органларнинг барча мансабдор шахслари томонидан ТҚФни тартибга солувчи қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларни талабини ижро этиш тушунилиб, қонунийлик принципига амал қилиниши, қонунийликни таъминлаш орқали эришилади.

ТҚФ ва инсон ҳуқуқлари ҳақида илмий изланишлар олиб борган профессор В.Каримов: "Тезкор-қидирув фаолиятида қонунийлик таъминлашнинг асосий элементлари бу амалдаги Конституция, қонунлар ҳамда қонуности ҳужжатларни қабул қилиниши ва ТҚФ субъектлари ушбу элементларнинг моҳиятига тўлиқ амал қилиши лозим" [12, 143-б.] деб фикр билдиради.

Демак, қонунийликни таъминлаш бу ТҚФни амалга оширувчи органлар ва мансабдор шахслар томонидан қонун билан ваколат берилган мажбурият, вазифа ва функцияларни амалга оширишни англатади. Қонунийлик, биринчи навбатда, ҳуқуқлар ва мажбуриятларни ҳуқуқий тартибга солишда, ушбу субъектларнинг маҳсус ваколатларида ва уларнинг фаолияти мазмунида ўз ифодасини топади. ТҚФда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда қонунийлик принципига риоя қилиниши биринчидан, ТҚФ субъектларининг ТҚФ соҳасига тааллуқли норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг



мазмун-моҳиятини билиши ва унга амал қилиши; иккинчидан, ТҚФни амалга оширишда (ТҚФнинг вазифаларини ҳал этиш, тезкор-қидирув тадбирларини қонуний асослари, шарти бўйича ўтказиш, ТҚФга кўмаклашувчи фуқаролар билан ишлаш ва уларни моддий рағбатлантириш ва бошқ.) ТҚФга тааллуқли норматив-ҳуқуқий хужжатларда назарда тутилган қоидаларга биноан хизмат фаолияти ташкил этилиши талаб этилади.

Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги принципи.

Қонунийлик объектив зарурат сифатида ўз навбатида, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш кафолати бўлиб хизмат қилади. Қонунга бўйсуниш, барқарор ҳуқуқ-тартибот учун шароит яратади. Шубҳасиз, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя қилиш тамойилининг бузилиши қонунийлик принципининг бузилишига олиб келади.

И.Д. Шатохин фикрича: "ТҚФда шахс ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя қилиш принципи нафақат конституциявий, балки ҳалқаро ҳуқуқий асосга ҳам эга бўлиб, ратификация қилинган ҳалқаро-ҳуқуқий хужжатлар билан кафолатланган барча ҳуқуқларни ТҚФ жараёнида таъминлаш зарурлигини, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя қилиш тамойилининг бузилиши кўпинча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашиш фаолиятида рўй бераб, бунинг сабаби ТҚФни амалга оширувчи орган раҳбарлари томонидан идоравий назорат тўғри ва самарали ташкил этилмасдан, ҳисбот учун иш кўрсаткичларни йил сайин оширишга эътибор қаратилиши, ушбу масалага жиддий эътибор берилиб, ТҚФда шахс ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя қилишнинг мақбул механизмини ишлаб чиқиши[22, Б.160-168.], шунингдек, шахсни конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишда суддан санкция олиниши талаб этилиб, қарорнинг бир нусхаси ҳуқуқи чекланган шахсга берилиши инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари, эркинликларини



**Қонунийликни  
таъминлаш бу  
ТҚФни амалга  
oshirovchi organlar  
va mansabdon  
shahslar tomonidan  
konun bilan  
vakolat berilgan  
mazburiyat, vazifa  
va funksiyalarini  
amala oshiriishi  
anglatadi.**

хурмат қилиш ҳамда уларга риоя қилишни англатади"[23, Б.186-193.]деб ҳисоблайди. Назаримизда ТҚФда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги принципига риоя қилиниши учун биринчидан, ТҚФ субъектлари томонидан кундалик функционал мажбуриятларини бажаришда қонунийликни бузиш ҳолатларига йўл қўймаслиги; иккинчидан, идоравий контролни амалга оширувчи ТҚФни

амалга оширувчи органнинг раҳбарлари жиноятчиликка қарши курашишда турли жиноят(аниқланадиган ва олди олинадиган, бошқ.)ларни аниқлаш ва фош этиш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишда ҳисботлар учун эмас балким, энг муҳим масалага яъни, жиноят содир этишда гумонланиб ушланган шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилишига йўл қўймасликлари; учинчидан, ТҚФнинг қонунийлигини назорат қилувчи прокурорлар терговга қадар текширув вақтида ёки жиноят иши доирасида тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилганида қонун бузилиш ҳолатлари борлигини аниқлашга; тўртинчидан, шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклайдиган тезкор-қидирув тадбиларини ўтказиш зарурати юзага келганда суднинг тасдиқлаган қарори асосида ва ушбу қарор нусхаси ҳуқуқлари чекланган шахсга берилишига жиддий эътибор қаратиш лозимлигини тақозо этади.





ТҚФда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг ҳуқуқий манбаси ҳисобланган тезкор-қидириув қонунчилиги нормаларининг мазмун-моҳияти ўрганилганда жумладан, Беларусь “Тезкор-қидириув фаолияти тұғрисида” қонунида принциплар орасыда ташкилотларни қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари, эркинликларига риоя қилиш принципини белгилангани жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишида мұхым манба бўлиб хизмат қиласди. Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятига кенг имконият ва шароитлар яратилган бўлиб, ТҚФни амалга оширувчи органлар томонидан қонунда назарда тутилган асосларга кўра, тадбиркорлик субъектлари(якка тартибда фаолият кўрсатаётган ёки юридик шахс)га нисбатан тезкор-қидириув тадбирлари амалга оширилганида уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг поймол бўлмаслиги лозим. Шу боис, “Тезкор-қидириув фаолияти тұғрисида”ги қонунни қуйидаги: 7<sup>1</sup>-модда. Корхона, муассаса, ташкилотлар, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш принципи. ТҚФни амалга

oshirovchi organlar tezkor-qidiriuv tadbirlarini amalga oshirisha korxona, muassasa, tashkilotlar, tadbirkorlik subyektlarinинг ҳуқуқlari va қonuniy manfaatlari buziliishiiga yul qummasligi lozim. Korxona, muassasa, tashkilotlar, tadbirkorlik subyektlarinинг ҳуқуқlari va қonuniy manfaatlari TQFmni amalga oshirovchi organlarning vazifalari va mажбуриятларини, tezkor-qidiriuv tadbirlarini amalga oshiriш tarbiini belgilash, TQFni nazorat қiliш orqali taъminlanadi. Shaхs, жамият va давлат хавфсизлигини таъminlaшда ушбу қонун va бошқа қонун ҳужжатlariiga binoan korxona, muassasa, tashkilotlar, tadbirkorlik subyektlarinинг ҳуқуқlari va қonuniy manfaatlari cheklaniши mumkin” mazmuniда норма билан тўлдириш lозим.

Бундан ташқари, тадқиқот иши доирасида айрим чет эл давлатларнинг “Тезкор-қидириув фаолияти тұғрисида” қонун нормаларида назарда тутилган принциплар ўрганилганда шу жумладан, Украина Республикаси “Тезкор-қидириув фаолияти тұғрисида” қонунида: “Тезкор-қидириув фаолиятида қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш” (4-м) [3]; Қозоғистон Республикасининг “Тезкор-қидириув



фаолияти тұғрисида" қонунида: "ТҚФда қонунийлик; шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қадр-қимматини ҳурмат қилиш; фуқароларнинг қонун олдидә тенглиги; конспирация; ошкора ва ноошкора усууллар; касб этикаси"(3-м) [4]; Россия Федерациясининг "Тезкор-қидириув фаолияти тұғрисида" ги қонунида: "ТҚФда конституциявий принцип сифатида қонунийлик; инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш; конспирация; ошкора ва ноошкора усууллар ва воситаларнинг үйғунлиги"(3-м) [19]; Қирғизистон Республикасы "Тезкор фаолияти тұғрисида" ги қонунида: "қонунийлик; инсон ҳуқуқлари, эркинликларини ҳурмат қилиш; конспирация; ошкора ва ноошкора усууллар ва воситаларнинг үйғунлиги" (4-м) [5]; Литва Республикасининг "Тезкор фаолияти тұғрисида" ги қонунида: "қонунийлик; инсон ва фуқароларни ҳуқуқлари, эркинликларини таъминлаш; жамоат манбаатларини ҳимоя қилиш; махфийлікка амал қилиш; ҳар қандай маълумотларни ошкор бўлишини олдини олиш чораларини кўрилиши; очиқ ва яширин усул, воситаларнинг үйғунлиги"(4-м) [6]; Тоҷикистон Республикасининг "Тезкор-қидириув фаолияти тұғрисида" ги қонунида: "инсонпарварлик; қонун олдидә тенглик; инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини ҳурмат қилиш; конспирация; ошкора ва ноошкора усууллар ва воситаларнинг үйғунлиги" (4-м) [7]; Молдова Республикасининг "Махсус-қидириув фаолияти тұғрисида" қонунида: "қонунийлик; шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш; ўз вақтида ва хавфсизлик; ошкора ва ноошкора усуулларнинг үйғунлиги; бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик; мафкурасизлик, партиясизлик" (3-м) [8]; Беларусь Республикасининг "Тезкор-қидириув фаолияти тұғрисида" ги қонунида: "ТҚФда қонунийлик; фуқароларнинг қонуний манбаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш; ташкилотларнинг қонуний манбаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш; конспирация; тезкор-қидириув тадбирларини ошкора ва ноошкора усуулларда амалга ошириш"(5-м) [9] каби принципларнинг баён этилгани маълум бўлди.

Ўзбекистон  
Республикасида

бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятига кенг имконият ва шароитлар яратилган бўлиб, ТҚФни амалга оширувчи органлар томонидан қонунда назарда тутилган асосларга кўра, тадбиркорлик субъектлари(якка тартибда фаолият кўрсатадиган ёки юридик шахс) га нисбатан тезкор-қидириув тадбирлари амалга оширилганида уларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг поймол бўлмаслиги лозим. нормасида белгилангани; иккинчидан, принциплар мазмунига кўра конституциявий ва маҳсус принципларга ажратилгани; учинчидан, Қозоғистон Республикаси "Тезкор-қидириув фаолияти тўғрисидаги қонун нормасида тезкор бўлинмаларга тааллуқли касб этикаси принципининг белгилангани Тезкор-қидириув фаолиятида инсон хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда тезкор бўлинмаларни ходимлари томонидан профессионал тарзда касб этикасига тўла риоя қилган ҳолда тезкор-қидириув тадбирлари амалга оширилишини англатади.

Юқоридаги таҳлиллар асосида ТҚФда инсон ҳуқуқлари, эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини қонунчилик билан мустаҳкамлашда Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунни қуидаги: “<sup>72</sup>-модда. Касб этикаси принципи. ТҚФни амалга оширувчи органларнинг тезкор бўлинмалари тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишда одоб ахлоқ қоидаларига





## КОНСПИРАЦИЯ ПРИНЦИПИ.

*ТҚФнинг биринчи маҳсус принципи конспирация принципидир. Бу шуни англатадики, барча тезкор-қидириув тадбирлари, заруратдан келиб чиққан ҳолда ошкора ва ноошкора усулларда амалга оширилиши мумкин. Бундай ҳолда, тезкор-қидириув тадбирларини ташкил этиши ва тактикаси, ушбу тезкор-қидириув тадбирларини ўтказишида фойдаланиладиган кучлар, воситалар, усуллар, манбалар, режалар ва натижалар тўғрисидаги барча маълумотлар давлат сирини ташкил этади.*

риоя қилган ҳолда фуқаролар билан хушмуомалада бўлиб, касбий маданиятига риоя қилиб, адолатлилик, холислик ва професионализм фазилатларини намоён этиб фаолиятни амалга оширади" мазмунидаги прим норма билан тўлдириш таклиф этилади.

ТҚФнинг соҳасига оид маҳсус принципи Ўзбекистон Республикасини Конституциясида белгиланмаган бўлиб, тезкор-қидириув қонунчилиги ТҚФ соҳасига тегишли принципларни ўз ичига қамраб олади.

Шу масалада фикр билдирган А.В.Каверзев қуйидагиларни: "ТҚФни маҳсус (соҳавий) принципларини мавжудлиги ҳам назария учун ҳам амалиёт учун жуда муҳим" [10] деб ҳисоблади. Соҳавий принципларни амалиётда кенг қўллаш ТҚФни амалий даражасини ошириб, тезкор-қидириув тадбирларини ўтказишида юзага келадиган муаммоларнинг ечимини топишда йўналиш вазифасини ўтайди. Қуйида ТҚФни соҳасига тегишли маҳсус принципларни мазмун-моҳиятини таҳлил қиласиз.

Конспирация принципи. ТҚФнинг биринчи маҳсус принципи конспирация принципидир. Бу шуни англатадики, барча тезкор-қидириув тадбирлари, заруратдан келиб чиққан ҳолда ошкора ва ноошкора усулларда амалга оширилиши мумкин. Бундай ҳолда, тезкор-қидириув тадбирларини ташкил этиши ва тактикаси, ушбу тезкор-қидириув тадбирларини ўтказишида фойдаланиладиган кучлар, воситалар, усуллар, манбалар, режалар ва натижалар тўғрисидаги барча маълумотлар давлат сирини ташкил этади. Конспирация атамаси лотинча *conspiratio* – тил бириткириш, фитна; нолегал яширин ташкилотларнинг ўз ишини (фаолиятини) сир тутиш ва аъзоларини яшириш учун қўлланган усули, чора-тадбирлари [24, Б.401.] маъносини англатади. ТҚФнинг ўзига хос разведка хусусияти конспирация принципи асосида тузилган, шунинг учун ТҚФ назариясида у анъанавий равишда маҳсус принциплар гуруҳига киритилган. Конспирация принципининг моҳияти ТҚФ жараёнида жиноятларни аниқлаш, фош этиш тактикаларини жиноят содир этишга тайёргарлик кўраётган, режалаштираётган шахслардан сир тутишга имкон берадиган қоида, усуллардан фойдаланиш зарурлигини ва қонунийлигини англатади[21]. Мазкур принцип мазмун-моҳиятига кўра, ТҚФ амалиётида маҳсус тизимни ташкил қилиб, қонунийлик; инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш каби конституциявий принципларни амалга



оширилишини таъминлайди.

Н.Ю. Пономаренко конспирация тушунчасига қўйидаги: "конспирация бу тезкор-қидирув тактикаси тушунчаси тизимининг элементларидан бири бўлиб, давлат ва хизмат сирлари билан боғлиқ маълумотлардан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятида жиноятчиликка қарши курашиш манфаатларида фойдаланиш, сақлаш, шунингдек, уларни тарқалишининг олдини олишга айтилади"[15] мазмунида ҳуқуқий таъриф беради. Амалиётда конспирация принципидан асосан ТҚФга кўмаклашувчи фуқаролар билан жиноят процессининг босқичларида ҳамкорлик қилишда, ўтказилиш хусусиятидан келиб чиққан ҳолда (руҳсат шарт бўлмаган, ТҚФ орган раҳбарининг рухсати ва санкция асосида) тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишда фойдаланилади. Конспирация принципи тушунчасининг мазмунини ўрганиш асосида биринчидан, конспирация принципи тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишида фойдаланиладиган куч, восита, усул, манба, режа ва натижалар тўғрисидаги маълумотларни ўзида қамраб олиши; иккинчидан, ушбу принцип ТҚФнинг тизимини ташкил этиши; учинчиндан, конспирация принципига амал қилиш конституциявий принципларга тўлиқ риоя этиш таъминланишини тушундик. Содда қилиб айгanda, конспирация принципи бу маҳфийликка амал қилиш, жиноятларни олдини олиш, аниқлаш ва фош этишда, қидирув ишини амалга оширишда ТҚФнинг тактикаси ва усуllibарини ошкор қилмаслик тушунилади.

Тадқиқот иши доирасида ўрганилган Украина (4-м), Қозоғистон (3-м), Россия (3-м), Қирғизистон (4-м), Озарбайжон (3-м), Литва (4-м), Арманистон (5-м), Тоҷикистон (4-м), Молдова (3-м), Беларусь (5-м) каби 10 та давлатлар "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида" қонунларида принципга бағишлиган нормалар белгиланган бўлиб, ТҚФни амалга оширишда конспирация принципи алоҳида аҳамият касб этади. 2015 йил 15 июлда қабул қилинган Беларусь Республикаси "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддасида конспирация

принципи тушунчаси оддий, содда ва тушунарли тарзда баён этилган. Бугунги кунда амалиётда ТҚФ материаларидан жиноят процессининг ишни судга қадар юритиш ва суд босқичида фойдаланиш билан боғлиқ ташкилий муаммолар мавжуд. Масалан, ТҚФга ноошкора кўмаклашувчи фуқароларни суриштирув ва терговга жалб қилишда қонунда аниқ механизмларни кўрсатилмаганлиги, ушбу бўшлиқни бартараф этишда конспирация принципини моҳиятини тўғри тушуниши таълаб этади. ТҚФда конспирация принципи моҳиятини тўлиқ тушуниш ва амалиётда самарали қўллаш учун унинг асосий хусусиятларини ўзида акс этган ягона тушунчани ишлаб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддасида баён этилган конспирация принципи тушунчасининг моҳияти тўлиқ ёритилмаган. ТҚФда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда конспирация принципининг мазмун-моҳияти қонун нормасида аниқ баён этилиши зарурдир.

Юқорида билдирилган фикрларни атрофлича ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон Республикаси "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддасини қўйидаги таҳрирда: "Тезкор-қидирув фаолияти конспирация принципига риоя этилган ҳолда, тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этишда қўлланиладиган тезкор-қидирув фаолиятини ташкил этиш ва тактикаси, кучлари, воситалари, усуllibari, режалари, тезкор-қидирув ишининг алоҳида хусусияти ҳақидаги маълумотларни сир тутилиши, тезкор-қидирув тадбирларни ўтказишининг асосларига доир ахборотларни олиш, расмийлаштириш, сақлаш ва ундан қонунчиликда белгиланган тартибда жиноят процессининг босқичларида фойдаланиш орқали амалга оширилади" мазмунда баён этиш таклиф этилади.

Ошкора ва ноошкора усуllibарнинг ўйғунлиги принципи. Усуllibar ўйғунлиги принципи ТҚФнинг моҳиятини акс эттиради, мазкур фаолиятнинг ўзига хос ва айни вақтда жиноята қарши йўналишдаги юридик фаолиятнинг бошқа турлари (масалан, жиноят-процессуал тури)дан фарқ қилувчи жиҳати ҳисобланади[20, 5.29]. Жиноятчиликка қарши курашишда ошкора ва ноошкора усуllibарининг ўйғунлиги принципи Ўзбекистон Республикасининг "Терроризмга қарши кураш тўғрисида" (4-м) [26]; "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида" (5, 9, 12, 14-м.); "Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Узбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" (1-м) [27]; "Давлат хавфсизлиги хизмат тўғрисида"(31-м) [28] Қонунлар мазмунида белгиланди.

ТҚФда ошкора ва ноошкора усуllibar deganda тезкор-қидирув тадбирлariiga тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнида тезкор-тактик вазифаларни бажариш учун қўлланиладиган усул, йўллар йиғиндиси тушунилади. Ноошкора усуllibar жиноятлар содир этилишига имкон берувчи шароитлар, жиноят содир этишга мойил шахслар ҳақида маълумот олишда энг самарали бўлиб, аввало, фуқароларнинг тезкор



ходимлар билан ноошкора ҳамкорлик қилиш жараёнида фойдаланилади. Ошкора усулларни қўлланиши эса фуқароларнинг ариза, шикоят ва таклифларини, профилактик тадбирлар ўтказишда, шунингдек, давлат органларининг ҳужжатлари, оммавий ахборот воситаларининг материаллари, судлар ҳукмлари ва бошқаларни ўрганишда самарали ҳисобланади. Ошкора ва ноошкора усулларнинг уйғунлиги принципи асосан тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш учун қўлланилиб, амалиётда ошкора ёки яширин равишда тезкор-қидириув тадбирларини ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини бузиш ҳолатлари кузатилади. Кўпроқ шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ ноошкора тезкор-қидириув тадбирлари (телефон сўзлашувларини эшлиш ва бошқ.) ни ўтказишда, тадбирни ўтказиш муддатига тўлиқ риоя қиласлик ҳолатлари кузатилади. Бундай ҳолатларни олдини олишда ТҚФни

назорат қилувчи субъектлар (ТҚФ орган раҳбари, прокурор, суд) маҳсус ваколатли давлат органи (ЭТРМ) билан ҳамкорлик ишлари самарали ташкил этилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, Молдова Республикаси “Тезкор-қидириув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг З-моддасида б та principlar белгиланган бўлиб, бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик принципи ТҚФни амалга оширишда муҳим тамойил ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидириув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 12, 15, 18, 28<sup>1</sup>-моддаларида назарда тутилган ҳамкорликка оид қоидаларга тўлиқ риоя қилинишини таъминлашни тақозо этмоқда. Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки, ҳозирда ахборот-коммуникациялари ва технологиялари шиддат билан ривожланаётган даврда, ТҚФни амалга оширувчи органлар қонун бўйича маҳсус ваколатли давлат органларини кучлари, воситаларининг имкониятларидан унумли

## ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. Бабичев Д.А. Принцип законности в оперативно-розыскной деятельности: проблемы толкования // Юридическая техника. 2020. №14. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/printsiip-zakonnosti-v-operativno-rozysknoy-deyatelnosti-problemy-tolkovaniya> (дата обращения: 04.01.2024).
2. Бобомуродов Ф.Б. Тезкор-қидириув фаолиятининг муҳим принциплари // Models and methods in modern science. – 2023. – Т. 2. – №. 2. – С. 179-182.
3. Закон Республики України от 18 февраля 1992 г. № 2135-XII «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <http://online.zakon.kz>. (мурожаат вақти: 05.12.2023).
4. Закон Республики Казахстан от 15 сентября 1994 г. № 13 «Об оперативно-розыскной деятельности» // <https://online.zakon.kz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 06.01.2024).
5. Закон Кыргызской Республики от 16 октября 1998 года № 131 «Об оперативно-розыскной деятельности» <http://cbd.minjust.gov.kg/> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 08.01.2024).
6. Закон Литовской Республики от 20 июня 2002 г. № IX-965 Вильнюс «Об оперативной деятельности» // <https://e-seimas.lrs.lt/> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 09.01.2024).
7. Закон Республики Таджикистан от 25 марта 2011 года № 687 «Об оперативно-розыскной деятельности» <http://www.hcz.tj/content> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 10.01.2024).
8. Закон Республики Молдова от 29 марта 2012 года №59 «О специальной розыскной деятельности» // <https://base.spinform.ru/article/n/printsiip-zakonnosti-v-operativno-rozysknoy-deyatelnosti> (дата обращения: 05.01.2024).
9. Закон Республики Беларусь от 15 июля 2015 года №307-З «Об оперативно-розыскной деятельности» // <https://base.spinform.ru/> (Электрон манбаага мурожаат қилинган вақт: 12.01.2024).
10. Каверзnev A.B. Специальные принципы осуществления оперативно-розыскной деятельности: Вестник магистратуры. 2019. № 11-2 (98) С.127-128. ISSN 2223-4047 УДК 340.
11. Каримов В. Ўзбекистон Республикасининг Тезкор-қидириув фаолияти тўғрисида”ги қонунига илмий-амалий шарҳ / В.Каримов: Масъул мухаррирлар Э.Т. Юлдашев, Е.В. Коленко. - Тошкент, 2021. – Б.47.
12. Каримов Ваҳобжон Тезкор-қидириув фаолияти ва инсон ҳуқуқлари: Монография. – Т., 2019. – 152 б.
13. Карташов В. Н. Принципы права (некоторые аспекты понимания и классификации) // Юридические записки Ярославского госуниверситета им. П. Г. Демидова. 1999. Вып. 3. С. 3.
14. Каймульдинов Е.Е. Принципы оперативно-розыскной деятельности (по материалам Республики Казахстан): Автореф. дис... канд. юрид. наук. – Москва, 2005. – 32 с.
15. Пономаренко Н. Ю. Понятие принципа конспирации оперативно-розыскной деятельности // Известия Тул ГУ. Экономические и юридические науки. 2016. №3-2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatiye-printsipa-konspiratsii-operativno-rozysknoy-deyatelnosti> (дата обращения: 05.01.2024).



фойдаланиб ТҚФнинг вазифаларини самарали ҳал этишда ўзаро ҳамкорликда абонентлар ва абонент қурилмалари ўртасида боғланишлар тўғрисида ахборот олиш тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилиб келинмоқда. Ушбу амалий ҳаракат “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг нормасида ички, маҳаллий даражада ҳамкорлик сифатида акс эттирилмаган. Шу боис, биринчи навбатда “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунга ҳамкорликка оид қуидаги: “91-модда. Ҳамкорлик принципи. тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этишда нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, фуқаролар, давлат бошқарув органлари тизимидағи барча барча тузилмалари билан ўзаро, шунингдек, чет эл давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи турдош органлари билан ҳалқаро ҳамкорлик амалга оширилиб, ҳамкорликни шакли ва тартиби қонунчиликка биноан белгиланади” мазмунида прим норма билан тўлдириш таклиф

тилади.

Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқан ҳолда ТҚФда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда принципларни қуидаги гуруҳларга:

Биринчи гуруҳ: Конституциявий принциплар – қонунийлик ва инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги; корхона, муассаса, ташкилотлар, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

Иккинчи гуруҳ: соҳавий принциплар – конспирация; ошкора ва ноошкора усуллар уйғуналиги;

Учинчى гуруҳ: ташкилий принциплар – қасб эткаси ҳамда ҳамкорлик принципларга таснифланиши таклиф этилади.

Бизнинг назаримизда, ушбу етти принципларга тўлиқ амал қилиниши ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминланишига хизмат қилади.

- 16. Представляется, что довольно удачное наименование схожего принципа в уголовном процессе ввел профессор В. Т. Томин (1965 г.) – «принцип участия народного элемента в уголовном судопроизводстве». См.: Томин В. Т. Избр. тр. С. 37–39.
- 17. Томин В. Т., Попов Н. П. Эффективное уголовное судопроизводство: управленческие, социальные и правовые аспекты. Пятигорск, 2003. С.81.
- 18. Тезкор-қидирув ҳуқуқи: Маърузалар курси /Масъул муҳаррир А.А. Хамдамов – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 206 б.
- 19. Федеральный закон Российской Федерации от 12 августа 1995 года № 144-ФЗ «Об оперативно-розыскной деятельности» // <http://www.Consultant.ru>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 07.01.2024).
- 20. Хамдамов А.А., Сайтбаев Т.Р., Гордеев С.Н., Рашитходжаев Р.Т. Ўзбекистон Республикасининг «ТҚФ тўғрисида»ги қонунига шарҳ / Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 236 б.
- 21. Цибарт Е.Э., Пашкова Е. П., Самарцева А.Е. Понятие принципа конспирации в оперативно-розыскной деятельности // Вопросы науки и образования. 2019. №8 (54). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatiye-principa-konspiratsii-v-operativno-rozysknoy-deyatelnosti> (дата обращения: 13.01.2024).
- 22. Шатохин И.Д. Принцип уважения и соблюдения прав и свобод человека и гражданина в оперативно-розыскной деятельности: Дис... канд. юрид. наук. – Барнаул., 2018. – 210 с.
- 23. Шатохин И.Д., Чечетин А.Е. Принцип уважения и соблюдения прав и свобод человека и гражданина в оперативно-розыскной деятельности: монография / И.Д. Шатохин, А.Е. Чечетин. – Барнаул: Барнаульский юридический институт МВД России, 2020. – С.186-191.
- 24. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. Ж.И. К-Тартибли/ Масъул муҳаррир А.Мадвалиев. – Т.: «Ozbekiston nashriyoti» давлат унитар корхонаси, 2020. – 688 б.
- 25. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. Ж.И.П-Тартибли/ Масъул муҳаррир А.Мадвалиев. – Т.: «Ozbekiston nashriyoti» давлат унитар корхонаси, 2020. – 688 б.
- 26. Ўзбекитон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги 167-II-сон “Терроризмга қарши кураиш тўғрисида”ги Қонуни // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 13.01.2024).
- 27. Ўзбекитон Республикасининг 2018 йил 4 апрелдаги ЎРҚ-470-сон “Судтерлов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганилиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 14.01.2024).
- 28. Ўзбекитон Республикасининг 2018 йил 5 апрелдаги ЎРҚ-471-сон “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонуни // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 14.01.2024).



# НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЖИНОИЙ- ХҮҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ

CONCEPTS  
OF ILLEGAL  
MIGRATION AND ITS  
CRIMINAL LEGAL  
SIGNIFICANCE



Дилноза БАРАТОВА,  
Мирзо Улугбек тумани Ички ишилар органлари  
фаолиятини мувофиқлаштириши Бошқармаси  
Тергов бўлими катта сурушигувчиси,  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
мустақил изланувчиси

Dilnoza BARATOVA,  
Senior investigator of the Investigative  
department under the Office of Coordination  
activities of internal affairs bodies  
Mirzo-Ulugbek region



**АННОТАЦИЯ:** Мақолада ноқонуний миграциянинг мазмун-моҳиятини очиб беришда жиноий-хуқуқий нуқтаи назардан ёндашилган. Ушбу иборага тегишли бўлган барча белги ва элеменларни ягона тушунча доирасида умумлаштирилган. Бир қанча олимларнинг ноқонуний миграция тушунчасига берган таърифлари ўрганилган. «Ноқонуний миграция», «нолегал миграция» «жиноий миграция» атамалари бир-бидан фарқланган. Ноқонуний миграцияга юқорида берилган таърифларидан ноқонуний мигрант бўлишнинг бир нечта йўллари ажратилган. Барча фикрлар таҳлил қилиниб, ноқонуний миграциянинг таклиф этилаётган таърифи ишлаб чиқилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** ноқонуний миграция, нолегал миграция, жиноий миграция, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, хуқуқий ва миллий-демографик омиллар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, ноқонуний мигрант.

**ANNOTATION:** In the article, the essence of illegal migration is revealed from a criminal-legal point of view. All symbols and elements belonging to this phrase are summarized within a single concept. The definitions given by several scientists to the concept of illegal migration have been studied. The terms "illegal migration", "illegal immigration" and "criminal migration" are different from each other. From the above definitions of illegal migration, there are several ways to become an illegal migrant. All opinions were analyzed and a proposed definition of illegal migration was developed.

**KEY WORDS:** Illegal migration, criminal migration, illegal immigration, socio-economic, political, legal and national-demographic factors, foreign citizens, stateless persons, illegal migrant.



Маълумки, ҳар бир муаммонинг ўзига хос ҳусусияти бўлгани каби, ноқонуний миграциянинг мазмун-моҳиятини очиб берувчи муайян жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиб, хуқуқни қўлловчи томонидан ноқонуний миграцияга оид масалаларни тўғри тушуниш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, жиноят-хуқуқий нуқтаи назардан у ёки бу тушунчанинг юридик мазмунини аниқлаш, авваламбор ушбу иборага тегишли бўлган барча белги ва элеменларни ягона тушунча доирасида умумлаштиришни назарда тутади. Бу эса муайян тушунчани унга яқин ва ўхшаш бўлган бошқа ҳодиса ҳамда категориялардан ўзаро фарқлаш имконини беради [1].

Бинобарин, бугунги кунда юридик адабиётларда ноқонуний миграция тушунчаси бора-сида ягона тўхтамга келинмаган, шунингдек таҳлил қилинаётган атама бўйича ҳам терминологик номувофиқлик мавжуд. Ҳусусан, бир гурӯҳ муаллифлар таҳлил қилинаётган масалани тушунтиришда «ноқонуний миграция» атамасини ишлатишса, бошқалари «нолегал миграция» деб аташади, учунчи гурӯҳ муаллифлар эса, «жиноий миграция» атамасидан фойдаланади.

Бу масалада, муаллифлар томонидан энг кўп қўлланиладиган атама бу «ноқонуний миграция» ҳисобланади. Ҳусусан, ушбу муаммони ўрганганд А.Н.Шкилев ноқонуний миграция тушунчасини қўйидагича таърифлайди: «Ноқонуний миграция деганда, аҳолининг жисмоний маконда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, хуқуқий ва миллий-демографик омиллар таъсирида халқаро хуқуқнинг амалдаги нормаларини ва мамлакатнинг миллий қонунчилиги талабларини бузган ҳолда ҳудудий кўчиши тушунилади» [17]. Шунингдек, мазкур масалада, Э.Х.Кахбулаева, «ноқонуний миграция – бу амалдаги халқаро хуқуқ ва миллий қонунчилик нормаларини бузувчи миллий ҳавфсизлик ва бутун халқаро ҳамжамият манфаатларига таҳдид соладиган ижтимоий ҳавфли жадал ривожланаётган ҳодисадир» [8], деб ёзади. Аммо, бизнинг назаримизда келтирилган ушбу таърифларда ноқонуний миграциянинг мазмуну тўлиқ очиб берилмаган, масалан уларда ноқонуний миграциянинг субъектларига оид масалаларга аниқлик киритилмайди ва унинг объектив белгиларига оид жиҳатлари очиб берилмайди.



Бизнингча, ноқонуний миграциянинг мазмунида халқаро ҳуқук нормалари талабларини бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар ҳам қамраб олиниши керак ҳамда унинг турлари, мазмунини ҳам инобатта олиш лозим ва албатта ноқонуний миграцияни келтириб чиқарувчи асослардан бири сифатида фақат давлат чегарасини қонуний кесиб ўтиш билан боғлаб қўймаслик керак, сабаби мигрантнинг мамлакатга кириши мутлақо қонуний равишда амалга оширилиши мумкин



Олимларнинг мулоҳазасини давом эттирган ҳолда Г.Е. Дудин ва С.В. Калининадар «... умумий маънода ноқонуний миграция деганда, мамлакатга кириш ва унинг ҳудудида бўлиш тартибини белгилайдиган қонунчилик талабларини бузган ҳолда давлат ҳудудидаги ҳар қандай ҳаракатланиш тушунилади» [5], деб қайд этишиди. Бироқ мазкур таъриф бизнингча, анчайин тор маънода берилган бўлиб, унда юқорида келтирилган камчиликлар билан бирга ноқонуний миграция мазмунини фақат ҳаракатланишнинг трансчегаравий ҳусусиятларини ҳисобга олиниши билан чекланилган.

Юқоридагилар билан бирга А. Федорако «... ноқонуний миграция – бу муайян мамлакат ҳудудида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг кириши, транзит ўтиши, бўлиши ва ундан чиқиши бўйича ўрнатилган тартибни бузган ҳолда ҳаракатланиши натижасида келиб чиқадиган миграциядир» [16], деб таъкидлаган. Шунингдек, Т.Б.Смашникова «ноқонуний миграция» тушун часовини ўзига хос тарзда талқин қиласи, яъни унинг ёзишича: «... ноқонуний миграция – бу ахолининг вақтинча турган жойи ёки яшаш жойини ўзгартириш мақсадида давлат ҳудудида миграцияга оид амалда бўлган



**НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯНИНГ**  
мазмунида халқаро ҳуқук нормалари талабларини бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар ҳам қамраб олиниши керак ҳамда унинг турлари, мазмунини ҳам инобатта олиш лозим ва албатта ноқонуний миграцияни келтириб чиқарувчи асослардан бири сифатида фақат давлат чегарасини қонуний кесиб ўтиш билан боғлаб қўймаслик керак, сабаби мигрантнинг мамлакатга кириши мутлақо қонуний равишида амалга оширилиши мумкин.

қонун талабларини бузган ҳолда давлат чегаралари орқали ихтиёрий ёки мажбурий кўчишидир» [13], деб таъкидлайди.

Бундан ташқари мазкур муаммони ўрганган А.В.Сухарникова эса, шахси ноқонуний мигрант деб ҳисоблаш учун: 1) хорижий давлат чегарасини белгиланган назорат-ўтказиш пунктларини четлаган ҳолда кесиб ўтган; 2) амалдаги миллий иммиграция қонунчилиги нормаларини бузган ҳолда давлат ҳудудида яшаган; 3) ноқонуний (алдаш йўли билан) йўллар билан мамлакатга кирган (кириш) ёки яшаш учун рухсат берувчи ҳужжатларни олган (олиш) шахсларни тушуниш керак» [14]. Аммо, назаримизда муҳокама қилинаётган масала юзасидан А.Федорако, Т.Б.Смашникова ва А.В.Сухарниковалар томонидан билдирилган таърифларда ҳам айrim камчиликлар мавжуд бўлиб, ноқонуний миграциянинг мазмунини тўлиқ очиб бермайди, масалан, уларда мигрантларнинг бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга кўчишида фақат миллий қонунчилик талабларини бузиши билан чегараланади, уларда миграциянинг турлари ва уларнинг ўзига хос ҳусусиятлари инобатта олинмаган, шунингдек таърифларда ноқонуний миграцияни келтириб чиқарувчи асос сифатида фақатгина қабул қиласи давлат чегарасидан ноқонуний ўтиши билан боғлади. Бизнингча, ноқонуний миграциянинг мазмунида халқаро ҳуқук нормалари талабларини бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар ҳам қамраб олиниши керак ҳамда унинг турлари, мазмунини ҳам инобатта олиш лозим ва албатта ноқонуний миграцияни келтириб чиқарувчи асослардан бири сифатида фақат давлат чегарасини қонуний кесиб ўтиш билан боғлаб қўймаслик керак, сабаби мигрантнинг мамлакатга кириши мутлақо қонуний равишида амалга



оширилиши мумкин (масалан, сайёхлик визаси билан мамлакатга кириш), лекин кейинчалик мигрант томонидан мамлакатда бўлиш ёки амалга оширилган фаолият ноқонуний бўлиши мумкин (муддати ўтган виза, миграция қонунчилигини бузган ҳолда меҳнат фаолиятини амалга ошириш ва бошқалар).

Юқорида билдирилган фикрлардан масалага чуқурроқ ёндашилмаганинги курсак бўлади. Чунки, юридик адабиётларда ушбу масалага умуман бошқача ёндашилган, алоҳида илмий изланишлар ҳам мавжуд бўлиб, хусусан бу борада М.Н.Ахмедов ноқонуний миграция деганда, ушбу давлат фуқароси, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан қабул қилувчи

давлатнинг миллий қонунчилигига мамлакатга кириш, ундан чиқиш, бўлиш ва транзит ўтиш бўйича белгиланган қоидаларини бузишидир [3], деб таъкидлайди.

Шу билан биргаликда А.М.Исхаковнинг ёзишича, ноқонуний миграция деганда, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг миллий қонунчилик ёки ҳалқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ давлат ичкарисида, шунингдек келиш мақсади ва муддатидан қатъий назар меҳнат фаолиятини амалга ошириш, мамлакатга кириш, чиқиш, бўлиш ҳамда мамлакат ҳудудидан белгиланган транзит ўтиш тартибини бузган ҳолда давлат чегараси орқали маконда ҳаракатланиши тушунилади [7].

А.Н. Жеребцов эса, ноқонуний миграция деганда «... шахсларнинг миграция бўйича белгиланган ҳуқуқий режимлари ва миграциянинг ҳуқуқий тартиб-қоидаларини бузган ҳолда ҳаракатланиши, яъни миграция қоидаларининг ўрнатилган тартибини бузилиши»ни тушунади ҳамда у давлат томонидан ўрнатилган миграция қоидаларини қасд ёки эҳтиётсизлик билан бузган шахсни (миграция қоидаларининг ички (ижтимоий-иктисодий) ҳаракатланиши қоидаларини бузган ҳолларда – мамлакат фуқаролари ва чет эл давлати ҳудудидага ёки мамлакат ҳудудидан чет эл давлати ҳудудига ҳаракатланиши билан боғлиқ ўрнатилган миграция қоидаларини бузган тақдирда – чет эл фуқаролари (фуқаролиги бўлмаган шахслар)) ноқонуний мигрант [6] деб атайди.

Е.С.Красинец, Е.С.Кубишин, Е.В.Тюрюкановалар эса, «ноқонуний мигрант» тушунчасига давлат ҳудудига ноқонуний равишда кирган (ҳақиқий бўлмаган ёки қалбаки ҳужжатлар билан ёки ҳеч қандай ҳужжатларсиз чегарани белгиланмаган жойлардан кесиб ўтган), мамлакат ҳудудида ноқонуний равишда бўлган (мамлакатда бўлиш ҳужжатларни лозим даражада расмийлаштиргмаган) шахсларни ҳамда ноқонуний

# БУ

жиноятлар, миграция қонунчилиги билан бевосита боғлиқ бўлмайди, шунинг учун у мигрантнинг қонуний ёки ноқонунийлиги мақомини аниқлашда хисобга олинмаслиги керак.





иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи шахсларни киритади [10]. Шу ерда айтишимиз керакки, биз мазкур мұаллифлар томонидан таклиф қылинаётган ноқонунный мигрантлар фаолиятини «ноқонунний иқтисодий фаолият» билан шуғулланишларини асосий белги сифатида қарашларини құллаб-құвватламаймиз. Чунки, бизнингча, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бүлмаган шахслар (мигрантлар) томонидан ҳар қандай иқтисодий фаолиятни амалга оширишни ўрганилаётган таъриф мазмунинга киритиш нотүгри бўлади. Бу жиноятлар, миграция қонунчилиги билан бевосита боғлиқ бўлмайди, шунинг учун у мигрантнинг қонунний ёки ноқонунйилиги мақомини аниқлашда ҳисобга олинмаслиги керак. Назаримизда, тадбиркорлик ёки бошқа иқтисодий (тижорат) фаолиятни амалга ошириш тартиби мамлакатда бўлиш режимига эмас, балки давлатда бўлиш қоидаларига боғлиқдир. Биз ноқонунний миграция таърифида нафақат чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бүлмаган шахсларни, балки ушбу жараёнларда иштирок этувчи барча шахсларни қамраб олиниши лозим деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, ушбу масалада Н.Р.Асмандиярованинг қайд қилишича, ноқонунний миграция деганда, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мамлакат ҳудудига ноқонунний кириши ёки чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва мамлакат фуқароларининг ушбу мамлакатдан ноқонунний равишда чиқиши, шунингдек чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мамлакат ҳудудида ноқонунний бўлиши (яшаши) ёхуд чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мамлакат ҳудудидан ноқонунний транзит ўтиши тушунилади [2].

Юқорида таъкидланганлардан келиб чиқсан ҳолда айтиш мүмкінки, аксарият мұаллифлар ноқонунний миграцияни фақат давлат чегарасини кесиб ўтиш ҳолатларидагина бўлиши мүмкін, деб ҳисоблайдилар. Бироқ, Н.Р.Асмандиярова, А.Н.Жеребцова ва М.Н.Ахмедовларнинг қарашлари ушбу фикрни инкор этади, уларнинг қайд этишича ноқонунний мигрант ички миграция ҳолатларида ҳам бўлиши мүмкін, масалан, мамлакат фуқароси миграция қоидаларининг ички ҳаракатланиш тартибини бузганлиги. Бундай ёндашув А.Н.Шкилев томонидан ҳам қўллаб-құвватланади, яъни у ноқонунний миграция ўхтимолини нафақат давлат чегараларини кесиб ўтишда, балки жисмоний маконда аҳолининг ҳар қандай ҳудудий ҳаракатида ҳам мавжуд бўлишини кўриб чиқади. Бундай қарашлар, албатта, у ёки бу дарадажа диққатга сазовор бўлиб, ушбу фикрларни қўллаб-құвватлаш мүмкін.

**Айни пайтда мазкур таърифлар шуниси билан ўтиборга лойикки, уларда мұаллифлар жиноий миграцияни давлат чегараларини кесиб ўтиши билангина эмас, балки аҳолининг ҳар қандай ҳудудий ҳаракатланишида намоён бўлишини кўрсатишади. Шунга асосланиб, айтиш мүмкінки, жиноий миграция ташқи (давлат чегараларини кесиб ўтиш) ва ички (давлат че гараларини кесиб ўтмасдан) бўлиши мүмкін.**

Аксарият мұаллифлар ноқонунний миграцияни фақат давлат чегарасини кесиб ўтиш ҳолатларидагина бўлиши мүмкін, деб ҳисоблайдилар. Бироқ, Н.Р. Асмандиярова, А.Н.Жеребцова ва М.Н.Ахмедовларнинг қарашлари ушбу фикрни инкор этади.





## **Мантиқан, муайян соҳада белгиланган қонунчиликни бузилиши у ёки бу иборага «ноқонуний» мазмунини берилишидан келиб чиқилса, нафақат ташқи, балки ички миграция ҳам ноқонуний бўлиши мумкин.**

Ҳолбуки ўзбек тилининг изоҳли луғатида «миграция» ибораси [лот. *migratio* – (аҳолининг) бир жойдан бошқа жойга кўчиши] «Аҳолининг мамлакат доирасида бир жойдан бошқа жойга ёки бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчиши ёки кўчириш» [15], деган маънени англалиши келтирилган. Чунончи, ички миграция ҳам худди ташқи миграция каби, қонунни бузган ҳолда ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунга мисол тариқасида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тӯғрисидаги кодекси 223-моддасида белгиланган ҳуқуқбузарликни (Паспорт тизими қоидаларини бузиш) келтириш мумкин. Хусусан, унга кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортсиз ёки идентификацияловчи ID-картасиз ёхуд ҳақиқий бўлмаган паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта билан, доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтмасдан яшаши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси худудида доимий яшовчи чет эл фуқаросининг ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳақиқий бўлмаган идентификацияловчи ID-картаси (Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси) билан, доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтмасдан яшаши базавий ҳисоблаш миқдорининг иккidan бир қисмидан уч бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Демак, мантиқан, муайян соҳада белгиланган қонунчиликни бузилиши у ёки бу иборага «ноқонуний» мазмунини берилишидан келиб чиқилса, нафақат ташқи, балки ички миграция ҳам ноқонуний бўлиши мумкин.

Биз кўриб чиқаётган муаммо нуқтai назаридан яна бир жиҳатга эътибор қаратиш мухимdir, чунки юқорида таъкидлаганимиздек, айрим муаллифлар кўрилаётган масалани номлашда «нолегал» иборасидан фойдаланган. Масалан, Л.Л.Рыбаковский ўз асарларида кўри-

лаётган масала бўйича «нолегал миграция» атамасини қўллади. Унинг фикрича, «... нолегал мигрантлар – бу давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтган ёки чегарани қонуний йўл билан кесиб ўтган, лекин кейинчалик мамлакатда бўлиш юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибини бузиши (масалан, турар жойи бўйича рўйхатдан ёки миграция рўйхатидан ўтмаслик ёки мамлакатда бўлиш муддатининг тугаганлиги ва ҳоказо) оқибатида нолегал бўлиб қолган шахслардир[12].

Шу билан бирга М.А.Магеррамовнинг таъкидлашича, ноқонуний (нолегал) миграция деганда, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан чет эл давлати ҳудудидан мамлакатга кириш, бўлиш, мамлакатдан чиқиш ва транзит ўтказишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларини бузиши тушунилади [11].

В.А.Волохнинг таъкидлашича, ноқонуний (нолегал) иммиграция деганда, чет эл фуқаросини мамлакатга кириш, бўлиш, транзит ўтиш тартибини белгиловчи давлатнинг амалдаги қонунчилиги талабларини бузган ҳолда ушбу мамлакатга кириши ва унда бўлиши ҳамда чет эл фуқаросининг кирган мамлакати ҳудудида бўлиб турган даврида ўзбошимчалик билан ўзининг ҳуқуқий ҳолатини ўзгартиришини тушуниш керак» [4].

Кўриб турганимиздек, Л.Л.Рыбаковский, М.А.Магеррамов ва В.А.Волохларнинг нолегал миграция тушунчасига берган таърифлардан келиб чиқиб айтиш мумкини, улар ноқонуний миграция ва нолегал миграция атамаларини бир хил маънода синоним сифатида қўллагандар.

Юқорида таъкидлаганимиздек, қонунчиликни бузган мигрантларга нисбатан қўлланиладиган яна бир атама бу, «жиноий миграция»дир. Бу борада П.Н. Кобецнинг ёзишича, жиноий миграция – бу жиноят содир этиш мақсадида шахсларнинг ҳудудий ҳаракати ҳамда жиноий технологияларнинг ҳаракатида намоён бўладиган ижтимоий, оммавий, ижтимоий хавфли ҳодисадир[9]. Шунингдек, Т.Б.Смашниковнинг назарида «... жиноий миграция – бу аҳолининг жиноят қонунчилиги нормалари билан тақиқланган ва унинг таъсир доирасига кирувчи жиноий фаолиятни амалга ошириши учун қабул қилиувчи давлат ҳудудига била туриб ноқонуний кириш мақсадида давлат ёки унинг маъмурий чегараларини ихтиёрий ёки мажбуран кесиб ўтишидир.

Айни пайтда мазкур таърифлар шуниси билан эътиборга лойиқки, уларда муаллифлар жиноий миграцияни давлат чегараларини кесиб ўтиши билангина эмас, балки аҳолининг ҳар қандай ҳудудий ҳаракатланишида намоён бўлишини кўрсатишиади. Шунга асосланиб, айтиш мумкини, жиноий миграция ташқи (давлат чегараларини кесиб ўтиш) ва ички (давлат че гараларини кесиб ўтмасдан) бўлиши мумкин.



**Б**ироқ бизнингча, жиной миграция алоҳида илмий тадқиқотни талаб қиласидиган алоҳида ҳодисадир, чунки унинг асосий мақсади жиноят содир этиш ҳисобланади. Жиной миграция, миграциянинг ўта хавфли тури бўлиб, у ноқонуний миграция турига кирмайди ва унинг концепциясига киритилиши мумкин эмас, чунки жиной миграция ноқонуний миграцияга қарангандан анча хавфлироқ ижтимоий хавфли ҳодиса ҳисобланади.


Мухтасар айтганда, ноқонуний миграцияга юқорида берилган таърифларидан ноқонуний мигрант бўлишнинг бир нечта йўлларини ажратиш мумкин: 1) зарур ҳужжатлари (визасиз, паспортсиз ва ҳоказо) бўлмаган ҳолда давлат чегарасини кесиб ўтиш; 2) қабул қилувчи давлатга келишдан кўзланган мақсадни бузиш (мамлакатга туризм визаси билан келиб, ишга жойлашиб олиш ва ҳ.к.); 3) муайян жойда бўлишнинг белгиланган режимини бузиш (масалан, вақтинчалик турар жойи бўйича ёки миграция рўйхатидан ўтмаганлик, мамалакат

худудида бўлишнинг белгиланган муддати тугаганлик (визанинг муддати ўтган, мамлакат худудида вақтинчалик яшаш учун рухсатноманинг муддати ўтган, мамлакатда яшаш муддати тугаган); 4) муайян ҳудудда ҳаракатланиш; 5) қонунга хилоф миграциянинг субъектлари чет эл фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳамда мазкур жараённи ташкил қилишда иштирок этган Ўзбекистон фуқаролари бўлиши мумкин; 6) ноқонуний миграциянинг ажралмас элементи мамлакатга кириш-чиқиш, бўлиш, транзит ўтиш, меҳнат фаолиятини амалга ошириш соҳасини тартибга соладиган мамлакатлар ички қонунчилиги ёки халқаро нормаларини бузиш ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хulosha k'ilganida noqonuний миграцияга қуийдагича taъrif bеришни мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз, яъни: noqonuний миграция деганда, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахslarning белгиланган тартиbni бузib Ўзбекистон Республикасига кириши, ҳақиқий бўлмаган



хужжатлар билан яшashi, вақtingча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтишнинг, кўчишнинг ёки яшаш жойини танлашнинг белгиланган тартибига риоя этмаслиги, мамлакатда бўлиш муддати тугагач чиқиб кетмаслиги, Узбекистон Республикаси худуди орқали транзит ўтиш қоидаларига риоя этмаслиги, ваколатли ташкилотлар ва иш берувчилар томонидан мамлакатда чет эл ишчи кучини жалб этиш ва ундан фойдаланиш тартибини ҳамда миграцияга оид қонунчиликни бузиши, худди шунингдек Узбекистон Республикаси фуқароларини қонунга хилоф равишда чет элга юбориш ёки чет элда ишга жойлаштиришини ташкил этиш, бундай фаолиятни тегишли ваколатга эга бўлмаган шахслар томонидан амалга оширилиши тушунилади.



## ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. Отажонов А. А. Legal analysis of signs participation in the crime // Право и жизнь. – 2019. – № 1. – С. 62.
2. Асмандиярова Н.Р. Борьба с незаконной миграцией на региональном уровне: уголовно-правовой и криминологический аспекты: по материалам Республики Башкортостан. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2008. – С. 8.
3. Ахмедов М.Н. Противодействие нелегальной миграции: уголовно-правовой и криминологический аспекты. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2016. – С. 8.
4. Волох В.А. Формирование и реализация государственной миграционной политики Российской Федерации: состояние, тенденции, пути реализации». Автореф... дис. д-ра полит. наук. – М., 2013. – С.22.
5. Дудин Г.Е., Калинина С.В. Операция «Нелегальный мигрант» // Миграционное право. – 2013. – №2. – С. 24-29.
6. Жеребцов А.Н. Административно-правовой статус незаконных мигрантов в Российской Федерации нуждается в законодательном закреплении. // Общество и право. – 2009. – № 2. – С.241.
7. Исхаков А.М. Уголовно-правовые и криминологические аспекты организации незаконной миграции. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Казань, 2018. – С. 8-13.
8. Кахбулаева Э.Х. Уголовно-правовые и криминологические аспекты организации незаконной миграции. Автореф. дис ... канд. юрид. наук. – Ростов-на-Дону, 2011. – С. 14.
9. Кобец П.Н. Организация деятельности правоохранительных органов Российской Федерации в сфере борьбы с преступностью иностранных граждан и лиц без гражданства // Вести. Вост.-Сиб. института МВД России (научно-практический журнал). – 2003. – № 3 (26). – С.28.
10. Красинец Е. С., Кубишин Е. С., Тюрюканова Е.В. Нелегальная миграция в Россию. – М., 2000. – С.29.
11. Магеррамов М.А. Нелегальная миграция: понятие, общественная опасность, уголовно-правовое и криминологическое противодействие: по материалам России и Азербайджана. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ростов-на-Дону, 2008. – С. 8.
12. Рыбаковский Л.Л. Практическая демография. [Электрон манба] URL: <http://rybakovsky.ru/migracia2.html>
13. Смашникова Т.Б. Административно-правовое противодействие незаконной миграции в Российской Федерации и республике Беларусь: сравнительно-правовой анализ. Автореферат дисс. ... канд. юрид. наук. – Челябинск. 2012. – С.9.
14. Сухарникова А.В. Незаконная миграция и миграционный контроль в России // Административное право и административный процесс в России. – 2013. – № 2. – С. 36
15. Узбек тилининг изоҳли луғати: 8000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. II. Е-М / Таҳрир ҳайъати: Т. Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; УзРФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Тошкент. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 588-589.
16. Федорако А. Миграция населения: понятие, причины, последствия. // Журнал международного права и международных отношений. – 2012. – № 4. – С.6.
17. Шкилев А.Н. Миграция: уголовно-правовые и криминологические аспекты. Автореферат дисс. ... канд. юрид. наук. – Нижний Новгород, 2006. – С.12.



# Ўзбекистон миллий қонунчилигига МАЖБУРИЙ ЖАМОАТ ИШЛАРИ ЖАЗОСИ ЖОРӢ ЭТИЛИШИНИНГ ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТИ

**The social necessity of the introduction of compulsory community service punishment in the national legislation of Uzbekistan**



**Турғун КУЧКАРОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
Академияси бошлиги ўринбосари,

**Turgun KUCHKAROV,**  
Deputy head of the Ministry of  
Internal Affairs Academy of the  
Republic of Uzbekistan

- **АННОТАЦИЯ.** Жиноят қонунчилигига озодликни чеклаш ҳамда мажбурий жамоат ишлари каби озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар жорӣ қилинди. Ушбу ислоҳотлар мамлакатимизнинг жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида янгича ёндашув бўлди. Шу билан бирга халқаро ҳуқӯқ нормаларига мос ва самарали бўлган озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини қонунчилигимизга кенгроқ жорӣ қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда.
- **КАЛИТ СҮЗЛАР:** жиноят, жиноят қонунчилиги, жиноят учун жазо, мажбурий жамоат ишлари, озодликдан маҳрум этиш, хорижий давлатлар жазо тизими.
- **ANNOTATION.** Criminal law introduced non-custodial penalties such as restriction of liberty and mandatory community service. These reforms were a new approach in the fight against crime in our country. At the same time, it is of urgent importance to introduce more effective non-custodial punishments in accordance with international law.
- **Key words:** crime, criminal law, punishment for crime, compulsory community service, deprivation of liberty, penal system of foreign countries.



### **амлакатимизда суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, жиноят қонунчилигини либераллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарори билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси асосида жиноят қонунчилигининг янада либераллаштирилди ва озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар рўйхати кенгайтирилди<sup>1</sup>.

Жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини кенгайтириш мамлакатимизнинг жиноят-хуқуқий соҳада олиб бораётган сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир.

Хусусан, жиноят қонунчилигимизда озодликни чеклаш ҳамда мажбурий жамоат ишлари каби озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар жорий қилинди. Ушбу ислоҳотлар мамлакатимизнинг жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида янгича ёндашув бўлди.

Шу билан бирга халқаро ҳуқуқ нормаларига мос ва самарали бўлган озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини қонунчилигимизга кенгроқ жорий қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

2021 йил 29 август куни Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида илгари сурган ташабbusлари суд-хуқуқ ислоҳотларининг янги босқичини бошлаб берувчи таянч нуқтаси бўлди. Ушбу сессияда «Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилинди<sup>2</sup>. Айнан, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо турини ўташ, колониядаги ишлар нечоғли яхши ташкил этилмасин, барibir бу ер ёшларни тарбиялайдиган жой бўла олмайди. Президент Ш.М.Мирзиёев «жиноятлар учун жазо муқаррардир»<sup>3</sup> деб таъкидлаган.

Дарҳақиқат, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларни жиноятчиликнинг олдини олишдаги

аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринисиз эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш унга қарши курашиш самарадорлиги, жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда қонунни бузган шахс жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш амалиётини 30 фойиздан 20 фойизга тушириш<sup>4</sup> эса «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланганлиги, инсон ва унинг ҳуқуқларига бўлган муносабат ҳар қачонгидан ҳам юқори эканлигидан далолат беради.

Мамлакатимиз суд-хуқуқ тизимида сўнги саккиз йил ичида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллашга кўпроқ эътибор қаратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2015

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» ПҚ-3723-сон қарори // Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/18/3723/1225-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Жиноят жазоларини либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилинди. Айнан, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо турини ўташ, колониядаги ишлар нечоғли яхши ташкил этилмасин, барibir бу ер ёшларни тарбиялайдиган жой бўла олмайди. Президент Ш.М.Мирзиёев «жиноятлар учун жазо муқаррардир» деб таъкидлаган.

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи 22.02.2021 йил. [Электрон манба] URL: <https://strategy.uz/index.php?news=1239>. Мурожаат килинган сана: 20.03.2024 йил.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023 йилдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисидаги ПФ-158-сон Фармони. [Электрон манба] URL: <https://lex.uz/ru/docs/6600413>



йил 10 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни билан озодликни чеклаш<sup>5</sup>, 2017 йил 29 марта даги «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимчама чоратадибрлар қабул қилинганилиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни билан мажбурий жамоат ишлари<sup>6</sup> тариқасидаги жазолар амалиётга жорий қилинди. Мазкур жазонинг жорий этилишининг зарурати айрим тоифадаги шахсларга нисбатан қонунчиликка кўра ахлоқ тузатиш ишлари жазосини қўллаш мумкин эмаслиги ва оғирроқ турдаги жазолар ҳар доим ҳам самарали бўлмаслиги билан боғлиқ<sup>7</sup>.

Ўзбекистон қонунчилиги миллий анъана ва манфаатлар ҳамда халқаро норматив-хужжатлардаги нормалардан келиб чиқиб сайқалланмоқда.

Хусусан 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактнинг 10-моддасида, “Оила жамиятнинг ягона ва асосий бўғини эканлиги”<sup>8</sup>, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасида “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир”, деб белгиланган. Айниқса, айрим турдаги ижтимоий хавфи юқори бўлмаган жиноят турлари учун жамиятдан ажратмаган ҳолда ижро этиладиган жазо ёки бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш масаласига жиддий эътибор қаратиш муҳимdir.

Халқаро-ҳуқуқий хужжатларда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг кенг қўллаш зарурлиги тўғрисида тавсиялар берилганигини кузатиш мумкин. Хусусан, «БМТнинг қамаш билан боғлиқ бўлмаган чоралар тўғрисидаги минимал стандарт қоидалари» (Токио қоидалари 1990 й.), «Ювенал адлияни қўллаш бўйича БМТнинг Минимал стандарт қоидалари» (Пекин қоидалари)



ва бошқа бир қатор халқаро ҳуқуқ нормаларида маҳкумларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ижро этиладиган жазоларни кенгроқ қўллаш бўйича тавсиялар берилган<sup>9</sup>. Айнан, Токио қоидаларининг 8.2-бандида, ҳуқм чиқарадиган органлар, жамият учун фойдали ишларни бажариш тўғрисида қарор қабул қилиши белгиланган. Бу каби тавсиялар Пекин қоидаларининг 18-моддаси «С» бандида ҳам назарда тутилган.

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни кенгроқ қўллаш хусусида мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари фикр билдирган. Хусусан, профессор И.Исмаилов «... ҳозирги кунда кенг жамоатчилик, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – Т., 2015. – № 32. – 425-м.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 марта даги «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимчама чоратадибрлар қабул қилинганилиги муносабати билан Ўзбекистон Республика-си-чинг айрим қонун хужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғри-си-да»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2017. – № 421. – 194-м.

<sup>7</sup> Система и виды наказаний в уголовном праве Республики Узбекистан: практическое пособие. – Ташкент: Baktria press, 2018. – С. 71. (184)

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги 126-I-сонли «1966 йил 16 декабрдаги Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшилиш хакида»ги карорига асосан қўшилган // [Электрон манба] URL: <http://lex.uz/tu/docs/2686000?otherlang=1> (мурожаат вақти: 10.07.2022).

<sup>9</sup> Сборник стандартов и норм Организации Объединенных Наций в области предупреждения преступности и уголовного правосудия. Нью-Йорк, 2016. – С. 91–101; 133–159; Рекомендация No. R (92) 16 Комитета Министров Совета Европы государствам – членам О Европейских правилах исполнения наказаний и иных мер без изоляции правонарушителей от общества // Сборник Документов Совета Европы по Предотвращению Перенаселённости Тюрем [Электронный ресурс]. URL: <https://rm.coe.int/e-compendium-in-azeri/16806ab9ac> (мурожаат вақти: 10.07.2022).



ходимлари жамиятдаги салбий иллатлар учун қўлланиладиган жазолардан, айниқса жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан кўпроқ фойдаланиш уларга қарши курашишнинг энг самарали йўли эканлигини»<sup>10</sup> қайд этади.

Профессор Р.Кабулов озодликдан маҳрум қилиш жазосига муқобил бўлган жазоларни қўллаш доирасини кенгайтиришни таклиф қилиб, «озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган «минглаб судланганлар армияси»ни таъминлаш давлат бюджети зиммасига юклатилгани»<sup>11</sup>ни таъкидлайди. Ҳуқуқшунос олимлар Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тультеевлар эса, «... жиноий жазо – барча ижтимоий касалликларга даво бўладиган восита эмас. Айрим ҳолатларда у, даволашдан кўра ҳатто кўпроқ зарар келтиради. Зеро, у касалликни янада чуқурроқ яшириши, уни керагидан ортиқ хавфли шаклга айлантириши мумкин»<sup>12</sup>, деб фикр билдирган. Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг самарадорлиги ҳақида хорижий давлатларнинг айрим ҳуқуқшунос олимлари, бу турдаги жазоларни ижро этишнинг ижтимоий-иқтисодий, криминологик ва пенитенциар рецидив жиҳатлари жиноятчиликка қарши курашиш амалиётида ижобий таъсир этиши бўйича кўплаб фикрлар илгари сурилганлигини кузатиш мумкин<sup>13</sup>.

Юқорида таъкидланганларга кўра мамлакатимиз жиноят қонунчилигида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини

- <sup>10</sup>. Исмаилов И. Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари. – Ташкент, 2005. – Б. 26.  
<sup>11</sup>. Кабулов Р. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига муқобил бўлган жазоларни қўллаш доирасини кенгайтириш // Суд-хукук тизимини либераллаштириш – хозирги босқичдаги демократик ислоҳотларнинг асосий йўналиши. – Ташкент, 2002. – Б. 52.  
<sup>12</sup>. Одилкориев Х.Т., Тультеев И.Т. Жиноий-хукукий сиёсатни либераллаштириш: зарурат ва омилилар // Ҳукук-ПравоЛав. – 2001. – № 2. – Б. 8.  
<sup>13</sup>. Раҳмаев Э.С. Повышение эффективности применения наказаний, не связанных с лишением свободы / Человек: преступление и наказание. – № 2. 2009. – С. 47; Ольховик Н.В. Исполнения уголовных наказаний, не связанных с лишением свободы / Всероссийский криминологический журнал. – 2018. – Т. 12. – № 1. – С. 52;  
Хачатрян Т.В. Проблемы уголовного наказания несовершеннолетних не связанного с лишением свободы: дореволюционный опыт и современные тенденции / Социально-экономические явления и процессы. №.11 (033), 2011. С. 277; Скиба А.П., Родионов А.В. О реанимации ссылки как уголовного наказания: правовые и экономические аспекты / Уголовно-исполнительное право. Научный журнал. № 4 (26), 2016. С. 17.  
<sup>14</sup>. Жиноят ишлари бўйича судларнинг 2018-2022 йиллар хамда 2023 йил асосий кўрсаткичлари / <https://stat.sud.uz/>
- <sup>15</sup>. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот марказининг 2023 йилга оид таҳлилий маълумотномаси.

жорий этиш ҳамда уларни амалда кенг қўллаш жиноятчиликка қарши курашиш амалиётида ўз самарасини беради деб ҳисоблаймиз.

Айнан, мамлакатимиз судлари томонидан жиноий жазо тайинлаш таҳлили шуни кўрсатадики, 2018 йилда 75,6 фоизига, 2019 йилда 74,8 фоизига, 2020 йилда 74,6 фоизига, 2021 йилда 71,3 фоизига, 2022 йилда 81,4 фоизига, 2023 йилда 77,8 фоизига жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш жазолари ҳамда шартли ҳукм чораси қўлланилган<sup>14</sup>.

Зеро, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг жазо тизимида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган, жумладан, жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликни чеклаш тариқасидаги жазолар назарда тутилган. Мазмун жиҳатдан бир-бирига ўхшаш қўринса-да, аслида тубдан фарқ қилувчи мажбурий жамоат ишлари билан ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо ўртасидаги фарқ шундаки, ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазонинг ижросини ташкил этишда маҳкумларни ишга жойлаштириш масаласи энг катта муаммолардан бири бўлиб келган. Масалан, 2023 йил давомида ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилган маҳкумлар томонидан жазонинг 32,3 фоизи хусусий ташкилотларда ва 38,7 фоизи фермер ҳўжаликларида ўтalgan<sup>15</sup>. Фермер ҳўжаликларида ишлар асосан мавсумий ҳисобланади. Ички ишлар органи пробация бўлинмалари





Сўнги йилларда мажбурий жамоат ишлари ахлоқ тузатиш ишларига нисбатан 81, муайян хукуқдан маҳрум қилиш жазосига нисбатан 26, озодликни чеклаш жазосига нисбатан эса 21 баробар кам марта кўлланилган. Ваҳоланки, бугунги кунда Жиноят кодексининг Махсус қисмида жами мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазо умумий санкцияларнинг 32 фоизи, яъни 177 та санкциялар мавжуд.



томонидан маҳкумга иш ўринларини топиб беришларида бир қатор муаммолар мавжуд ёди<sup>16</sup>. Мазкур муаммо ҳозирги кунда анча енгиллашганини кузатишими мумкин;

Хукуқшунос олим В. Стерн ҳақли равиша «... аҳоли ва суд тизими вакиллари ўртасида энг оммабоп муқобил чора бу жамоат ишлардир», деб таъкидлайди<sup>17</sup>. Д.Е. Хоффман эса ушбу жазо тури замонавий жамият воқеалигига жуда мос келишини, у нафақат жиноятнинг оммавий айбланишини акс эттириши, балки шахс томонидан ижтимоий фойдали ишлар бажарилиши ҳисобидан жамият фойдасига хизмат қилишини баён этади<sup>18</sup>.

В.Стерннинг фикрларини таҳлил қилсан, жамоат ишлари жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг кенг тарқалган муқобил шаклларидан биридир. Фуқароларни жамият манфаати учун белуп меҳнатга жалб қилиш қуидаги турли муаммоларни ҳал қилиш имконини беради: ободонлаштириш, муҳтожларга ёрдам бериш, инфратузилмани қўллаб-қувватлаш каби ижобий жиҳатларга эга. Бироқ, айрим саволлар туғдирадиган жиҳатлари ҳам борки, уларни сиз билан кўриб чиқамиз. Унинг қарашлари ҳар томонлама (универсал) эмас. Жамоат ишлари жазосига барча тоифадаги маҳкумларни жалб қилишнинг иложи йўқ. Масалан, ногиронлар, ҳомиладор аёллар, вояга етмаганларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас. Маҳкумларни тузатиш ва ижтимоийлаштириш нуқтаи назаридан жамоат ишлари қанчалик самарали эканлиги ҳақидаги саволи мунозарали бўлиб қолмоқда.

Д.Е. Хоффман фикрлари ҳам анча қизиқарли, жамоат ишларига жалб қилиш жиноятчи ва жиноий ҳаракатни жамоатчилик томонидан қоралганлигини кўрсатишга имкон беради. Меҳнат маҳкумларда меҳнатсеварлик, масъулият ва бошқа ижтимоий кўнникмаларни шакллантириш қуролига айланиши мумкин.

Ижтимоий ишларга ҳукм қилинганлар ўзини таҳқирлангандек ҳис қилиши мумкин, бу уларнинг жамиятга қайта мослашувини қийинлаштириши мумкин. Маҳкумлар учун тўловнинг камлиги ёки умуман тўланмаслиги эксплуатация деб ҳисобланиши мумкин.

Иккала олимнинг фикрларини таҳлилидан келиб чиқсан, иккисининг ҳам фикрига кўшилишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Биз томондан пробация хизмати ходимлари ва олимлар ўртасида ўтказилган сўровномаларда қатнашган респондентларнинг 85 фоизи мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазо жиноят қонунчилигида жорий этилиши ижобий натижা эканлигини, мазкур жазо турини қўллаш кўламини кенгайтириш лозимлигини эса 75 фоиз респондентлар қўллаб қувватлаган.

Масалан, сўнги йилларда мажбурий жамоат ишлари ахлоқ тузатиш ишларига нисбатан 81, муайян хукуқдан маҳрум қилиш жазосига нисбатан 26, озодликни чеклаш жазосига нисбатан эса 21 баробар кам марта кўлланилган. Ваҳоланки, бугунги кунда Жиноят кодексининг Махсус қисмида жами мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазо умумий санкцияларнинг 32 фоизи, яъни 177 та санкциялар мавжуд. Шундан 167 таси ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва 10 таси унча оғир бўлмаган жиноятларнинг санкцияларида назарда тутилган.

Бу рақамлар мажбурий жамоат ишлари жазосини амалда кенг қўлланилиши

<sup>16</sup>. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот марказининг 2023 йилга оид таҳлилий маълумотномаси.

<sup>17</sup>. Стерн В. Разработка мер, альтернативных тюремному заключению в странах Центральной и Восточной Европы, и Средней Азии. - Будапешт, 2002. - С. 10.

<sup>18</sup>. Hoffman D.E. Criminal

Justice: The Essentials Fast from the Experts at CliffsNotes. Foster City (California), 2000. P. 185. (230 p.).

<sup>19</sup>. Попова М.Е. Обязательные работы как вид уголовного наказания: проблемы назначения / Марийский юридический вестник. № 2 (21). 2017. С. 15.



мумкинлигини англатса-да, жиноятчиликка қарши курашишда мазкур жазонинг имкониятларидан тўлалигича фойдаланимаяпти ҳамда мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони тайинлаш ва унинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ масалаларда айрим муаммоларга дуч келинмоқда. Бу эса мазкур жазо турини атрофлича таҳлил этишни, мазкур жазони қўллаш имкониятларини кенгайтиришни, бу борада халқаро ҳуқуқ нормалари, хорижий давлатларнинг илфор тажрибалари, ҳуқуқшунос олимларнинг бу борадаги фикрларини таҳлил этишни талаб этади.

Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазо ЖК 451-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра мажбурий жамоат ишлари маҳкумни ҳақ тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилишдан иборатdir. Бу нормада мажбурий жамоат ишларининг юридик табиати ёритилган бўлиб, биринчидан маҳкумни ҳақ тўланмайдиган ишларга жалб этишда, иккинчидан эса уни бу турдаги ишларга мажбуран жалб этилишида намоён бўлади.

М.Е.Попова шунга ўхшаш жазо институти Швейцария, Франция ва Италия давлатлари қонунчилигида XIX асрдан бошлаб қўлланилиши назарда тутилганлигини, шунингдек, Россия қонунчилигида бу турдаги жазо қонунчиликда назарда тутилмаганлигини таъкидлайди<sup>19</sup>. Бошқа бир адабиётларда эса 1988 йилдан

бошлаб айрим олимлар маҳкумни ишдан бўш вақтларида, дам олиш ва байрам кунлари, ҳақ тўланмайдиган ишларни жамоат мақсадларида ва назорат остида бажаришларини жорий этиш бўйича фикрларини илгари суришганлиги<sup>20</sup>, шунингдек мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазо илк бор 1975 йилда Англия ва Уэльсда қамоқ жазосига муқобил сифатида жорий этилганлиги айтилади<sup>21</sup>. Ушбу масала юзасидан тадқиқот олиб борган А.С. Колосов эса, Жиноят кодексида «жамоат ишлари» номли жазони жорий этган илк давлат Швейцария эканлигини билдиради<sup>22</sup>.

Олимлар томонидан илгари сурилган фикрлар таҳлили шуни кўрсатадики, улар бу жазо турининг қайсиdir элементи асосида унинг келиб чиқиши бўйича мулоҳазаларини илгари суришади. Лекин замонавий ҳуқуқ соҳасидаги мажбурий жамоат ишлари тарихда қўлланилган шунга ўхшаш жазолардан юридик табиатига кўра у ёки бу жиҳатлари билан фарқланиб туради.

Хозирги кунда, мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазо хорижий давлатларда, жумладан Буюк Британия, Франция, Испания, Дания, Нидерландия, Норвегия ҳамда МДҲ давлатларидан Россия Федерацияси, Арманистон, Беларусь, Грузия, Латвия, Литва, Молдова, Озарбайжон, Украина, Қирғизистон, Қозоғистон ва бошقا бир қатор давлатларнинг жиноят қонуларида жазо тури сифатида назарда тутилган.



<sup>20</sup> <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovye-granitsy-obyazatelnyh-i-ispravitelnyh-rabot-v-normah-ugolovno-ispolnitelnogo-zakonodatelstva-rossii>.

<sup>21</sup> <https://oydinyol.uz/huquqiy-sahifa/majburii-jamoaat-ishlari-mukobil-jazon.html>; <https://isfic.info/sravn/gran99.htm>.

<sup>22</sup> Колосов А.С. Зарубежный опыт применения наказания в виде обязательных (общественных) работ // Вестник Владимирского юридического института. 2007. №

4. С. 180.

<sup>23</sup> Садчикова Д.Н., Васильева М.В. Перспективы совершенствования наказания в виде обязательных работ в свете современных тенденций уголовно-правовой политики Российской Федерации / <https://cyberleninka.ru/article/n/perspektivy-sovershenstvovaniya-nakazaniya-v-vide-obyazatelnyh-rabot-v-svetе-sovremennyyh-tendentsiy-ugolovno-pravovoy-politiki>





Шу боис мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг кўплаб хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилигига белгиланганлиги ва қўлланилиб келинаётганлиги унинг самарали жазо турларидан бири эканлигидан далолат беради. Хусусан, Д.Н.Садчикова ва М.В.Васильевалар Россия қонунчилиги бўйича бу турдаги жазонинг ўрни ҳақида фикр билдирап экан, Россия давлати жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатида озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларга муқобил жазолар қўлланилиши эканлигини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида кенг қўлланилаётган чора айнан мажбурий ишлар эканлигини баён этади<sup>23</sup>.

Юқорида таҳлил этилганлардан ташқари мажбурий жамоат ишлари жазосининг жиноят-ҳуқуқий ва жиноят-ижроия ҳуқуқий жиҳатларини янада такомиллаштириш ва айрим турдаги ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар учун оғирроқ бўлган жазо турлари ўрнига ушбу жазо турини кенг қўллаш, шунингдек мажбурий жамоат ишларига ҳукм этилган маҳкумларнинг жазони ижро этиш ва ўташ тартибини такомиллаштириш бўйича, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини янада мақбуллаштириш бўйича бир қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилган. Бу мақбуллаштириш жараёнлари мазкур жазонинг, пировард натижада бутун жиноятчиликка қарши курашишнинг самарадорлик даражасига ижобий таъсир этишидан келиб чиқсан ҳолда жиноят, жиноят-ижроия қонунчилигига комплекс ислоҳотларни амала оширишни талаб этади.

Хозирги кунда, мамлакатимизда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси»<sup>24</sup>да, ундан кейин «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони. [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/5841063>

<sup>23</sup> Садчикова Д.Н., Васильева М.В. Перспективы совершенствованиянаказания в виде обязательных работ в свете современных тенденций уголовно-правовой политики Российской Федерации / <https://cyberleninka.ru/article/n/perspektivy-sovershenstvovaniya-nakazaniya-v-vide-obyazatelnih-rabot-v-svete-sovremennoy-h-tendentsiy-ugolovno-pravovooy-politiki>

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 6. – 70-м.

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони. [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/5841063>

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023 йилдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисидаги ПФ-158-сон Фармони. [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/tu/docs/6600413>

<sup>27</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси [Электрон манба]. URL: <https://www.xabar.uz/siyosat/prezident-shavkat-mirziyoevning-oliy-majlisiga-murojaatnomasi>

<sup>28</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси [Электрон манба]. URL: <https://www.xabar.uz/siyosat/prezident-shavkat-mirziyoevning-oliy-majlisiga-murojaatnomasi>

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони. [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/5841063>

тараққиёт стратегияси»<sup>25</sup>да, сўнгра «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида<sup>26</sup> жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш бўйича алоҳида вазифалар белгиланди. Президентнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Биз ... жиноий жазоларни инсонпарварлик нуқтаи назаридан ўзгартиришга алоҳида эътибор қаратамиз»<sup>27</sup>, дея таъкидлаган эди.

Давлат раҳбарининг 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сон қарори билан «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси», шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги «Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4006-сон қарори билан «2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси» қабул қилинди. Мазкур Концепцияга кўра жиноий жазоларнинг ижросини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришнинг еттига устувор йўналишлари, жумладан маҳкумлар ҳуқуқларига сўзсиз риоя этилишини, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги механизмларини жорий этиш, умумэтироф этилган халқаро стандартларга мос равишда маҳкумлар ҳуқуқлари доирасини янада кенгайтириш каби устувор вазифалар белгиланган эди.



Президентимиз Шавкат Мирзиёев  
“маҳкумлар ҳуқуқларини таъминлайдиган  
қўшимча механизмлар яратишни ҳисобга  
олган ҳолда, жиноят-ижроия қонунчилигини  
янада такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб  
этади”<sup>28</sup> деб таъкидлайди.

Бундан ташқари “Инсон қадри учун”  
деган устувор тамойилни рӯёбга чиқаришга  
қаратилган Янги Ўзбекистон тараққиёт  
стратегиясининг 14-мақсадида жиноят, жиноят-  
процессуал ва жиноят ижроия қонунчилигини  
такомиллаштириш сиёсатини изчил давом  
эттириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш  
тизимига инсонпарварлик тамойилини кенг  
жорий этиш вазифаси белгиланди<sup>29</sup>.



Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, суд  
томонидан мажбурий жамоат ишлари  
жазосини тайинлашнинг ижтимоий  
зарурати шундаки, маҳкумларни  
озодлиқдан маҳрум этмаган ҳолда  
ижтимоий фойдали меҳнатга жалб  
етиш орқали

**АҲЛОҚАН ТУЗАТИШ,  
УЛАРНИ ОИЛАСИ  
БАҒРИДА ИЖТИМОЙ  
МОСЛАШТИРИШ ВА  
РЕСОЦИАЛИЗАЦИЯ  
ҚИЛИШ, УЛАРНИНГ  
ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛАРИНИ  
АДОЛАТЛИ  
ТАЪМИНЛАШДАН ИБОРАТ.**



## ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР БИЛАН БИР ГУРУХ ШАХСЛАР

# БЕЗОРИЛИГИ ЖИНОЯТИ

## ЎРТАСИДАГИ АЙРИМ ТАФОВУТЛАР

SOME DIFFERENCES BETWEEN SOCIAL  
DISORDERS AND CRIME OF GROUP Hooliganism



Элмурод МУХАМАДИЛИЕВ,  
Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги  
тергов бошқармаси Кадрлар  
гуруҳи муҳим топшириқлар бўйича  
инспектори майор

Elmurod MUXAMADILIYEV,  
Inspector of important affairs of HR  
under the investigation department of  
the Main department of internal affairs.  
of Tashkent

**АННОТАЦИЯ:** Мақолада муаллиф томонидан оммавий тартибсизликларни бир гурух шахслар безорилигидан ажратиш масалалари таҳлили амалга оширилган. Хусусан, ўрганилаётган жиноятларга оид суд-тергов амалиётидан мисоллар, жиноят қонунчилиги нормаларини амалиётда қўллашнинг айrim муваммолари, шунингдек оммавий тартибсизликларни бир гурух шахслар безорилигидан ажратиш масалалари атрофлича ўрганилиб, объектив ва субъектив белгиларини таҳлил қилиш орқали уларни ажратишга оид илмий-назарий хуносалар ишлаб чиқилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** оммавий тартибсизликлар, безорилик, жиноят қонуни, суд-тергов амалиёти, жамоат ҳавсизлиги, безорилик мотиви, паст мотивлар.

**ANNOTATION.** In the article, the author analyzes the issues of distinguishing social disorders from hooliganism committed by a group of people. In particular, examples of judicial investigative practice for the crimes under study, some problems of practical application of criminal law norms, as well as issues of distinguishing social disorders from hooliganism committed by a group of people, were studied in detail, while by analyzing the objective and subjective signs, scientific and theoretical conclusions were developed about their differentiation.

**KEY WORDS:** social disorders, hooliganism, criminal law, forensic investigative practice, public safety, hooligan motive, base motives.





**Оммавий тартибсизликларни квалификация қилиш баъзи ҳолларда ушбу жиноят ва безорилик ўртасидаги фарқлашни талаб қиласди.**  
Амалиётда, шахснинг ҳаракатлари бир вақтнинг ўзида оммавий тартибсизликлар ва безорилик жинояти диспозицияси билан қамраб олиниши ҳолатлари маълум. Бироқ, бу ерда жиноятлар жами бўлмайди. Бизнингча, бу ерда жиноят-хуқуқий нормалар рақобати мавжуд деб таъкидлаш учун асослар етарли. Албатта, бунда оммавий тартибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги норма асосий аҳамиятга эга, чунки у қилмишни энг тўлиқлик билан қамраб олади. Бу норманинг ихтисослашуви, асосан, жиноят таркибининг объектив томони белгиларига асосланади. ЖКК 244-моддаси бўйича жиноят содир этганда, жамоат тартиби жуда кўп одамларнинг биргаликдаги ҳаракатлари билан бузилади ва жамоат ҳавфсизлигига тажовуз қиласди. Бундан ташқари, бу оломонни, одамлар бетартиб тўдасини ташкил қилиши керак. Бундан ташқари, ЖКК 244-моддасида ва ЖКК 277-моддасида жиноят содир этиш усуслари бирмунча фарқ қиласди.

Фуқароларни оммавий тартибсизликларга ва фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга омма олдида даъват қилишни квалификация қилиш ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Гап шундаки, амалдаги миллий жиноят қонунчилигида бир қатор нормаларда шунга ўхшаш даъват қилиш учун жавобгарлик назарда тутилган. Масалан, ЖКК 159-моддаси (Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш), ёки

244<sup>1</sup>-модда. (Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш). Иккала моддада ҳам фуқароларга нисбатан зўравонликка чақириқлар назарда тутилиши мумкин.

Шу билан бирга, бундай вазиятларда жиноий ҳаракатни квалификация қилишда, субъектив томон (конституциявий тузумга тажовуз, террористик ва экстремистик фаолиятни тарғиб қилишни ўз ичига олиши мумкин бўлган фаолиятни) бевосита тавсифлайди. Шу боис, шахснинг даъват этишга оид ҳаракатларида унинг субъекти қарашлари бирламчи тусга эга бўлиб, квалификацияда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Маълумки, ахлоқ қоидалари ва жиноят-хуқуқий таъқиқнинг юридик кучи турли даражада эканлиги боис уларни солишириб бўлмайди, айнан жамоат тартибини хуқуқий жиҳатдан тартибга солиш жамият(аъзолари) нинг давлатга бўлган ишончи билан белгиланади. Хуқуқий демократик давлатда жамоат тартиби, адолат, ишончнинг таъминланиши одоб-ахлоқ, одат нормаларнинг юзага келиши ва мавжуд бўлиши учун мақбул ташки шароит сифатида намоён бўлади. Демак, жиноят-хуқуқий нормалар жамиятда ўрнатилган одоб-ахлоқ нормаларини муҳофаза қилиш орқали фуқароларда адолатга ишончни мустахкамлади.

Амалиётда бир гурӯҳ шахсларнинг безорилигини оммавий тартибсизликларда иштирок этиш жиноятидан ажратиш, квалификация қилиш муаммоларидан бирига айланган. Бу, хусусан, ушбу ижтимоий хавфли қилмишлар таркиблари белгилари ўхшашлиги билан боғлиқ. Оммавий тартибсизликлар объекти жамоат хавфсизлиги, аммо жамоат тартиби ҳам бу жиноятда бузилади. Безориликнинг объекти жамоат тартибидир, аммо совуқ қурол ёки қурол сифатида маълум нарсалардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган безориликнинг энг кенг тарқалган турида жамоат хавфсизлигига ҳам тажовуз содир бўлади.



Объектив томоннинг белгилари ўртасида ҳам аниқ ажратадиган чизик йўқ. Оммавий тартибсизликлар белгиси, худди безорилик белгиси каби қуролдан фойдаданиш бўлиши мумкин. Безорилик қурол сифатида фойдаланилган ашёлардан фойдаланган ҳолда содир этилган ҳолларда таҳлил қилинаётган жиноятларни фарқлаш қийинлиги шундан иборатки, оммавий тартибсизликларда иштирок этиш зўравонлик билан, безорилик эса, гарчи унда доим ҳам зўрлик қўлланилмаса ҳам, имманент тарзда зўравонлик билан боғлиқдир. Жумладан, Олий суд Пленумининг 2002 йил 14 июнядаги 9-сонли «Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарорининг 4-бандида шундай дейилган: «Совуқ қурол ёки шахснинг соғлиғига амалда шикаст етказиши мумкин бўлган бошқа нарсаларни қўллаш деганда, айборнинг улар воситасида безорилик

ҳаракатлари давомида жабрланувчига нисбатан тан жароҳати етказган ёки етказишга ҳаракат қилган ҳоллар тушунилиши лозим”.

Б.Волженкиннинг фикрича, зўрлик безорилик белгиси ҳисобланиши мумкин эмас, унинг таркибиға фақат жамоат тартибини қўпол равишда бузиш, жамиятга нисбатан яққол ҳурматсизликни ифодалаш, қурол ёки қурол сифатида ишлатиладиган ашёлардан фойдаланганда фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғдирган, аммо ҳақиқатда жисмоний зарар келтирилмаган ҳолатлар киради . Албатта, биз бунга қўшила олмаймиз, чунки ЖК 277-моддасида уриш-дўппослаш, баданга енгил ва ўртача оғирликдаги шикаст етказиш ҳаракатлари кўзда тутилган. Б.Волженки таъкидлаган ҳолатлар жуда кам. Кўпчилик ҳолларда безорилик зўрлик ишлатиш билан боғлиқ. Масала фақатгина бундай ҳаракатларга жиноий-ҳуқуқий баҳо беришда.

Олий суд Пленумининг юқорида келтирилган қарорининг 3-бандида бундай баҳолашга тушунтириш берилган, хусусан, қилмишни Жиноят кодекси 277-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилиш учун безорилик замирида шахснинг баданига енгил даражада шикаст етказилганини кифоя. Бунда шахснинг баданига етказилган тан жароҳати унинг соғлиғини бузилишига олиб келган-келмаганигининг аҳамияти йўқ.

Уриш-дўппослаш деганда, айборд томонидан жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан бузиб, шахснинг баданига шикаст етказмаган ҳолда бир неча зарба бериш тушунилади .

“Оммавийлик” белгиси тартибсизликларга нисбатан баҳоловчи хусусиятга эгалиги, шунингдек, олдиндан тил бириктириб бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган безориликда унинг таркибини ташкил этувчи шахслар



сонининг юқори чегарасининг йўқлиги ҳам, ушбу жиноятларни аниқ ажратишга кўмак бермайди.

Мотив ва мақсад безорилик ва оммавий тартибсизликларнинг нормада берилган таркибиға киритилмаган. Адабиётларда кўпчилик тадқиқотчилар безориликни безорилик мақсадида содир этиладиган жиноят деб тан олишади . "Безорилик мақсади худди шу номдаги ҳаракатларнинг ижтимоий тавсифига кириши сабабли, уни ушбу жиноятнинг субъектив томони зарурый элементи сифатида кўрмаслик мумкин эмас. Безорилик мақсади бўлмаса, безорилик ҳаракатлари ҳам юз бериши мумкин эмас".

Ўз навбатида оммавий тартибсизликлар мотивлари турфа хил бўлиши мумкин: ижтимоий-иктисодий турмуш шароитларидан, ҳукumat ва бошқарув органи фаолиятидан норозилик; сиёсий, мағкуравий, миллий, диний адоват ёки душманлик, муайян ижтимоий гурухга нисбатан нафрат ёки адovat, farazli ниятлар, муассасалар фаолиятини издан чиқариш истаги, қасос, ҳасад, ғазаб ва ҳ.к. Оммавий тартибсизликларда иштирок этиш мотиви сифатида, айрим тадқиқотчилар безорилик мотивларини ҳам санаб ўтишади .

Демак, шундай холосага келиш мумкинки, башарти қилмишда юқорида санаб ўтилгандан бошقا мотивлар аниқланганда, у оммавий тартибсизликлар

сифатида квалификация қилиниши керак (албатта ушбу жиноятнинг объектив белгилари юзаша келганида). Жумладан, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини бузган ҳолда, зўравонлик, мол-мulkни йўқ қилиш ва бузиш билан боғлиқ бўлган рейдер босқини вақтида корхона ҳудудига зўравонлик билан оммавий кириб бориш, оммавий тартибсизликлар сифатида тан олиниши тўғри деб топилиши лозим . Жиноятчилар бу ерда ғаразли мақсадни - корхонани эгаллаб олишни кўзлайдилар, бу эса безорилик ниятини, демакки безорилик жиноятини истисно қиласди.

Таҳлил қилинаётган жиноятларни объектив томони бўйича фарқлашга келсак, бу белгиларнинг безорилик таркибида баҳоловчи хусусиятга эгалиги, шунингдек, юқоридаги сабабларга кўра, буни фақат битта ҳолатда амалга ошириш мумкин.

Агар жамоат тартибини бузиш, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан



**Жиноят қуороли сифатида эътироф этилган ёки йўл-транспорт ҳодисаларида иштирок этган транспорт воситаларини сақлаш хизматни кўрсатиш билан шуғулланувчи юридик шахсларга тегишли "жарима майдончаси" сақлашга зарурат юзага келади.**





менсимаслик ифодаловчи қурол ёки қурол сифатида ишлатиладиган буюмларни қўллаш орқали содир этилган бўлса, фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғдирса, лекин уларга реал жисмоний зарар етказилмаган бўлса, шунингдек, мулкий зарар етказилмаган бўлса, бу ҳолда безорилик содир этилган бўлади.

С.В. Борисов ва А.В. Жеребченконинг сўзларига кўра, безорилик ва оммавий тартибсизликларнинг объектив томони белгилари ўртасида бир нечта номувофиқлик ҳолатлари мавжуд:

- оломон томонидан безорилик ниятида ва совуқ ёки ўқотар қурол бўлмаган бошқа қуроллар ёки тегишли нарсаларни қўллаш билан содир этиш, фақат мулкка зарар етказиш билан чекланиш;

- жабрланувчиларга мулкий ёки жисмоний зарар етказиш ва зўрлик ишлатиш ёки қурол ёхуд шунга ўхшаш ашёлардан жамоат жойларида фойдаланиш .

Муаллифларнинг фикрича, бу ҳолатлар ёки Жиноят кодексининг оммавий тартибсизликлар жинояти билан қўшимча

равишда квалификация қилиниши керак ёки бундай ҳаракатлар (оммавий тартибсизликлар объектив томонига кирувчи бошқа ҳаракатлар бўлмаса) фақат безорилик сифатида баҳоланиши керак.

Биз ушбу фикр билан фақат ушбу ҳолатга нисбатан айтилганда, қўшилишимиз мумкин, чунки биринчи ҳолатда ЖКнинг 244-моддасида қирғин, ўт қўйиш кўринишларидан бири бўлган мулкни нобуд қилиш ҳақида сўз боради, бунда ўқотар қуроллар қўллангани ёки қўлланмагани квалификация учун муҳим эмас. Шунингдек, безорилик ва оммавий тартибсизликлар жамини бир шахс айбига юклаш мумкинлиги ҳақидаги фикр ҳам мунозарали. Ҳар ҳолда, ҳуқуқни қўллаш амалиётидан бундай мисол топмадик.

Бизнинг фикримизча, агар безорилик ва оммавий тартибсизликларда иштирок этиш белгилари мавжуд бўлса, ЖКнинг 244-моддаси З-қисми қўлланилиши керак, чунки мазкур жиноят ижтимоий хавфлилик нуқтаи назаридан анча жиддийроқ.

## ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/ REFERENCES:

1. Д.Каракетова. Безориликни квалификация қилишнинг айрим масалалари // Ж.Юриспруденция – 2021 / 4 – Б.46
2. Олий суд Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 9-сонли «Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори
3. Волженкин Б. Хулиганство // Уголовное право. 2007. №5.
4. Абдульманов А. Ответственность за массовые беспорядки // Российская юстиция. 1996. №1.
5. Векленко С.В., Рагозина И.Г. Уголовная ответственность за хулиганство. Омск, 2008. – Б.31.
6. Волков Б.С. Мотив и квалификация хулиганства. Казань, 1968. – Б.152.
7. Демидов Ю.Н. Массовые беспорядки: уголовно-правовой и криминологический аспекты. М., 1994. -Б. 34-35
8. Приговор Октябрьского районного суда г. Екатеринбурга от 9 апреля 2007 г. по факту участия в массовых беспорядках в целях захвата властных полномочий руководства ОАО «Оборонснабсбыт» и ООО «РК «Оборонснабсбыт».
- 9.. Борисов С.В., Жеребченко А.В. Квалификация преступлений экстремистской направленности: Учебное пособие. М., 2010 – Б.259.



**“Маҳалла хавфсиз бўлса, шаҳар хавфсиз бўлади.  
Менинг мақсадим - одамлар машинасини  
қулфламай, уйига кириб кетсин ва хотиржам  
дам олсин”.**

**Ш.М.Мирзиёев**

**Элёрjon ХАЙДАМАТОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
мустақил изланувчи, Фарғони вилояти Ички  
ишлар бошқармаси Тезкор-кидирув хизмати  
бошлиғи ўринбосари – Жиноят кидирув  
бошқармаси бошлиғи,  
подполковник E-mail: Elyorjon84b@mail.ru

**Elyorjon HAYDAMATOV,**  
Academy of the Republic of Uzbekistan  
independent Scout, Fergani Region Domestic  
Department of works rapid-search service  
Deputy Chief-Criminal Investigation  
head of the Department,  
Lieutenant Colonel e-mail: Elyorjon84b@mail.ru



## **ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЕЗКОР БЎЛИНМАЛАРИНИНГ ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН**

# **ЎФРИЛИК ЖИНОЯТИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**IMPROVING THE ORGANIZATIONAL ASPECTS OF THE ACTIVITIES OF THE OPERATIONAL UNITS OF THE INTERNAL AFFAIRS BODIES TO PREVENT THE CRIME OF THEFT FROM THE VEHICLE**

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг транспорт воситасидан содир этиладиган ўғрилик жиноятини олдини олиш фаолиятининг ташкилий жиҳатлари ҳақида мулоҳазалар билдирилиб, илмий асослантирилган таклиф ва тавсиялар билдирилиган.

**ТАЯНЧ СҮЗЛАР:** транспорт воситаси, ўғрилик, муаммо, профилактик тадбирлар, ташкил этиш, тезкор-кидирув фаолияти, хуқуқни мухофаза қилувчи органлар.

**ANNOTATION.** The article commented on the organizational aspects of the activities of the operational units of the internal affairs bodies to prevent the crime of theft from a vehicle, expressed scientifically substantiated proposals and recommendations.

**KEYWORDS:** vehicle, theft, trouble, preventive measures, organization, operational-search activities, law enforcement agencies.



**M**аълумки, республикамизда жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида, мамлакатимизда ҳуқук-тартибот органлари томонидан криминоген вазият сезиларли даражада яхшиланган бўлса-да<sup>1</sup>, ўзгалар мулкини талон-торож қилиши жиноятлари салмоғи жиҳатдан кўп содир этилмоқда. Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқук ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланиб, бу борада фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди. Ўтган давр (2016-2023 йй.) мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қўйи бўғинини ривожлантириш, мустаҳкамлашда салмоқли ишлар қилинди<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ички ишлар вазирлиги тизимида фаолият

курсатаётган раҳбар ва ходимлар билан Ички ишлар органлари фаолиятининг тизимида мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишиланган навбатдаги учрашув, видеоселектор йиғилишларида: "Аҳолини тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлашда ички ишлар органлари шундай ишлаши керакки, токи ҳалқ давлатдан рози бўлсин. Лекин айрим жойларда уларнинг фаолияти одамлар эътиrozига сабаб бўлмоқда. Айниқса, мол-мulkка жиноий тажовуз каби салбий ҳолатларга тўлиқ чек қўйилмаганилиги, хусусан, мулкий турдаги жиноятларнинг ҳар бештадан биттаси фош этилмаган. Жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки барвақт олдини олиш, содир этишга имкон берган сабаблари ва омилларни ўз вақтида бартараф этиш муҳим вазифамиз бўлмоғи керак"<sup>3</sup> мазмунида билдирилган танқидий фикрлари, ИИОлари тезкор ходими ишини ҳалол ва адолат билан ташкил этишини талаб этмоқда.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг Узбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномаларида: "ҳудудларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш борасидаги ишларни сусайтирмаслик; ҳалқимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ишларини янги босқичга кўтариш, одамларнинг тинч яшashi учун бутун мамлакатимизда жиноятдан ҳоли муҳит яратиш<sup>4</sup>; жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қўйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 марта «Ҳукукбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2833-сонлиги Каюри // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат килинган вақт: 18.01.2024).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги "Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишини таъминлашда уларнинг масъудиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5005-сон Фармони // <https://lex.uz/ru/docs/3159827>(Электрон манбага мурожаат килинган вақт: 18.01.2024)

<sup>3</sup> Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало ўнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаётини ҳимоя килинмоги керак // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 2017 йил 9 февраль куни Ички ишлар органлари фаолияти, тизимида мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишиланган видеоселектор йиғилишидаги нутки // [www.uza.uz](http://www.uza.uz). (Электрон манбага мурожаат килинган вақт: 18.01.2024); Ички ишлар органлари билан соҳа ислоҳотларини мухокамаси // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 2017 йил 17 август куни Ички ишлар органлари тизимида олиб борилаётган ишларнинг ахволи, муаммолар ва келгуси-даги вазифаларга бағишиланган видеоселектор йиғилишидаги нутки // [www.uza.uz](http://www.uza.uz).

из.( Электрон манбага мурожаат килинган вақт: 18.01.2024); Тартиб-интизом ва маъсуллиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиши мухитини мустаҳкамлаш – ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилидир // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 2017 йил 15 ноябрь куни Ички ишлар органлари фаолияти, тизимида мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишиланган видеоселектор йиғилишидаги нутки // [www.uza.uz](http://www.uza.uz). (Электрон манбага мурожаат килинган вақт: 18.01.2024).

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси: 22.12. 2017 йил // [www.uza.uz](http://www.uza.uz). (Электрон манбага мурожаат килинган вақт: 18.01.2024)., Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси: 20.12. 2020 йил // [www.uza.uz](http://www.uza.uz). (Электрон манбага мурожаат килинган вақт: 18.01.2024); Конун устувор, адолат баркарор бўлса, жиноятчиликка ўрин колмайди // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 2019 йил 10 январь куни мамлакатимиз тинчлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиши борасидаги келгуси вазифаларга бағишиланган видеоселектор йиғилишидаги нутки // [www.uza.uz](http://www.uza.uz). (Электрон манбага мурожаат килинган вақт: 18.01.2024); Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси: 20.12.2022 йил // [www.uza.uz](http://www.uza.uz). (Электрон манбага мурожаат килинган вақт: 18.01.2024).



ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИДАН СОДИР  
ЭТИЛАДИГАН ЎФИРЛИКНИ БАРВАҚТ  
ОЛДИНИ ОЛИШДА ҚУЙИДАГИ  
ТАДБИРЛАРНИ ЎТКАЗИЛИШИНИ  
ТАЪМИНЛАШИ КЕРАК

ИДОРАВИЙ  
НАЗОРАТ

АХБОРОТ  
ТАҲЛИЛ ИШИ

ПРОФИЛАКТИК  
ТАДБИРЛАР

Жиноятнинг сабаблари  
ва шароитларини  
ўрганиш

Кунлик  
таҳлил

Режалаштириш

Умумий  
профилактик тадбир

Махсус профилактик  
тадбир

Якка тартибдаги  
профилактик тадбир

Виктимологик  
профилактик тадбир

иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ тартибот ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашда ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишининг мутлақо янги механизmlари ташкил этилиб<sup>5</sup>, ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш, уларни бартараф этиш, ҳудудларда жиноятчилик аҳволидан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда

"жиноят ўчоқлари"ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш зарурлиги каби вазифалар аниқ белгиланиб, пировардидা асосий мақсад жиноятларнинг олдини олишдан иборатdir.

Дарҳақиқат ҳар бир давлатнинг жиноятчиликка қарши курашишдаги муҳим йўналишларидан бири, барча турдаги жиноятларни олдини олишdir. Жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида энг муҳим самарали, инсонпарвар тамойил, жиноятчилик

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи "Жамоат хавфисизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 6196-сон Фармони // Қонун хужжатлари маълумотлари миллӣ базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон. (Электрон манбага мурожаат килинган вақт: 18.01.2024).



профилактикасини таъминлаш ҳисобланади. Шундай экан транспорт воситасидан содир этилаётган ўғирликинин фош этиш билан бир қаторда ушбу қўймашларни содир этилишига йул қўймаслик, энг асосий ва муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. ИИОлари тезкор бўлинмалари ходимлари транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликинин олдини олишнинг ташкилий фаолиятини яхшилашда, тезкор ходимларни химатини самарали (фақат соҳасига оид функцияни бажаришини) ташкил этиш, уларнинг моддий ва техник базасини такомиллаштириш билан боғлиқдир. Бунинг учун мазкур жиноятнинг олдини олишга салбий таъсир кўрсатувчи реал муаммолар(ташкилий, субъектив, объектив ва бошқ.)ни ҳал этиш зарурдир. Ушбу муаммоларни ҳал этиш механизмини таҳлил қиласиз.

Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида назарда тутилган жиноятларнинг олдини олиш вазифасини бажаришда тезкор ходимларга бириктирилган хизмат ҳудудида мақсадли, самарали профилактик тадбирлар ташкил этилиши керак. Бунинг учун ИИОлари ТҚФни идоравий назорат құлувчи ИИОни раҳбарни ва унинг биринчи ўринбосари ҳамда ЖҚБ раҳбарлари жиноятни олдини олишда, шу жумладан транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликининг олдини олиш учун қандай чора-тадбирларни амалга ошириш кераклигини тезкор ходимга аниқ белгилаб бериши ва натижаларини кунлик талаб қилиш лозим.

ТҚФни идоравий контролини амалга оширувчи раҳбар тезкор ходимга бириктирилган ҳудудида транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликинин баравақт олдини олишда идоравий назорат, ахборот таҳлил иши, профилактик тадбирларнинг ўтказилишини таъминлаши керак.

1. ИДОРАВИЙ НАЗОРАТ. ТҚФда идоравий назорат, ички ишлар органлари ва тезкор бўлинмалари раҳбарлари томонидан тезкор ходимларнинг махсус бўйруқ талаби асосида хизматни ташкил этганлигини текшириш, шунингдек ўрганишдан иборат бўлган хатти-ҳаракатларнинг мажмуини ташкил этади<sup>6</sup>. Мазкур жиноятларнинг олдини олишда ИИОлари ТҚФда идоравий назорат тўғри ташкил этиш зарур ва бу тегишли раҳбардан ходимларига функционал вазифаларни бажаришига шароит яратиб бериши ҳамда кунлик ишини талаб қилиши, бошқа тадбирларга жалб этилмаслигини таъминлашдан иборатдир. Бунинг учун ушбу раҳбарлар биринчи навбатда ҳуқуқлари, ваколатлари ва мажбуриятларини билиши, шу асосда иш фаолиятини ташкил этиши керак.



2. АХБОРОТ ТАҲЛИЛ ИШИ. Мазкур жиноятнинг олдини олишда тезкор вакил ахборот таҳлил иши билан шуғулланиб, бунда а) жиноятнинг содир этилишига имкон берган сабаблар, шароитни ўрганиш; б) кунлик таҳлил;

в) режалаштириш каби функцияларни мантиқий кетма-кетлика бажариши талаб этилиб, ушбу функциялар кунлик умумлаштириб борилиши керак.

Жиноятнинг сабаблари ва шароитларини ўрганиши: Ҳуқуқшунос олим С.Б.Хўжақуловнинг фикрича: “жиноят-процессуал қонунчилик нормаларида назарда тутилган жиноятларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш талаби жиноят-процессуал, тезкор-қидирув, жиноий-ҳуқуқий ва профилактик жиҳатдан шартланган”<sup>7</sup> деб таъкидлайди. Демак, ТҚФни амалга оширувчи органнинг ходими жиноятларнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш асосида, келгусидаги профилактик тадбирларни белгилаб олиши мумкин. Транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликининг олдини олишда тезкор ходим, суриштирувчи, терговчиларнинг иш юритуvida бўлган жиноят ишларининг мазмуни билан асосан, айблов далолатномалари, айблов хulosалари билан атрофлича танишиб, жиноятни содир этиш сабабини обдон ўрганиши, бунда жиноят содир этган шахс билан ИИВнинг меъёрий ҳужжатлари талаблари асосида сўров тезкор-қидирув тадбири (маҳсус сухбат) ўтказилади. Шунингдек, ушбу жиноятнинг содир этиш вақти (сутка, ҳафта кунлари ва йил ойлари бўйича), жойлари, усуслари, ҳолати, жабрланувчига етказилган зарар миқдорини таҳлил қилиб, жабрланувчининг жиноят содир этилишига имконият яратиб берган шароитларини, реал муаммоларни ўрганиб чиқади.

<sup>6</sup> Иванов П.И. Ведомственный контроль за оперативно-розыскной деятельностью как неотъемлемая часть государственного контроля (система и структура) // Вестник Уральского юридического института МВД России. 2021. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/vedomstvennyy-kontrol-za-operativno-rozysknouy-deyatelnostyu-kak-> neotemlema-chast-gosudarstvennogo-kontrolya-sistema-i-struktura (дата обращения: 21.01.2024).

<sup>7</sup> Хўжакулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида): Юрид. фан. бўйича фал. д-ри (PhD) дис. автореф. – Т., 2018. – Б.14.



**Кунлик таҳлил.**  
Транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликнинг олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган вазифаларни ҳар куни мунтазам равишда таҳлил қилиб бориши зарур. Бунда маъмурий ҳудуддаги транспорт (енгил, йўловчи ташувчи ва юк ва бошқ.) воситаларининг сони, жиноят содир бўлиши мумкин бўлган жойлар (жамоат жойи, уйлар, корхона, муассаса, бозор атрофидаги автотураргоҳ ва б.)ни рўйхатини аниқ шакллантириши, шунингдек, жиноят содир этишга майил бўлган турли тоифадаги шахслар (вояга етмаган, судланган, ишсиз ва б.) ҳақида маълумотларни ИИВнинг соҳавий хизматлари билан ҳамкорликда йиғиб бориши, жиноятнинг сабаб ва шароитини ўрганиши лозим. Ушбу функцияларни бажаришда тезкор ходим асосан маълумотлар тўплаш тезкор-қидириув тадбирларини амалга оширади. Маълумотлар тўплаш тезкор-қидириув тадбири қоидага кўра, марказий тадбир

**ТЕЗКОР  
ХОДИМ**  
мазкур жиноятни олдини олишда бир кун олдини амалга оширилиши керак бўлган тадбирни аниқ режалаштиради.  
Бунда, тадбирни мазмуни, ўтказиш жойи, ижроси юзасидан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади ва раҳбарига тақдим этади. Ижрочига ҳам бу ҳақида хабар, тегишли маълумот, материалларни тайёрлаб бериб, методик жиҳатдан ёрдам кўрсатиши лозим.

бўлганлиги боис, барча сайд-ҳаракатларни натижаси ушбу тадбирга хизмат қилади. ИИВ тегишли соҳавий хизматлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фуқародан олинган маълумотлар, маълумотлар тўплаш тезкор-қидириув тадбирини ташкил этиб, ошкора усулда, расмий сўровнома асосида ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Мазкур тезкор-қидириув тадбири доимий ўтказилмаса, таҳлил иши самара бермаслиги мумкин. Шу боис, тезкор ходим ИИВнинг тергов, ЙҲХБ, ҲПБ, туман ҳокимлигини тегишли бўлимлари, автосалонлар билан доимий равиша ҳамкорлик қилиш талаб этилиб, ҳудуднинг қайси жойларида видеокузатув мосламаларини ўрнатиш, қанча автотураргоҳлар қуриш ва транспорт воситаларига хавфсизлик мосламалари ўрнатилиши ҳамда бунинг учун тахминан сарфланадиган маблағ ҳақида аниқ таҳлилий маълумотнома тайёрлаб, ТҚФни амалга оширувчи орган раҳбарига тақдим этиши, шу асосда ҳудуд хавфсизлигини таъминлаш бўйича тегишли зарур чоралар кўрилиб, транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликни барвақт олдини олишга эришилади.

**Режалаштириш.** Тезкор ходим мазкур жиноятни олдини олишда бир кун олдини амалга оширилиши керак бўлган тадбирни аниқ режалаштиради. Бунда, тадбирни мазмуни, ўтказиш жойи, ижроси юзасидан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади ва раҳбарига тақдим этади. Ижрочига ҳам бу ҳақида хабар, тегишли маълумот, материалларни тайёрлаб бериб, методик жиҳатдан ёрдам кўрсатиши лозим. Масалан, транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликни олдини олиш юзасидан тарғибот ўтказишида шу мавзуси бўйича материаллар ва видеороликларни ижрочига (ҲПБ, ЙҲХБ, МГ ва б.) тайёрлаб бериб, якунида тадбир ўтказилганлиги ҳақида маълумотларни талаб қиласди.

Транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликнинг олдини олишда ахборот таҳлил ишини самарали ташкил этиш биринчидан, ушбу жиноятлар ким томонидан содир этилишга қараб тегишли таъсир чораларини кўришга; иккинчидан, кунлик таҳлил иши асосида ҳудуддаги реал криминоген вазият ҳақида ойлик таҳлилий маълумотномалар шаклланиши; учинчидан, тезкор ходимларни билан ИИВнинг соҳавий хизматлари ва бошқа ҲМҚО ходими, жисмоний ва юридик шахслар билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказилишига, тезкор ходимнинг келгусидаги фаолиятини прогноз қилишга ёрдам беради.



**3. ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ.**  
Транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликнинг олдини олишда ИИОлари тезкор бўлинмалари ИИВ соҳавий хизматлари ва бошқа ҲМҚОлари билан умумий, маҳсус, якка, виктимологик профилактик тадбирларни ўтказиши мақсадга мувофиқдир.

*Умумий профилактик тадбир.* Тезкор ходим ва ҳудудий профилактика инспекторлари, ППХ ва ЖТСБ, Миллий гвардия органлари ходимлари билан ҳамкорликда маъмурий ҳудудда тарғибот ишларини ўтказилиши транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликни олдини олишда қуидаги мазмунда тушунтириш ишларини амалга оширилиши зарур: 1) транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликдан жабрланмаслиги учун автомашинани қаровсиз қолдирмаслик; 2) жисмоний ва юридик шахслар транспорт воситасига ҳимоя воситаларини ўрнатиши масалан, сигнализация, видеорегистратор, камера, электрон иммобилизатор, салондаги ички ҳаракатни назорат қилувчи даччик каби қурилмаларни ўрнатиш; 3) тарғибот жараёнида жисмоний ва юридик шахслар маъмурий ҳудудда транспорт воситасидан ўғирликни содир этишга мойил бўлган шахсларни кўрганида дарҳол ҳудудий тезкор ходимга хабар беришини тушунтириш ва ташриф қофозини тарғибот жараёнида тарқатиш; 4) транспорт воситасидан содир этилиши мумкин бўлган ўғирликни олдини олишда фаол ёрдам берган фуқаролар моддий жиҳатдан пул мукофоти, қимматбаҳо совға билан рағбатлантирилишини тушунтириш; 5) транспорт воситасидан ўғирликнинг олдини олишда судлар билан ҳамкорликда сайёр суд муҳокамаларини амалга ошириш; 6) транспорт воситасидан ўғирликлар содир этилиши мумкин бўлган жойларни видеокузатув мосламалари билан жиҳозлаш бўйича шу ерда якка тартибдаги тадбиркорлик билан ёки юридик шахс сифатида фаолият кўрсатувчи фирмалар, корхоналарга ёки маҳаллий ҳокимият органига билдиришномаларни юбориш; 7) транспорт воситасидан ўғирлик кўп содир этилиши кузатилган ҳудудларда ИИОнинг профилактика, патрул-пост ва жамоат тартибини сақлаш хизматлари, Миллий гвардия орган ходимлари, кўнгилли фуқаролалар билан ҳамкорликда мақсадли патруллик хизматини ташкил этиш; 8) транспорт воситасидан ўғирликдан келгусида жабрланувчи бўлиб қолмаслик учун фуқароларнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда зарур чора-тадбирларни белгилаш лозим. Мисол учун,

маъмурий ҳудуддаги ўрта, ўрта-маҳсус ва олий таълим муассасалари, маҳалла ҳуқуқ тартибот масканинг ҳудудида истиқомат қилувчи шахслар иштирокида масофали онлайн йиғилишларни ташкил этиш. Бундан ташқари, ИИОлари тезкор ходими аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтиришда ТҚФни идоравий назорат қилувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган режа жадвали асосида қуидаги тадбирни: ҳудудидаги хусусий, давлат таълим муассасаларида ҳафтада бир марта ўтказиладиган маърифий тадбирларда ҳудудий профилактика инспекторлари билан транспорт воситасидан ўғирликнинг салбий оқибатлари ҳақида 15-20 дақиқа семинар тренинг машғулотини ўтказиш; корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ва аҳоли гавжум жойларда ҳафтада бир маротаба транспорт воситасидан ўғирликнинг салбий оқибати ҳақида 15-20 дақиқа маъруза машғулотларини ташкил этиш; бундай маънавий тадбирларни аҳоли эътиборига етказишнинг таъсиричанлигини янада ошириш мақсадида амалга оширилган тарғибот ва тушунтиришларни оммавий ахборот воситалари орқали турли усуlda кенг ёритиш; транспорт воситаси бор жисмоний ва юридик шахсларни рўйхатини уяли (мобиљ) алоқа компанияларига юбориб, ушбу юридик шахслар билан ҳамкорликда "Хурматли жисмоний ва юридик шахслар! Транспорт воситалари ва унинг эҳтиёт қисмларини, салони, кўшимча юкхонасидағи мол-мулкингизни ҳимоя қилинг. Бунинг учун автомашинани сақлаш ва ундан фойдаланишда зарур хавфсизлик чорасига амал қилинг, транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликнинг жабрланувчисига айланиб қолманг. Огоҳ бўлинг" мазмунидаги SMS хабари(қисқа мактублар)ни жисмоний ва юридик шахсларнинг мобиљ телефон рақамларига ойига уч маротаба юборилишини таъминлаш, ушбу хизмат кўрсатиш харажатини хабар юборилган шахс хавфсизлиги таъминлаганлиги боис, унинг



телефон рақами ҳисобидан ундириб олиш тартибини қонунчиликда белгилаш; тезкор ходимлар ва профилатика инспекторлари томонидан "Хурматли жисмоний ва юридик шахслар! Транспорт воситасига замонавий, юқори сезиш тизимидан иборат бўлган сенсорли сигнализация, электрон иммобилайзер, салонидаги ҳаракатни назорат қилувчи датчиклар, автомашинанинг рулига, педалига механик қулфлар ҳамда видеорегистратор ўрнатинг, балонини қўшимча болт билан мустаҳкамланг. Ушбу қурилмани ўрнатиш учун расмий устаханаларда фаолият кўрсатувчи мутахассисларга мурожаат қилинг. Ҳар доим автомашинангизни гараж ва хавфсиз автотургоҳларда сақланг. Унутманг, автомашинангиз учун ишлатилган сарф ҳаражатлар, Сизни ва мулкингизни хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилиб, келгусида Сизга моддий, маънавий ҳамда жисмоний зарар етказилишини олдини олади. Транспорт воситасини қаровсиз қолдирманг, эшик ва ойналарини очик ҳолда ташлаб кетманг. Маълум вақт бегона шахсга ишониб топширманг. Йўловчи ва юқ ташиш билан шуғулланганда хушёрликни оширинг. Огоҳ бўлинг!" мазмунидаги ўзбек, рус ва инглиз тилларида буклетларни тайёрлаш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга тарқатилиши, транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликни барвақт олдини олишга ижобий самара беради.

*Махсус профилактик тадбир.* Маълумки, профилактик тадбирлар ошкора ва ноошкора ўтказилишига кўра: тезкор-профилактик тадбирлар; маҳсус профилактик тадбирларга; профилактик таъсир кўрсатиш обьектлари доирасига кўра: умумижтимоий ва индивидуал профилактик тадбирларга таснифланади<sup>8</sup>. Транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликни олдини олишда маҳсус ва индивидуал

профилактик тадбирлар ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу тадбирларни амалга оширишда тезкор ходим ЖИЭМнинг тезкор ходимлари ва пробация инспекторлари билан яқин ҳамкорликда транспорт воситасидан ўғирликни содир этганлиги учун қўйидаги: жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазони маҳкумлар; транспорт воситасидан ўғирликни икки ёки ундан ортиқ маротаба содир этгани учун суд томонидан "ўта хавфли рецидивист" деб топилган шахслар билан сўров (маҳсус сухбат) тезкор-қидирив тадбирини ўтказиш лозим. Сўров тезкор-қидирив тадбирини амалга оширишда ИИВнинг маҳсус меъёрий ҳужжатлари талаблари асосида транспорт воситасидан ўғирликни содир этишга мойил бўлган шахслар билан маҳсус сухбат ўтказилиб, мақсад ушбу шахсларни келгусида жиноят содир этиш фикридан тўлиқ қайтаришдан иборат бўлиши керак. Мазкур тоифадаги шахсларни тезкор ходим тезкор-қидирив фаолиятининг маҳсус усувлари орқали текшириши ва назорат қилиши ҳам мумкин.

*Якка тартибдаги профилактик тадбир.* Транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликни содир этишга мойил бўлган шахсга нисбатан якка тартибдаги профилактик ишни амалга оширишда улар билан маҳсус сухбат ўтказилади. Тезкор ходимда шаклланган рўйхат асосида сухбат профилактика инспектори ва ҳудудий меҳнат органлари билан ҳамкорликда амалга оширилиб, ушбу шахсларни ишга жойлаштириш чоралари қўрилади. Тезкор ходим транспорт воситасидан ўғирликни содир этишга мойил тезкор аҳамиятга эга шахс билан ошкора, ноошкора усувларда сўров тезкор-қидирив тадбирини ўтказиши ҳам мумкин. Бунга: а) илгари жиноятини содир этиб судланган шахс (шахслар) билан якка тартибда маҳсус сухбат ўтказиш;

<sup>8</sup> Эшназаров М.Ж. Хукукбизарликлар маҳсус профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида): Юрид. фан. бўйича фал. д-ри (PhD) дис. автореф. – Т., 2022. – Б.15.





б) тезкор маълумотга асосида, жиноят содир этишга мойил бўлган вақтинча ишсиз шахс (шахслар) билан сухбат ўтказиш; в) вазиятдан келиб чиқиб тезкор ходимнинг топшириғига кўра ушбу шахс (шахслар) билан тезкор-қидирув фаолиятига кўмаклашувчи фуқаролар ошкора мақсади яширилган усуlda маҳсус сухбат ўтказиш; г) транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликни содир этишда гумон қилинаётган шахснинг гумон қилинаётган даврда ёки ундан кейинги вақтда яна тақорий ўғрилик содир этилишини аниқлашда тезкор кузатув тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш ижобий самара беради. Маҳсус сухбат давомида сўров қилинаётган шахснинг ўзига хос салбий, ижобий томонларини тавсифловчи маълумотлардан фойдаланиш лозим. Транспорт воситасидан ўғирликнинг якка тартибдаги профилактикаси жазони ўтаб бўлган шахсга нисбатан ҳам қўлланилиб, бу борада ИИОда илгари мулкий жиноятни содир этган шахслар ҳақидаги камида 10 йиллик (2013-2023 й.) электрон маълумотларни юритилиши зурар ва бу амалиёт жиноятнинг олдини олишга ва "исик изи"да фош этилишига ёрдам беради.

*Виктимологик профилактик тадбир.* Назария ва амалиётдан маълумки, жабрланувчи объектив ва субъектив омиллар таъсирида<sup>9</sup> турли кўринишдаги жиноятлардан жабрланиб қолади. Бунинг олдини олишда унинг виктимлик даражасини камайтириш, жабрланувчи бўлиб қолиша мойиллиги ва унга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида<sup>10</sup> виктимологик тадбир ўтказилиши зарурдир. Транспорт воситасидан содир этилган ўғирликдан ҳақиқатда жабрланган ёки жабрланиши мумкин бўлган жисмоний ва юридик шахслар билан виктимологик тадбир ўтказилади. Бунда тезкор ходимни реал рўйхати асосида маҳалла ҳудудида транспорт воситаси бор жисмоний ва юридик шахсларга ҳозирги ҳолатда транспорт воситасини хавфсизлиги етарли даражада таъминланмаганлиги, буни бартараф этишида транспорт воситасига ҳимоя қурилмаси(сигнализация, иммобилайзер, датчик, механик қулф, видеорегистратор, балонни маҳсус болт билан мустаҳкамлаш) ўрнатилиши учун устаханага мурожаат қилиш, транспорт воситасини гараж ва автотургоҳда сақлаш кераклиги ҳақида ўзини-ўзи бошқариш органлари ходими ҳудудий профилактика инспектори ва унинг жамоат хавфсизлигини таъминлашга масъул бўлган ёрдамчилари ҳамкорлигига маҳалла ҳудудида уйма-уй юриб ва жамоат жойларида тушунтириш ишларини олиб борилиши, мазкур турдаги жиноятнинг виктимологик профилактиласини таъминлайди.

Транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликнинг олдини олишда биринчидан, ИИОлари тезкор бўлинмалари ташкилий фаолиятини яхшилаш ТҚФни амалга оширувчи раҳбарларга бевосита боғлиқ бўлиб, бунинг учун тезкор ходимларга функционал вазифасини бажариши учун шароит яратиб бериши, профилатик тадбирлар ўтказилишини назорат қилиш талаб этилади; иккинчидан, раҳбар ва тезкор ходим функционал вазифасини қандай усуlda бажаришлари билан боғлиқ. ТҚФни амалга оширувчи раҳбар(ИИО раҳбари, унинг биринчи ўринбосари, ЖҚБ раҳбари)нинг қўл остидаги ходимларига ахборот таҳлил ишлари ва профилактик тадбирларни ўтказиш бўйича аниқ топшириқ бериб, ушбу тадбирларни қандай даражада, савияда ўтказилишини бевосита текшириши мумкин ёки фақатгина якуни бўйича амалга оширилган профилактик тадбир ҳақида тегишли ҳужжатларни қабул қилиши, шунингдек тезкор ходим, профилактик тадбирларни бевосита ташкиллаштириши, ушбу тадбирларни ошкора ва ноошкора усуллардан фойдаланган ҳолда ИИВнинг соҳавий хизматлари, бошқа давлат органлари ҳамда ТҚФга кўмаклашувчи фуқароларни жалб этиш кабиларни мисол келтиришимиз мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз жоизки, ИИО тезкор бўлинмалари ходимлари томонидан транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликни барвақт олдини олишда идоравий назоратни ташкил этиш, ахборот таҳлил ишлари ҳамда профилактик тадбирларнинг ўтказилиши, мазкур жиноятнинг кескин камайиб кетишига, қолаверса фуқароларнинг мулкка эгалик қилиш ва ундан эркин фойдаланиш ҳуқуқлари таъминланишига имконият яратади.

<sup>9</sup> Сайтулов К.А. Ички ишлар органларининг ҳукукбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш: Юрид. фан. бўйича фал. д-ри (PhD) дис. автореф. – Т., 2020. – Б.20.

<sup>10</sup> Ниёзова С.С. Шахсга карши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикаси: Юрид. фан. д-ри (DSc) дис. ... автореф. – Т., 2020. – Б.23.





## Дикқат! Эътиборингиз ва салоҳиятингизни синааб кўринг!



Омбор мудири ишга келганида ходим унинг эшигини тақиллатди. Ва у омборхоналардан бирида бомба борлигини, тушдан кейин соат иккиларда бомба портлаши ҳақида туш кўрганини гапириб берди. Бошлиғи бу воқеага шубҳа билан қаради, аммо омборни текширишга рози бўлди. Текширув давомида, бомба айнан ходим айтиётган жойдан топилди. Полиция чақирилди, бомба заарсизлантирилди, фожианинг олди олинди. Бироқ, бошлиқ дарҳол ходимга миннатдорчилик билдириб, уни ишдан бўшатди. Ишдан бўшатилган ходим бомба қўймаган ва унинг уйқудаги туши фожианинг олдини олган эди.

Бошлиқ ходимни ишдан бўшатиб тўғри қилганми?

Жавоби келгуси сонда

Ответ в следующем выпуске


Когда начальник склада приехал на работу, к нему в кабинет постучался служащий. Он объяснил, будто минувшей ночью видел сон о том, что в одном из помещений склада находится бомба, которая взорвется в два часа дня. Начальник отнесся к этому рассказу скептически, но согласился осмотреть склад. Во время осмотра бомба была найдена именно в том месте, о котором говорил служащий. Вызвали полицию, бомбу обезвредили, предотвратили трагедию. Однако, начальник поблагодарив служащего тут же и уволил его. Уволенный не подкладывал бомбу, а его сон предотвратил трагедию...

За что начальник уволил работника?

Ўтган сонда берилган топишмоқнинг жавоби:

**Жавоб:** Йигит айтилган рақамни иккига бўлиш керак деб ўйлади ва бу тўғри жавоб бўлиши мумкинлигини тахмин қилди. Бироқ аслида тўғри жавобни айтиш учун кўриқчи томонидан айтилган сондаги ҳарфлар сонини айтиши керак эди. Шундай қилиб, «ён икки» сўзида айнан «6» ҳарф ва «йигирма икки» сўзларида «11» ҳарфлар мавжуд. Қоровул «юз» деганидан сўнг, йигит «икки» деб жавоб бериши керак эди.

**Ответ:** Молодой человек подумал, что нужно делить число на два и это будет правильным ответом, но на самом деле нужно было назвать количество букв в произнесённых в словах. Так в словах «двадцать шесть» ровно «13» букв, а в словах «двадцать два» «11» букв. После того, как охранник произнёс «сто» молодой человек должен был ответить «три».





**Зоҳид БЕРДИЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги  
Маънавий-мътирифий  
ишлар ва Кадрлар билан  
таъминлаш департаменти,  
Кадрлар билан таъминлаш  
хизмати, мурожсаатларни  
кўриб чиқиши бўлими мухим  
топшириқлар бўйича  
инспектори

**Zahid BERDIEV,**  
*Inspector of important  
assignments of the Ministry of  
Internal Affairs of the Republic  
of Uzbekistan, Department  
of Spiritual and Educational  
Affairs and Personnel,  
Personnel Service, Application  
Review Department*

## ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ БУЗИШ ЖИНОЯТИ ТАРКИБИНИНГ МАЪМУРИЙ

# ҚУҚУҚБУЗАРЛИКДАН ФАРҚЛАШ

DISTINGUISHING THE CORPUS  
DELICTI OF VIOLATION OF  
LEGISLATION ON APPEALS  
OF INDIVIDUALS AND  
LEGAL ENTITIES FROM AN  
ADMINISTRATIVE OFFENSE

### АННОТАЦИЯ.

Мақолада жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчилигини бузиш жинояти таркибининг ва шу турдаги маъмурний ҳуқуқбузарлик ўртасидаги фарқ таҳлил қилинган.

Шундан келиб чиқиб, амалдаги жиноят қонунчилигига жиддий зиён етказиш тушунчасини ушбу жиноятнинг мажбурий белгиси сифатида киритиш зарурлиги юзасидан таклифлар шакллантирилган. Бу эса, ўз навбатида юқорида келтирилган ҳаракатларни фарқлаш мезони сифатида қонунчиликда ва амалиётда қўллаш имконини яратади.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** ички ишлар органлари, видеомурожаат, жисмоний шахс, ариза, шикоят, мурожаат.

### ANNOTATION.

The article analyzes the distinction between a violation of the law on appeals from individuals and legal entities and an administrative offense. Based on this, proposals will be formed on the need to include in the current criminal legislation the concept of significant harm as a mandatory feature of this crime, which acts as a criterion for distinguishing these phenomena.

**KEY WORDS:** internal affairs bodies, video appeal, individual, application, complaint, appeal.



**Х**уқуқий демократик давлат қуриш даврида қонун устуворлиги ва тартиб-интизомни таъминлашнинг асосий омилларидан бири жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонуний ва адолатли ҳал этиш туради. Зоро Мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев айтганларидек «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун».

Давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг жавобгарлиги масаласи жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг лозим даражада кўриб чиқилишини таъминлаш механизмидаги энг муҳим масала ҳисобланади. Жавобгарлик – бу ижтимоий муносабатлар тартиботининг мажбурий намоён бўлиши тариқасида объектив мавжуд бўладиган ҳодиса бўлиб, у ижтимоий мулоқот субъектлари хатти-ҳаракатлари (муомаласи) мувофиқлигининг объектив заруратини акс эттиради. Дарҳақиқат, мурожаатни ўрнатилган тартибига мувофиқ холисона кўриб чиқиш давлат ва жамият ҳамкорлигига катта таъсир кўрсатиши мумкин, шу сабабли ҳам у ўз муаммоларининг ҳал этилишидан умидвор бўлиб мурожаат қилган шахсларнинг манфаатларини кўзлаб амалга оширилиши лозим. Юридик жавобгарлик эса, давлат органлари ишларидаги профес-


сионализмнинг лозим даражасини сақлаб туришни таъминлайди ҳамда давлат томонидан кўрсатилган масалага нисбатан жиддий эътибор билан қаралишини кафолатлади.

Ҳокимиятнинг барча даражаларида мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби соҳасидаги аксарият ҳуқуқбузарликлар (тадбиркорлик субъектларининг ривожланишига халақит берадиган тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, қонунчиликка зид келадиган идоравий қарорларни бекор қилиш, ишга жойлашиш, соғлиқни сақлаш, банк кредитларидан эркин фойдаланиш, уйжой-коммунал ва йўл-транспорт хизматлари сифатини яхшилаш масалалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг фаолияти бўйича) юридик жавобгарликнинг самарали чораларини қўллашни тақозо этади. Бундай ҳуқуқбузарликлар давлат ҳокимияти



вакилларига нисбатан ишончнинг камайишига, аҳолининг кўз олдида нафақат алоҳида мансабдор шахслар, балки бутун давлатнинг обрўсизланишига олиб келади.

Юридик адабиётларда жавобгарлик масаласига катта эътибор қаратилган. “Юридик жавобгарлик – бу ҳуқукий нормалар талаблари га нисбатан уларга онгли равишда риоя қилиш ва бажаришни тақозо этадиган муносабат, бузилганда эса – шахснинг муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги салбий оқибатларга дучор бўлиш зарурати”, деган фикр умум эътироф этилган нуқтai назарга айланган. Бу “миллий қонунчилик” да давлат томонидан назарда тутилган ҳамда у тан олган халқаро ҳуқуқ нормаларидаги қонуний ваколатлар доирасидан четга чиқиши, ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаслик ёки жабрланган шахслар ҳуқуқларини тиклаш, уларга етказилган зарарни қоплаш ҳамда айбордor давлат органлари ва мансабдор шахсларга жазонинг муқаррарлигини таъминловчи умуман давлат, унинг ҳар қандай органи ва мансабдор шахслари томонидан тақиқларнинг бузилганлиги учун самарали давлат институтларининг санкцияларини амалга оширишдир”. Шунинг учун бундай жавобгарлик доирасида амалга ошириладиган давлат фаолиятигина давлат ҳокимияти органлари томонидан жисмоний ва юридик



шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳар қандай бузилишини реал ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Қонуний манфаатларнинг бузилганлиги учун жавобгарликнинг асосий принципи бўлиб у ҳуқуқбузарнинг қонуний манфаатларини ёки бирор-бир ҳуқуқни амалга оширишни жабрланувчи шахсга етказилган зарар ёки ноқулайликдан ортиқ даражада чекламаслиги ҳисобланади. Жавобгарликнинг асосий белгиси бўлиб эса, унинг манфаатдор субъектга қонун билан қўриқланадиган манфаатни амалга ошириш (бу биринчи навбатда уступорлик ҳисобланади) ва қонуний манфаатни бузувчини жазолаш (бу эса иккинчи даражали хусусиятга эга бўлган жавобгарликнинг ретроспектив жиҳати) имконини бериши ҳисобланади.

Юқорида баён қилинган фикрлар мазмунидан келиб чиқиб, қонуний манфаатларни бузганлик учун юридик жавобгарлик мавжуд бўлишининг қўйидаги асосий мақсадларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

– субъектнинг қонуний манфаатларини амалга ошириш, ҳуқукий муносабатларнинг турли иштирокчилари айби билан қонунга мувофиқ ва қонун билан тақиқланмаган интишларни амалга ошириш йўлида юзага келадиган тўсиқларни бартараф этишга кўмаклашиш.

– ўзгаларнинг манфаатларини бузувчи шахсга давлат мажбурови ва муайян муносабатларда иштирок этишга тегишли давлат органларининг ваколати билан таъсир кўрсатиш. Ушбу



Қонуний манфаатларни бузганлик учун жавобгарлик кўриб чиқилаётган тоифа тўгерисида айнан ҳуқукий тизимда вужудга келган тўлақонли институт нуқтai назаридан ёндашии имконини беради.



**Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг айрим таркиблари маъмурий қонунчиликда назарда тутилмай қолган. Масалан, кодексда ўрнатилган тартибда мурожаат берганлиги ёхуд унда танқид мавжудлиги учун мурожаат берувчилар ва уларнинг оила аъзоларини таъқиб қилиш, шахсий қабул қилиши жадвалини қасддан бузиш, мурожаатни кўриб чиқишни ҳаракатлари устидан шикоят қилинаётган шахсга юбориш, мурожаатни қонунчиликда назарда тутилмаган асослар бўйича кўриб чиқмасдан қолдириш каби ҳуқуқбузарликлар таркиби мустаҳкамланмасин.**



таъсир кўрсатиш ҳуқуқ бузувчига нисбатан содир этилган қилмиш учун салбий оқибатларга дучор бўлиш мажбурияти тариқасида татбиқ этилади.

Бу қуидагиларга имкон беради: а) бузилган ҳуқуқни ҳамда мавжуд ижтимоий алоқалар ва муносабатлар мувозанатини қайта тикиш; б) айборд шахсга нисбатан жавобгарликнинг жазоловчи кучини амалга ошириш, бу ҳар қандай турдаги жавобгарликка, жумладан, қонуний манфаатларни бузганлик учун жавобгарликка ҳам тааллуклидир.

Шундай қилиб, қонуний манфаатларни бузганлик учун жавобгарлик кўриб чиқилаётган тоифа тўғрисида айнан ҳуқуқий тизимда вужудга келган тўлақонли институт нуқтаи назаридан ёндашиб имконини беради.

Давлатнинг шахс олдиаги жавобгарлиги, маъсъуллиги принципи Узбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида ўз аксини топган бўлиб, соҳавий қонунчиликда ривожлантирилади ва янада аниқлаштирилади: "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиласи. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар". Масалан, Узбекистонда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш тизими амал қиласи, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарарни қоплаш тўғрисида моддий-ҳуқуқий нормалар қабул қилинган ва амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунининг 38-моддасида тўғридан-тўғри айтиладики, мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, худди шунингдек туҳмат ва ҳақоратдан иборат мурожаат берганлик, белгиланган тартибдаги жавобгарликка сабаб бўлади. Кўрсатилган ҳуқуқлар-

ни бузганлик учун аниқ санкциялар эса маъмурий ва жиноят қонунчилигига белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 43-моддаси (Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик) шуни назарда тутадики, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик – мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади".

Қўриниб турибдики, ушбу норма жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузувчи қилмишлар учун маъмурий жавобгарликка сабаб бўлувчи ҳуқуқбузарликларнинг бешта таркибини санаб ўтади ва ушбу рўйхат тугал ҳисобланади, чунки ушбу модданинг матнида кўрсатилган моддани кенг шарҳлаш учун асос мавжуд эмас. Шунга қарамасдан, бизнинг фикримизча, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг айрим таркиблари маъмурий қонунчиликда

**МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ  
КОДЕКСИНинг**

43-моддаси ҳамда Жиноят кодексининг 144-моддаси диспозициялари деярли бир хил бўлиб, фақат биргина фарқи шундаки жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларига, эркинликларига ёки қонун билан кўрилганадиган манфаатларига ёхуд жамият ва давлат манфаатларига жиддий зиён етказилишига сабаб бўлсагина жиной жавобгарликни келтириб чиқаради. Бошқа барча ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланади.

назарда тутилмай қолган. Масалан, кодексда ўрнатилган тартибда мурожаат берганлиги ёхуд унда таъқид мавжудлиги учун мурожаат берувчилар ва уларнинг оила аъзоларини таъқиб қилиш, шахсий қабул қилиш жадвалини қасдан бузиш, мурожаатни кўриб чиқишни ҳаракатлари устидан шикоят қилинаётган шахсга юбориш, мурожаатни қонунчиликда назарда тутилмаган асослар бўйича кўриб чиқмасдан қолдириш каби ҳуқуқбузарликлар таркиби мустаҳкамланмаган.

Албатта, айтиш мумкинки, Кодекснинг бошқа моддалари жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг аралаш таркиби учун жавобгарликни мустаҳкамланган.

Уларга қўйидагиларни киритиш мумкин: 40-модда (туҳмат), 41-модда (ҳақорат қилиш), 42-модда (давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш), 44-модда (фуқарога унинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини беришни асоссиз равища рад этиш), 46-модда (), 46<sup>1</sup>-модда (шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш) ва бошқалар. Кўрсатилган нормалар мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида уларнинг бузилиши аниқланганда қўлланилиши мумкин. Бироқ, эътироф этиш жоизки, улар юридик амалиётда учраши мумкин бўлган мурожаат этувчи шахсларнинг барча бузилган ҳуқуқларини қамраб ололмайди.

**Н**

қорида баён қилинганларга боғлиқ равища биз Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 43-моддаси диспозициясини қўйидаги таҳрирда баён этишини таклиф қиласиз: "жисмоний ва юридик шахсларни, уларнинг вакиллари мурожаатларини, қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равища рад этиш, шахсий қабул қилиш жадвалини қасдан бузиш, мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, мурожаатни кўриб чиқишни ҳаракатлари устидан шикоят қилинаётган шахсга юбориш, мурожаатни қонунчиликда назарда тутилмаган асослар бўйича кўриб чиқмасдан қолдириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик" кейин матн бўйича давом этади.



Ушбу Кодекснинг 15-моддаси нормасига мувофиқ, мурожаатлар соҳасидаги белгиланган қоидаларга риоя қиласлик билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун маъмурий жавобгарлик хизмат вазифасига тегишли мажбуриятларни бажаришини таъминлаш кирадиган шахс зиммасида бўлади. Шу билан бирга, кодексга асосан, “доимий, вақтинча ёки маҳсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс мансабдор шахс деб эътироф этилади”. Бироқ, мурожаатлар тўғрисидаги қонун ўз амал қилишини фақат давлат органлariга татбиқ этишидан келиб чиқиб, куриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликларнинг субъекти фақат давлат органларининг мансабдор шахслари бўлиши мумкин.

Маъмурий жавобгарлик билан бирга қонунчилик муайян ҳолатларда жиноий жавобгарлик чораларини ҳам назарда тутади. Хусусан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 144-моддаси қоидаларига асосан “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликка зид қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик ёки мурожаат муносабати билан маълум бўлиб қолган жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ёхуд юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш, худди шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларига, эркинликларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд жамият ва давлат манфаатларига жиддий зиён етказилишига сабаб бўладиган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бозқача тарзда бузиш” учун жиноий санкциялар белгиланган.

Ушбу норманинг фаразлари (гипотезаси) таҳлили шуни кўрсатадики, у Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 43-моддасидаги қилмешларни санаб ўтади, бироқ уларга яна иккитаси қўшилган бўлиб, улар қўйидагилар:

1) жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ёхуд юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш;

2) жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларига, эркинликларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд жамият ва давлат манфаатларига жиддий зиён етказилишига сабаб бўладиган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бозқача тарзда бузиш. Бу ерда қонун чиқарувчи орган ноқонуний қилмешларнинг очиқ рўйхати йўлидан борган.



# 3

ътиборли жихати  
шундаки Маъмурий  
жавобгарлик  
тўғрисидаги кодексининг  
43-моддаси ҳамда  
Жиноят кодексининг  
144-моддаси  
диспозициялари  
деярли бир хил бўлиб,  
фақат биргина фарқи  
шундаки жисмоний ва  
юридик шахсларнинг  
мурожаатлари  
тўғрисидаги қонун  
ҳужжатларини  
бузиш жисмоний ва  
юридик шахсларнинг  
ҳуқуқларига,  
эркинликларига  
ёки қонун билан  
қўриқланадиган  
манфаатларига ёхуд  
жамият ва давлат  
манфаатларига жиддий  
зиён етказилишига  
сабаб бўлсагина жиноий  
жавобгарликни келтириб  
чиқаради. Бошқа барча  
ҳолларда маъмурий  
ҳуқуқбузарлик сифатида  
баҳоланади.



Жиноят кодексининг саккизинч бўлими-даги атамаларнинг ҳуқуқий маънолари га эътибор қаратадиган бўлсак бу ерда “жиддий зиён” тушунчаси келтирилмаган. Шунингдек “жиддий зиён” тушунчасига бирон бир норматив ҳуқуқий хужжатда аниқ бир таъриф берилмаган. Бироқ биргина Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998-йил 17 апрелдаги “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги 11-сонли Қарорининг 27-бандида “... Фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қуриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зиён етказиш моддий зарар тарзида ҳам, бой берилган фойда тарзида ҳам, шунингдек, турли хил манфаатларга бошқача зарар етказишда, ҳокимият органларининг обрўсига путур етказишда, оғир жиноятларни яширишда ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкин” лиги кўрсатилган.

“Жиддий зиён” баҳоланадиган тушунча бўлиб, уни расмий жиҳатдан фақат миқдорий кўрсаткичларда ифодалаш мумкин эмас ва у бир томонлама моддий зиёндан иборат деб қараш ҳам нотўғри. Чунки жиддий зиённи аниқлашнинг қўйидаги турларини ажратиш, яъни уни ўз хусусиятига кўра икки турга ажратиш мумкин.

1) Моддий;

2) Маънавий (моддий бўлмаган)

Моддий хусусиятга эга бўлган жиддий зиён ҳам ўз тузилишига кўра иккига бўлинади:

- мулкий (аниқ келтирилган зиён ва бой берилган фойда);

- жисмоний (жисмоний зиён – хеч бўлмаганда битта жабрланувчининг баданига енгил ёки ўртacha оғирликдаги шикаст етказилганлиги, ўлимнинг келиб чиқиши ва бошқалар).

Маънавий (моддий бўлмаган) зиён деганда, фуқароларнинг Конституцияда белгиланган асосий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишини, фуқаролар хаётида салбий ўзгаришлар келиб чиқиши ва бошқаларни тушуниш лозим. Жумладан, оила аъзосининг бирон бир вакили вафот этиши, оиласинг бузилиши, руҳий касалликка чалиниш ва ҳаказолар.

Ушбу “жиддий зиён” тушунчасига Олий Суд Пленум қарорида берилган қисқача таъриф назаримизда етарли эмас, ҳамда ушбу тушунчани амалиётда қўллашда инсон омили, тасирини қўришимиз мумкин. Яъни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳамда суд ҳокимиётининг мансабдор шахслари “жиддий зиён” деб баҳолашда ўзларининг ички ишончига таянган ҳолда иш кўрмоқдалар. Бу ҳолат эса коррупциявий ҳолатни келтириб чиқаришга олиб келади. Шунинг учун биз Жиноят ко-





декси 144-моддасининг биринчи қисмида келтирилган аниқ таърифни қайта кўриб чиқиб, ушбу нормани декриминализация қилиш мақсадида "жиддий зиён" сўзини чиқариб ташлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Яъни 144-модданинг биринчи қисмида кўрсатилган қилмисларни маъмурий жазо чораси қўлланилгандан сўнг бир йил мобайнида такрор содир этиш аломатини квалификация қилиувчи белги сифатида қўшишни таклиф қиласиз. Бундай ёндашув юридик амалиётда синовдан ўтган ва ушбу жиноятни квалификация қилишда мураккабликни келтириб чиқармайди, демакки – қонунни қўллаш самарадорлигини оширади.

Шунга мувофиқ, биз Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 43-моддаси ва Жиноят кодекси 144-моддасининг биринчи қисмида келтирилган ғайрихуқуқий қилмислар рўйхатини бирхиллаштиришни, шу билан бирга, Жиноят кодекси 144-моддасининг биринчи қисмида таъкидланганларни ҳисобга олган ҳолда, "кўриб чиқмасдан қолдириш" сўзидан кейин қуйидаги сўзларни киритишни таклиф қиласиз: "шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса" кейин матн давом этади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби талабарини бузганлик

учун интизомий жавобгарлик чоралари қўлланилиши мумкинлиги ҳам белгилаб қўйилган. Давлат хизматчиларига нисбатан интизомий жазо чораларини белгилashi лозим бўлган давлат хизмати тўғрисидаги қонун қабул қилинмаган шароитларда меҳнат қонунчилигининг тегишли нормалари қўлланилади. Давлат органларининг мансабдор шахсларига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг амал қилиши татбиқ этилади. Кодекснинг 176-моддасига мувофиқ, давлат органининг ходими ўз меҳнат мажбуриятларини вижданан бажариши, иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида ва аниқ ижро этиши шарт. Ходимнинг меҳнат мажбуриятлари ички тартиб-қоидаларда, интизом тўғрисидаги уставлар ва низомларда, ташкилотда қабул қилинадиган маҳаллий ҳужжатларда (жамоа шартномаларида, йўриқномалар ва ш.к.), меҳнат шартномасида аниқлаштирилади. Шунинг учун, биз кодекснинг 181-моддасига мувофиқ давлат органи раҳбарининг, ходимга нисбатан қуидидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли эканлигини мантиқий деб ҳисоблаймиз: 1) танбеҳ; 2) ўртacha ойлик маошининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдордаги жарима; 3) меҳнат шартномасини тугатиш.

ИИОнинг барча ходимлари уҳоҳ раҳбар бўладими ёки қуйи тизимда ишловчи оддий сафдорми



Маънавий  
(моддий  
бўлмаган)  
зиён деганда,  
фуқароларнинг  
Конституцияда  
белгиланган  
асосий ҳуқуқ ва  
эркинликлари  
бузилишини,  
фуқаролар  
хаётида салбий  
ўзгаришлар  
келиб чиқиши  
ва бошқаларни  
тушуниш лозим.  
Жумладан, оила  
аъзосининг бирон  
бир вакили вафот  
етиши, оиланинг  
бузилиши, руҳий  
касалликка  
чалиниш ва  
ҳаказолар.



барча ИИО ходимлари жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлайди десак тўғри бўлади. ИИОнинг мурожаатларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслари ўз вақтида мурожаатларни кўриб чиқмаса, кўриб чиқишни асоссиз рад этган бўлса, мурожаатчига жавоб юбормаган бўлса ва бошқа ҳолларда жавобгарликка тортилади.

Бироқ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 16-моддасида "Ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, шунингдек ИИОнинг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик учун интизом уставларига мувофиқ жавобгар бўладилар. Мазкур шахслар йўл ҳаракати қоидаларини, ов қилиш, балиқ тутиш ва балиқ захираларини сақлаш қоидаларини, божхона қоидаларини бузганикликлари учун умумий асосларда маъмурий жавобгар бўладилар. Юқорида кўрсатилган шахсларга нисбатан маъмурий қамоқча олиш чоралари қўлланилиши мумкин эмас. Муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчиларига жарима солиниши мумкин эмас" деб белгилаб қўйилган. Шунга кўра ИИО ходимлари жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган тақдирда интизомий жавобгарликка тортилиб келинмоқда.

Биргина мисол ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ва бошқа ҳолатлар юзасидан 2020 йилнинг 11 ойида жами 12 марта хизмат текширувлари ўтказилиб, хизмат интизоми бузиш ҳолатлари юзасидан 57 нафар ходимларга турли даражадаги таъсир чоралари қўлланилган. Шундан: 1 нафари "Эгаллаб турган лавозимидан озод этилди", 1 нафари "Жарима", 9 нафари "Ҳайфсан", 2 нафари "Қаттиқ

ҳайфсан", 6 нафари "Танбех" интизомий жазолари қўлланилиб, 14 нафарининг хатти-ҳаракатлари "Интизомий кенгаш"ларда кўриб чиқилди, 24 нафари эса қаттиқ огоҳлантирилган.

ИИО ходимлари интизомий жавобгарликка тортилганда уларнинг навбатдаги маҳсус унвонлари кечикирилиши, интизомий жазоси ечилмагунга қадар ҳар қандай моддий рағбатлантиришлар берилмаслиги "Ички ишлар органларида хизмат ўташ тўғрисидаги низом"да мустаҳкамлаб қўйилган. Интизомий жазо чорасини ечиш эса энг камида олти ой ёки бир йил муддатни талаб этади. Интизомий жазо қўлланилиши эса келгусида ходимларнинг ишчанлик фаолиятига, оиласининг моддий аҳволига, ходимнинг руҳиятига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан назаримизда ИИО ходимларини манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида уларни мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун моҳиятини мунтазам равишда етказиб бориш, профилактика инспекторларини малакали юридик маълумотга эга бўлган номзодлардан жамлаш мақсадга мувофиқ.

Профилактика инспекторларининг юридик маълумотга эга бўлган номзод ва ходимлардан жамланиши натижасида назаримизда энг аввало мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқилишини, жисмоний ва юридик шахсларни сансалор бўлишини олдини олишга, шунингдек худудларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллашибига эришилади.

Шу ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, қонунда нафақат давлат органларининг мансабдор шахсларига, балки мурожаат қилганларга – ғайриҳуқуқий хусусиятга эга мурожаатларни берганлиги учун жавобгарлик назарда тутилади. Масалан, тұхмат ва ҳақорат қилиш, давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг



**Жавобгарлик –  
бу ижтимоий  
муносабатлар  
тартиботининг  
мажбурий  
намоён бўлиши  
тартиқасида  
объектив мавжуд  
бўладиган ҳодиса  
бўлиб, у ижтимоий  
мулоқот  
субъектлари  
ҳатти-  
ҳаракатлари  
(муомаласи)  
мувофиқлигининг  
объектив  
заруратини  
акс эттиради.  
Дарҳақиқат,  
мурожаатни  
ўрнатилган  
тартибга  
мувофиқ ҳолисона  
кўриб чиқиш  
давлат ва жамият  
ҳамкорлигига  
кетма таъсир  
кўрсатиши  
мумкин, шу  
сабабли ҳам у ўз  
муаммоларининг  
ҳал этилишидан  
умидвор бўлиб  
мурожаат қилган  
шахсларнинг  
манбаатларини  
кўзлаб амалга  
оширилиши лозим.**



мансадбор шахсларини обрўсизлантириш мазмунидаги мурожаатларни бериш амалдаги қонунчилиқда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади. Шу билан бирга, била туриб нотўғри маълумотдан иборат мурожаат этишларни текшириш билан боғлиқ бўлган харажатлар суднинг қарорига кўра айбдордан ундирилиши мумкин.

Шундай қилиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш учун жавобгарлик мурожаат этиш конституциявий ҳуқуқи миллий ҳуқуқ тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади, ушбу муҳим субъектив ҳуқуқнинг тўлақонли амалга оширилишига ёрдам берадиган восита бўлиб хизмат қиласди. Шунингдек, бу соҳада юридик жавобгарлик институтининг амал қилиши давлат органлари томонидан бундай мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича фаолияти соҳасида қонунчиликка қатъий риоя этилишини кафолатлади.



## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Пайзиев Д.Ю. "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун талабларини бузгалик учун жиноий жавобгарлик" мақоласи. Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. (2015 йил 21 ноябр). – Т.: ИИВ Академияси, 2016.144-б
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантаришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъruzasидан.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрь "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 5-модда.
4. Маркунин Р. С. Юридическая ответственность депутатов и органов представительной власти: общетеоретический аспект: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Саратов, 2013. – С. 8.
5. Маркунин Р. С. Юридическая ответственность депутатов и органов представительной власти: общетеоретический аспект: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Саратов, 2013. – С. 8.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., № 1, 5-м.; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., №

- 3-4, 27-м.; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 й., №12/1, 343-м.; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., № 15, 152-м.; 2008 й., № 52, 510-м.; 2011 й., № 16, 159-м.; 2014 й., № 16, 176-м.
7. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 43-моддаси
8. Таъқидлаш жоизки, Жиноят кодекси 144-моддасининг иккинчи қисмida Жисмоний шахсни, унинг вакилини, уларнинг оила аъзоларини, юридик шахсни, унинг вакилини ва юридик шахс вакилининг оила аъзоларини улар давлат органига, давлат муассасасига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикри ва мурожаатидаги танқид учун, худди шунингдек бошқача шаклда танқид қилганлиги учун мансабдор шахс томонидан таъқиб этиш учун жавобгарлик мустаҳкамланган, бироқ бунгача бир йил мобайнида маъмурий жавобгарликка тортилганлик фактининг мавжуд бўлиши квалификация қилувчи аломат сифатида кўрсатилмаган.
9. Юсупов С.Б."Давлат органлари томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш (ташкилий-ҳуқуқий масалалар)": Моно-графия. 51-б – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2020
10. <https://lex.uz/docs/1443984>
11. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 16-моддаси. <https://lex.uz/docs/97664>
12. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари томонидан жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш борасида амалга оширилган ишлари тўғрисида полковник Б.Э. Бердиалиевнинг маъruzаси тезиси



# ХОДИСА СОДИР БУЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШДА

31



Ф.М. ЖҮРАЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
Академияси Жиноят-процессуал хукуқи  
кафедраси катта ўқитувчиси

F.M. JURAEV,  
Academy of the Republic of Uzbekistan  
Senior Lecturer of the Department of Criminal  
Procedure Law

## СКАНЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

## PROSPECTS OF USING 3D SCANNERS IN SCENE INVESTIGATION

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада  
ходиса содир бўлган жойни  
кўздан кечиришда замонавий  
технологиялар, хусусан 3Д  
сканерлаш технологияси ва улардан  
самарали фойдаланиш имкониятлари  
ёритилган. Шунингдек, ушбу мақолада  
3Д сканерлаш технологиясини ҳуқуқни  
муҳофаза қилиш органларининг жиноятларни  
фош этиш ва тергов қилиш фаолиятида қўллаш  
амалиётини жорий қилишга оид амалий тақлиф-  
тавсиялар ишлаб чиқилган.

**ТАЯНЧ СЎЗЛАР:** криминалистика, тергов ҳаракати, 3Д  
сканер, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, 3Д  
технология, 3Д модель, 3Д тасвир, ҳолатни қайта тиклаш,  
лазерли сканерлаш.

**ANNOTATION.** The article highlights modern technologies, in particular  
3D scanning technology, and the possibilities of their effective use in  
the examination of the scene of the accident. In addition, this article has  
developed practical recommendations for the implementation of the practice of  
using 3D scanning technology in the activities of law enforcement agencies in the  
detection and investigation of crimes.

**KEYWORDS:** forensics, forensics, 3D scanner, crime scene inspection, 3D technology, 3D  
model, 3D image, reconstruction, laser scanning.



**X**уқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалиёти шуни кўрсатади, амалдаги қонунчиликда назарда тутилган деярли барча жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ўтказилади. Аммо, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатининг барчаси ҳам сифатли ва самарали ўтказилмаётганлиги ачинарли ҳол. Бу борада 2020-2022 йиллар таҳлилига кўра, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш йилига ўртacha 43000 дан зиёд ўтказилганлигини, аммо уларнинг барчасида ҳам жиноят излари ва ашёвий далиллар аниқланмаганлигини кўришимиз мумкин.

Хусусан, 2020 йилда ўтказилган 37965 та ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг 31778 таси (83,7 %), 2021 йилда ўтказилган 52231 та ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг 42942 таси (82,3 %) ва 2022 йилда ўтказилган 51255 та ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг 43015 тасида (83,9 %) ашёвий далиллар аниқланиб олинган холос [1]. Терговга қадар текширув ва тергов амалиётининг таҳлиллари ушбу тергов ҳаракатини амалга оширувчи субъектлар томонидан иш тўғри ташкил қилинмаганлиги, процессуал ва тактик қоидаларга тўлиқ риоя қилинмаётганлиги, замонавий криминалистик техника имкониятларидан етарлича фойдаланилмаётганлиги ҳамда ўз вақтида ҳодиса жойининг хавфсизлиги таъминламаслиги сабабли жиноятга оид излар ва ашёвий далилларнинг йўқолиши ёки тадқиқот ўтказиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолаётганлиги, тергов ҳаракати субъектларининг техник-криминалистик жиҳатдан тайёргарлик даражасининг бир мунча паст эканлиги каби

омиллар тергов ҳаракатини самарасизлигига олиб келаётганлигини кўрсатади. Бу каби муаммолар жиноятларнинг ўз вақтида очилишини таъминлашга ҳам салбий таъсир кўрсатиб, Республика бўйича очилмай қолган жиноятларнинг статистикасини ортиб боришига сабаб бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ҳодиса содир бўлган жойни тўғри ва аниқ қайд этиш ҳамда уни ҳужжатлаштириш жиноятни очишда муҳим аҳамиятга эга. Одатда, бу жараён мураккаб ва кўп вақт талаб қилиши билан ҳам аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда жиноятларни тергов қилишнинг турли босқичларида уч ўлчовли визуаллаштириш суд-тиббиёт экспертизаларида тобора оммалишиб бормоқда.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолиятида 3Д сканерлардан фойдаланишнинг энг истиқболли йўналишлари қуийдагилар ҳисобланади:

- ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни қайд этиш;
- ўқнинг траекториясини ўрганиш;



- қон чайқалишини таҳлил қилиш;
- баҳтсиз ҳодисалар, авиаҳалокатлар, йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлган жойларни қайта тиклаш;
- портлаш изларини қайд этиш;
- портретларни яратиш.

Бугунги кунда АҚШ, Буюк Британия, Истроил, Австралия ва бошқа мамлакатларда 3Д-сканерларнинг имкониятлари ўрганилиб, уларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига жорий этилган. Дастреб 3Д-сканердан фойдаланиш АҚШда синовдан ўтказилиб, унинг натижасига кўра, ушбу қурилма тергов органлари ишини сезиларли даражада осонлаштириб иш унумдорлигини оширганлиги эътироф этилган. Чунки 3Д сканер ахборотни ёзib оловчи лазер билан жиҳозланган бўлиб, маълумот компютерга юклангандан сўнг, дастур терговчини ҳодиса содир бўлган жойга деярли олиб бориш имконини берувчи 3Д тасвирни яратади. Ушбу 3Д тасвирни нафақат компютер (ноутбук), балки iPad ва ҳар қандай планшетда кўриш ҳамда тасвирни катталаштириш ёки кичрайтириши мумкин бўлади [2, Б. 49].

2015 йилда АҚШ Ички хавфсизлик департаменти ва Истроил полиция ходимлари ўртасидаги келишувга асосан, Истроилнинг B-Design компанияси сифатли суратга олиш учун HD видеокамерали, юқоридан суратга олиш учун мўлжалланган Site Survey Set маҳсус камерили смартфон ҳамда видеони 3Д моделга айлантириш учун дастурий таъминотга эга ноутбук билан жамланган 3D-Hawk қурилмаси яратилди [3].

Бундан ташқари, бугунги кунда Австралия полициясида Zebedee номли кўчма 3Д сканер ҳам мавжуд бўлиб, ушбу қурилма бир сонияда 40 минг масофани ўлчаш имконини беради. Австралияning Квинсленд штати

полициячиларининг таъқидлашича, Zebedee 3Д сканери туфайли жиноят содир бўлган жойнинг уч ўлчовли тасвири тахминан 20 дақиқада яратилиши мумкин. Бу эса ўз навбатида тергов вақтини "юзлаб соатларга" қисқартириш имконини беради [4].

Бугунги кунда турли хил замонавий лазерли 3Д сканерлар мавжуд бўлиб, улар турли соҳаларда юқори аниқлик, обьектларни аниқ ўлчамларини олиш ва бошқаларни таъминлашда самарали фойдаланилмоқда. 3Д сканерларнинг нархи уларнинг техник хусусиятлари, аниқлик даражаси, қулиялиги ва бошқа имкониятларига қараб фарқ қилиши мумкин.

Амалдаги 3Д сканерларнинг жисмоний ишлаш принципларига қараб бир қатор технологияларга ажратилади [5, Б.62]:

1. Лазерли триангуляция ёрдамида 3Д сканерлаш технологияси.
2. Структуравий нурли 3Д сканерлаш технологияси.
3. Фотограмметрия (фотосурат) ёрдамида 3Д сканерлаш технологияси.
4. Рақамлаштириш деб ҳам аталадиган 3Д сканерлаш учун контакт технологияси.
5. Лазер импульсларига асосланган 3Д сканерлаш технологияси.

Бизнингча ҳам замонавий 3Д сканерлаш имкониятлари турли технологиялар билан ифодаланиб, уларнинг ҳар бири эътиборга олиниши керак бўлган афзаллик ва камчиликларга эга.

Ҳодиса жойини 3Д сканерлаш





имконини берувчи ҳозирда фойдаланилаётган тизимлар юқори аниқликдаги камерага эга 3Д сканер тизимиdir. Масалан, Leica BLK360 лазерли сканери ҳодиса содир бўлган жойни ёзиб олиш, тадқиқ қилиш ва суд-тибий реконструкция қилиш имконини беради. Сканерлаш натижаси ҳодиса жойида қайд этилган объектларнинг ҳар бир нуқтасининг фазовий координаталарини ўз ичига олган сферик фотосурат пайдо бўлади [6]. Жиноят содир бўлган жойнинг бундай визуаллаштирилган модели ҳеч қандай бузилишларсиз барча турдаги ўлчовларни (масофаларни, бурчакларни, майдонларни, ҳажмларни) амалга ошириш имконини беради. Қабул қилинган маълумотларни ҳар қандай сохталаштириш бутунлай чиқариб ташланади.

Утказилган тадқиқотлар ва амалий тажрибалар 3Д технологиялари криминалистика (криминология) соҳасига зарур эканлиги кўрсатди. Чунки, ушбу технология суд-криминалистик тадқиқотлари имкониятларини оширади. Ҳусусан, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда 3Д технологиялардан фойдаланиш атроф-муҳит ҳолатининг график моделини қайта яратиш босқичида ва жиноят содир этилган пайтда у ергаги излар, ашёлар ва бошқа предметлар, шу жумладан

**ХОДИСА**  
жойини 3Д  
сканерлаш имконини  
берувчи ҳозирда  
фойдаланилаётган  
тизимлар юқори  
аниқликдаги  
камерага эга 3Д сканер  
тизимиdir. Масалан,  
Leica BLK360 лазерли  
сканери ҳодиса  
содир бўлган жойни  
ёзиб олиш, тадқиқ  
қилиш ва суд-тибий  
реконструкция қилиш  
имконини беради.

у ерда бўлган шахслар қандай жойлашганилигини аниқлашда фойдаланиш самарали ҳисобланади. Бундай сканерлаш сканерланган объектнинг юқори эҳтимоллик ва тезлик билан параметрларини аниқлашга, шунингдек кичик объектларни, визуал текшириш пайтида ўтказиб юборилган тафсилотларни, шунингдек, шахслар ва бошқа объектларнинг нисбий ҳолатини кўрсатиш ва ҳужжатлаштиришга кўмаклашадиган технологиядир. Буларнинг барчаси жиноят содир бўлган жойни кўздан кечириш вақтини сезиларли даражада қисқартириш ва терговчининг кўриш имкониятидан қатъи назар, ҳар қандай ҳолат бўйича тўлиқ маълумот олиш имконини беради [7].

Бугунги кунда кўпроқ қурилиш-муҳандислик криминалистикасида, шунингдек, қотиллик ва йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ жиноятларда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда 3Д сканерлаш технологияси қўлланилмоқда. Бундан ташқари, 3Д сканерлаш технологияси қуйидаги криминалистик тадқиқотларни бажаришда қўлланилиши мумкин:

- суд-тибий экспертизаси;
- муҳандислик-техник экспертизаси;
- автотехник экспертизаси;
- портлаш-техник экспертизаси;
- суд-ёнғин техник тадқиқотлар;



– трассологик тадқиқотлар;  
– баллистик экспертизаси ва бошқаларда.  
Терговчининг 3Д модель билан ишлаши унга вақт, ёруғлик ва об-ҳаво шароити ўзгармайдиган ҳодиса содир бўлган жойга қайта-қайта қайтиш ва тақрор-тақрор ўрганиш имконини беради. Ушбу моделдан фойдаланиш нафақат терговчининг ишини осонлаштириб самарадорлигини оширади, балки прокурор ва суднинг ҳолатни идрок этиши учун қулагилик келтиради. Чунки бу ҳатто суд залида ҳам жиноий ҳодисани қайта тиклаш ва у ерда нималар бўлганигини аниқ ва батафсил кўриш имкониятини яратади.

Хозирги кунда Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотлар қаторида суд-тергов соҳасида, хусусан эксперт-криминалистика хизматига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. 2022 йил 8 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика соҳасини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида” ги ПҚ-122-сон Қарори қабул қилинди [8]. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва Вазирик Ҳайъати қарорларида тақрор ва тақрор равишда жиноятларни очиш ва тергов қилишини эксперт-криминалистик таъминотининг сифатини юксалтириш, Эксперт-криминалистик хизматлар ходимларининг билим савиаси ва касбий тайёргарлигини ошириш бўйича вазифалар қўйилди. Бу вазифаларни ҳал этилиши бир қатор ташкилий ва илмий чоралар мажмуи орқали, жумладан, экспертиза соҳасида янги методларни ишлаб чиқиш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш

орқали амалга оширилиши белгиланди [9].

Ўйлаймизки, миллий суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар жараёнида юқори технологияли дастурларни, жумладан 3Д сканерлаш технологиясининг жорий қилиниши нафақат эксперт-криминалистларга балки суринширувчи ва терговчиларнинг катта ҳажмдаги ишларини қисқа вақтда ҳал этиш имконини яратади. Чунки улар тасвирларни хоҳлаган тарзда манипуляция қилиш, ҳодиса жойини бир неча миллиметр аниқликда ўлчаш билан бирга далилларни аниқлаб бериш имконини беради. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, анъанавий фотосуратга ва видеотасвирга олишда бундай аниқликка эришиб бўлмайди.

Фикримизча, ривожланган хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибасидан фойдаланган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятига, хусусан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга оширишда криминалистик усул сифатида 3Д сканердан фойдаланиш имкониятларини яратиш бўйича босқичма-босқич зарур чораларни куриш лозим. Бунинг учун эса, даставвал қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

**Биринчидан**, ҳодиса содир бўлган жойни ёзиб олиш учун 3Д сканерлаш имконини берувчи юқори аниқликдаги тасвирларни олиш қобилиятига эга камера ва kontaktсиз лазер сканерини ўз ичига олган комплекслардан иборат бўлган энг мос қурилмалар ва уларнинг



имкониятларига оид хорижий тажрибани ўрганиш;

**иккинчидан**, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан 3Д сканер ва бошқа 3Д технологияларни жорий этиш ва улардан фойдаланишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани яратиш;

**учинчидан**, криминалистик техник восита сифатида 3Д сканерни жорий этиш давлатдан катта миқдорда маблағ талаб қилишини инобатга олиб, давлат бюджети ёки тегишли ташкилотлар бюджетидан етарли маблағлар ажратиш чораларини кўриш;

**тўртингидан**, айнан 3Д сканерлаш ва 3Д тасвирлашдан тўғри ва самарали фойдалана олишлари учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатли ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш. Бундай 3Д сканерлаш соҳасида ижобий натижаларга эришиб келаётган хорижий мамлакатларнинг мутахассисларини таклиф қилиш ва ўқув ва амалий курсларни ташкил этиш лозим.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 ноябрдаги "Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш

тўғрисида"ги ПФ-257-сон Фармонини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим бўлади. Чунки, ушбу фармоннинг асосий мақсади Янги Ўзбекистон шароитида жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш амалиётини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, ушбу йўналишга илғор халқаро стандартлар ва замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборат.

Хуласа ўрнида шуни айтиш лозимки, ҳодиса содир бўлган жойнинг визуаллаштирилган 3Д модели ҳар қандай ўлчов ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун тегишли дастурий таъминотдан фойдаланиш, маълумотларнинг сохталаштирилишига барҳам бериш, ҳолатни кейинчалик қайта тиклаш, вазиятни баҳолаш, шунингдек, жиноятларни тергов қилиш ва очишида хатоларга йўл қўйиш эҳтимолини камайтириш имконини беради. Шундай экан, ахборот технологиялари асри даврида соҳага 3Д технологияларини жорий қилиш бугунги куннинг заруратидир. Зоро, 3Д технологиялар жиноятларни тергов қилишда далилларни тўплаш учун замонавий воқелик ва замонавий талаблар билан белгиланадиган заруратдир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика Бош марказининг 2018–2022-йиллардаги фаолияти юзасидан статистик ҳисботи.
2. Еремченко Владимир Игоревич. Анализ зарубежного опыта использования 3D-сканеров на месте происшествия и перспективы их внедрения в деятельность полиции России. Вестник Краснодарского Университета МВД России 2021 № 1 (49).
3. Новый инструмент 3D-сканирования мест преступления превращает сцены инцидентов в виртуальные 3D-модели. URL: <https://www.newswise.com/articles/new-3dcrime-scene-mapping-tool-turns-incident-scenesinto-virtual-3d-models> (мурожаат қилинган сана: 10.12.2023).
4. Австралийская полиция восстанавливает картину места преступления с помощью 3D-сканера за считанные минуты. URL: <https://3dtoday.ru/industry/australian-policerestores-the-picture-of-the-scene-of-the-crimewith-the-help-of-3d-scanner-in-minu.html> (мурожаат қилинган сана: 10.12.2023).
5. Еремченко Владимир Игоревич. Принципы работы 3D-сканера и его использование для фиксации места происшествия. ОБЩЕСТВО И ПРАВО • 2021 • № 1 (75).
6. Применение технологии 3D-сканирования при осмотре места происшествия [Электрон манба]. URL: <https://www.krim-market.ru/blog/primenenie-tehnologii-3d-skanirovaniyapr-ostotre-mesta-proisshestviya> (мурожаат қилинган сана: 20.12.2023).
7. Дышокова, А. Т. Использование 3D-технологий при раскрытии преступлений: нововведение в области криминалистики / А. Т. Дышокова. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2022. — № 48 (443). — С. 250-252. — URL: <https://moluch.ru/archive/443/97154/> (мурожаат қилинган сана: 12.12.2023).
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралда "Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика соҳасини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада таомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-122-сон Қарори.
9. Оппоқхонов А.А. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда 3Д сканнер имкониятларидан фойдаланишда халқаро тажриба // Development of pedagogical technologies in modern sciences. International scientific-online conference. — URL: <https://zenodo.org/records/7104417> (мурожаат қилинган сана: 07.12.2023).



# ПОРЯДОК ПОДГОТОВКИ И НАПРАВЛЕНИЯ ЗАПРОСОВ О ПРАВОВОЙ ПОМОЩИ ПО УГОЛОВНЫМ ДЕЛАМ В ИНОСТРАННЫЕ ГОСУДАРСТВА

**Светлана ГРИШКО,**  
Следователь по особо важным делам Следственного  
департамента при МВД Республики Узбекистан  
подполковник

**АННОТАЦИЯ:** В статье показан порядок подготовки и направления запросов о правовой помощи по уголовным делам в иностранные государства, их правовая основа и основания, содержание, перевод на иностранные языки, порядок отзыва.

**ANNOTATION:** The article shows the procedure for preparing and sending requests for legal assistance in criminal cases to foreign countries, their legal basis and grounds, content, translation into foreign languages, and the procedure for revocation.

**KEYWORDS:** Procedure for preparing and sending requests, legal basis, content, translation, review procedure.





# B



соответствии с частью 1 статьи 592 Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан (далее - УПК) при необходимости производства на территории иностранного государства процессуальных действий, предусмотренных настоящим Кодексом, суд, прокурор, следователь, дознаватель вносит запрос об их производстве компетентным органом иностранного государства в соответствии с международными договорами Республики Узбекистан или на основе принципа взаимности.

Частью 3 вышеуказанной нормы предусмотрен порядок сношений с компетентными органами иностранных государств по уголовным делам, находящимся в производстве, в том числе и через Министерство внутренних дел Республики Узбекистан.

В статьях 592-594, 596 УПК регламентирован не только порядок взаимодействия с соответствующими компетентными органами иностранных государств, указаны предъявляемые требования к форме и

содержанию направляемого запроса, но также законодательно закреплена юридическая сила доказательств, полученных на территории зарубежных государств.

Согласно статье 594 УПК доказательства, полученные на территории иностранного государства его компетентными органами в ходе исполнения запроса о производстве процессуальных действий по уголовному делу или направленные в Республику Узбекистан в приложении к запросу о привлечении лица к уголовной ответственности в соответствии с международными договорами Республики Узбекистан или на основе принципа взаимности, заверенные и переданные в установленном порядке, имеют такую же юридическую силу, как если бы они были получены на территории Республики Узбекистан в соответствии с требованиями настоящего Кодекса.

Полученные доказательства могут быть признаны судом недопустимыми, если при их получении и передаче нарушен установленный статьёй 592 УПК и международными договорами порядок направления.

В соответствии с пунктом 3 и 4 Приложения №1 «Положение о Следственном департаменте при Министерстве внутренних дел Республики Узбекистан» к Постановлению Президента Республики Узбекистан от 18 апреля 2017 года № ПП-2898 «О мерах по коренному совершенствованию деятельности органов внутренних дел в сфере расследования преступлений» Следственный департамент в установленном порядке осуществляет взаимодействие по вопросам своей деятельности с другими подразделениями органов внутренних дел, правоохранительными и иными государственными органами и организациями, средствами массовой информации, а также в соответствии с международными договорами Республики Узбекистан с компетентными органами зарубежных стран.

Направление запросов о правовой помощи, минуя Следственный департамент при МВД Республики Узбекистан, в территориальные подразделения иностранных государств любого уровня является нарушением положений статьи 592 УПК и норм международного права.

Следственный департамент при МВД Республики Узбекистан напрямую сносится по вопросам оказания правовой помощи с правоохранительными органами Российской Федерации, республик Таджикистан, Беларусь, Казахстан, в

Приложение №1  
«Положение о Следственном департаменте при Министерстве внутренних дел Республики Узбекистан» к Постановлению Президента Республики Узбекистан от 18 апреля 2017 года № ПП-2898 «О мерах по коренному совершенствованию деятельности органов внутренних дел в сфере расследования преступлений».



отношении процессуальных действий, не требующих судебного решения или согласия (санкций) прокурора.

Возможность осуществления прямых сношений обусловлена положениями Конвенции «О правовой помощи и правовых отношениях по гражданским, семейным и уголовным делам» от 07 октября 2002 года (г. Кишинёв). Запросы, адресованные компетентным органам Украины, Грузии, республик Молдова, Армения, Туркменистан, Киргизстан направляются в Генеральную прокуратуру Республики Узбекистан в соответствии с требованиями уголовно-процессуального законодательства указанных стран через Следственный департамент при МВД Республики Узбекистан.

Кроме того, статьёй 88 Конвенции установлено, что сношения по вопросам выдачи осуществляются генеральными прокурорами (прокурорами) Договаривающихся Сторон, если иной порядок не установлен их внутренним законодательством.

Со странами Балтии и дальнего зарубежья взаимодействие осуществляется через Генеральную прокуратуру Республики Узбекистан.

## ПРАВОВАЯ ОСНОВА НАПРАВЛЕНИЯ ЗАПРОСА

Правоотношения между государствами в вопросах оказания правовой помощи по уголовным делам строятся на договорных началах (договор, конвенция) или на основе принципа взаимности.

Если с государством, в которое направляется запрос, имеются договорные отношения в данной сфере, взаимодействие осуществляется на основании данного договора. При отсутствии такового в соответствии с частью 1 статьи 592 УПК, используется принцип взаимности.

В соответствии со статьёй 3 УПК Республики Узбекистан производство по уголовным делам ведется в соответствии с законодательством, действующим на момент производства дознания, предварительного следствия и судебного разбирательства по делу, независимо от места совершения преступления, если иное не установлено договорами и соглашениями, заключенными Республикой Узбекистан с другими государствами.

Основополагающим нормативным правовым актом, регламентирующим взаимоотношения со странами – участниками Союза Независимых Государств (далее - СНГ) является Конвенция о правовой помощи и правовых отношениях по гражданским, семейным и уголовным делам от 7 октября 2002 года (Кишинев).



## ОСНОВАНИЕ ДЛЯ НАПРАВЛЕНИЯ ЗАПРОСА

В статьях 592, 593 УПК использован термин «запрос о производстве процессуальных действий», в Конвенции употребляется термин «поручение об оказании правовой помощи», в Европейской конвенции – «просьба о взаимной помощи», «поручение».

В штампе должно быть указано полное развернутое наименование органа внутренних дел, его адрес с указанием индекса и телефона открытой связи (желательно), исходящий номер и дата регистрации документа.

В запросе необходимо указывать полное официальное название государства, сокращение или искажение недопустимо.

## СОДЕРЖАНИЕ ЗАПРОСА

Описательная часть (фабула) запроса должна содержать:

- полное и точное наименование следственного подразделения - инициатора поручения;
- номер уголовного дела, по которому запрашивается правовая помощь.;
- информацию когда, в отношении кого или по какому факту возбуждено уголовное дело, квалификацию совершённого преступления при возбуждении уголовного дела (с приведением текста статьи Уголовного кодекса Республики Узбекистан); если в ходе расследования преступное деяние переквалифицировано, то следует указать основания переквалификации и привести выписку (текст) статьи из УК на момент направления запроса;
- если уголовное дело поступило из иностранного государства, необходимо указать полные сведения о возбуждении уголовного дела компетентными



органами иностранного государства, о передаче уголовного дела, дате вынесения постановления о принятии к своему производству, квалификации в соответствии с УК;

- описание фактических обстоятельств совершившегося преступления в соответствии с требованиями статей 361, 362 УПК Республики Узбекистан с указанием точного или примерного адреса места, времени и объективной стороны конкретных действий способа совершения с квалифицирующими признаками, сведений о размере ущерба в национальной валюте Республики Узбекистан;
- полные или примерные установочные анкетные данные лиц, имеющих отношение к запросу, их процессуальный статус.

Имена, фамилии иностранных граждан, названия населенных пунктов и фирм приводятся в их оригинальном написании (например, латинскими буквами).

Сведения о лицах либо организациях, указываемых в описательной части запроса, могут быть получены путем анализа имеющихся в распоряжении органов следствия документов, путем направления запросов через подразделения НЦБ Интерпола или, в случае со странами - участниками СНГ - через оперативные службы МВД Республики Узбекистан, которые используют возможности межведомственных Соглашений.

Затем следует перейти от описательной части к просьбе, для чего, сославшись на международные правовые документы и на статью 592 УПК, определяющую запрос о производстве процессуальных действий на территории иностранного государства как процессуальный документ, изложить перечень следственных и иных процессуальных действий, которые необходимо провести на территории запрашиваемого государства.

К запросам необходимо приобщать:

- вынесенные в соответствии с УПК постановления о производстве процессуальных действий (о признании потерпевшим, о производстве выемки и другие);
- при наличии просьбы о проведении процессуальных действий, требующих в соответствии с законодательством Республики Узбекистан судебного решения ( обыск, выемка сведений и документов, наложение ареста и другие), прилагаются соответствующие решения суда;
- оформленные в соответствии с УПК фототаблицы для проведения опознания с приложением справок или полноразмерные качественные фотографии для предъявления;
- фотографии и дактограммы для проверки по соответствующим учётам оперативно-справочной, розыскной и криминалистической информации;
- магнитные носители, содержащие

**На все прилагаемые к запросу документы делаются ссылки непосредственно в тексте запроса, при этом все приложения нумеруются, а в тексте поручения указывается номер приложения.**

необходимую для исполнения поручения информацию (фотографии, видеозаписи, образцы документов, записи телефонных переговоров и т.д.), упакованные в конверты (возможно дублирование данной информации на бумажных носителях);

- тексты статей УПК или других нормативных правовых актов, без которых проведение запрашиваемых действий невозможно, если в запросе имеется ссылка на эти статьи;

- копии или оригиналы документов, на которые имеется ссылка в фабуле запроса, либо которые необходимо предъявить лицам при проведении допросов, либо без которых исполнение поручения будет затруднено или станет невозможным.

- В качестве получателя исполненных материалов следует указывать Следственный Департамент при МВД Республики Узбекистан по адресу: 100029, город Ташкент, улица Раджабий, 1.

- Запрос составляется и подписывается следователем, в производстве которого находится данное уголовное дело, либо в исключительных случаях его непосредственным руководителем. Гербовой печатью следственного подразделения удостоверяются подписи на запросе и всех приложениях (выписки, постановления, фототаблицы). Отсутствие гербовой печати на одном документе или копии является основанием для возврата запроса на доработку.

На все прилагаемые к запросу документы делаются ссылки непосредственно в тексте запроса, при этом все приложения нумеруются, а в тексте поручения указывается номер приложения.

Запросы с прилагаемыми к нему документами составляются в трёх экземплярах, два из которых при необходимости сопровождаются переводом на государственный язык запрашиваемой стороны и направляются в Следственный департамент при МВД Республики Узбекистан. Каждый экземпляр прошивается и скрепляется гербовой печатью инициатора (экземпляр на русском языке и перевод прощаются вместе).

Текст должен быть выполнен на белой бумаге, на одной стороне листа, легко читаем, без помарок и исправлений.

При составлении рекомендуется использовать 14 размер шрифта «Times New Roman».

## **ЗАПРОСЫ НА ПРОВЕДЕНИЕ ОТДЕЛЬНЫХ СЛЕДСТВЕННЫХ ДЕЙСТВИЙ**

При обращении с просьбой о производстве выемки, обыска, изъятия образцов (почерка, оттисков печатей и др.) для сравнительного исследования и т.д., наложении ареста на имущество необходимо вынести постановление или получить судебное решение в соответствии



с нормами УПК, регламентирующими его производство. При этом в тексте запроса рекомендуется обратить внимание исполнителя на то, требуется ли для проведения названных следственных действий в соответствии с уголовно-процессуальным законом Республики Узбекистан решение суда или оно может быть проведено на основании постановления следователя.

### ПЕРЕВОД ЗАПРОСОВ НА ИНОСТРАННЫЕ ЯЗЫКИ

В соответствии с частью 4 статьи 593 УПК, положениями соответствующих многосторонних и двусторонних договоров все запросы о производстве процессуальных действий и прилагаемые к нему документы удостоверяются гербовой печатью органа, направляющего запрос, и переводятся на официальный язык того иностранного государства, в которое они направляются, или на другой язык, предусмотренный международным договором Республики Узбекистан, за исключением стран Балтии, требующих перевода запроса на свой государственный язык.

В странах, где в качестве государственного языка используются несколько языков (например, Швейцарская Конфедерация, Королевство Бельгия, Канада), выбор языка обусловлен местом нахождения центральных правоохранительных органов либо местом проведения запрашиваемых следственных действий.

При организации перевода выполняются требования статей 71 УПК с обязательным предупреждением об уголовной ответственности по ст.238 УК за заведомо неправильный перевод переводчиком с одного языка на другой при производстве дознания, предварительного следствия.

Переводчик подписывает каждый лист

перевода (подпись внизу на свободном поле), на последнем листе также указываются данные переводчика (Ф.И.О. и место работы) и дата окончания перевода.

### ПОРЯДОК НАПРАВЛЕНИЯ И ОТЗЫВА ЗАПРОСОВ ОБ ОКАЗАНИИ ПРАВОВОЙ ПОМОЩИ

Сопроводительные документы к запросу следователя подписываются руководителями органов предварительного следствия.

В случае прекращения уголовного дела, а также, если актуальность исполнения запроса отсутствует по каким-либо другим обстоятельствам, в обязательном порядке необходимо направить в Следственный департамент при МВД Республики Узбекистан для последующего уведомления Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан или непосредственного исполнителя запроса сообщение о нецелесообразности дальнейшего исполнения с изложением оснований отказа.

Категорически недопустимо отзывать запросы напрямую, минуя Следственный департамент при МВД Республики Узбекистан или Генеральную прокуратуру Республики Узбекистан.

### ИНЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ ПОЛУЧЕНИЯ СВЕДЕНИЙ

При необходимости получения сведений в посольствах и консульствах Республики Узбекистан за рубежом, а также в посольствах и консульствах иностранных государств на территории Республики Узбекистан (сведения о получении виз, въезде и выезде из страны и так далее) запрос направляется в Следственный департамент при МВД Республики Узбекистан для последующей передачи в Консульский департамент МИД Республики Узбекистан.



# ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ИШТИРОКЧИСИ

СИФАТИДА МУТАХАССИСНИНГ  
ХУҚУҚИЙ МАҚОМИ ТИЗИМИДА  
МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ



## THE ROLE OF OBLIGATIONS IN THE SYSTEM OF THE LEGAL STATUS OF A SPECIALIST AS A PARTICIPANT IN CRIMINAL PROCESS

Шерзодбек  
**АБДУВАҲОБОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Ички шилар вазирлиги  
Академияси Жиноят-  
процессуал ҳуқуқи  
кафедраси тадқиқотчisi.  
(электрон почта манзили:  
sherzodbekabduvahobov01@  
gmail.com, telegram: +99890-  
045-61-11)

Sherzodbek  
**ABDUVAKHNOVOV,**  
Researcher of the Department  
of Criminal Procedural Law of  
the Academy of the Ministry of  
internal affairs of the Republic  
of Uzbekistan (email address:  
sherzodbekabduvahobov01@  
gmail.com, telegram: +99890-  
045-61-11).

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада жиноят процессида мутахассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жиноят процессида мажбуриятлар тушунчаси бўйича ҳуқуқшунос олимлар томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар, мутахассиснинг далилларни тўплаш, қайд этиш ва баҳолашда тутган ўрни, мутахассис ва эксперт ҳуқуқий мақоми ўртасидаги фарқлар, уларнинг мажбуриятлари юзасидан ўхшаш жиҳатлари, мутахассиснинг жиноят процессуал қонунчиликда тутган ўрни ва бугунги кундаги ҳолати таҳлил қилинган. Шунингдек, жиноят процессида мутахассиснинг асосий мажбуриятлари ва исбот қилишдаги қўшимча мажбуриятлари ёритиб берилган.

**ТАЯНЧ ТЎШУНЧАЛАР:** жиноят процесси, иштирокчи, ҳуқуқ ва мажбурият, мутахассис, эксперт, исбот қилиш, процессуал мажбуровлар, жавобгарлик, мажбурият.

**ANNOTATION.** The article discusses the rights and obligations of a specialist in criminal proceedings, opinions and comments expressed by legal scholars on the concept of obligations in criminal proceedings, the role of a specialist in collecting, recording and evaluating evidence, the differences between legal ones, the status of a specialist and an expert, the similarity of their responsibilities, a specialist in criminal procedural legislation, its role and modern status. The main responsibilities and additional responsibilities of a specialist in criminal proceedings are also explained.

**KEY WORDS:** criminal process, participant, right and obligation, specialist, expert, evidence, procedural coercion, responsibility, duty.



збекистон Республикасида аввал амал қилган Жиноят-процессуал кодекслардан фарқли равища, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва 1995 йилнинг 1 апрелдан кучга кирган "Жиноят-процессуал кодекси" да мутахассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (70-модда) биринчи маротаба ўз аксини топди.

Аввал амал қилган кодекслар билан таққослаганда, амалдаги ЖПКда жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тизимли, муайян даражада тўлиқлик ва аниқлик билан мустаҳкамланган. Масалан, ЖПКда жиноят процессининг "бошқа иштирокчилари" орасида гувоҳ (66-моддаси) ва экспертнинг (68-моддаси) ҳуқуқ ва мажбуриятлари нисбатан тўлиқ белгиланган. Жиноят процесси бошқа иштирокчиларининг, жумладан мутахассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланиш даражасини ЖПКнинг тегишли қоидаларини тизимли равища таҳлил қилиш натижасида аниқлаш мумкин.

Исботлаш фаолиятининг ўзи жиноят процессининг марказий бўғини бўлиб, у жиноят процессидаги субъектларнинг фаолият йўналишини белгилашнинг асосий процессуал омилидир [1, С.15]. Исбот қилиш жараёнида мутахассисга берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар қонун билан таъминланганлиги, унинг жиноят процессида ўз вазифаларини амалга оширишда хавфсизлигини кафолатлади.

Жиноят процессида исбот қилиш фаолияти юзасидан турли олимлар фикрларини билдириб ўтган. Жумладан, М.Мухитдиновнинг фикрича, исботлаш фаолияти жиноят процессидаги мутлақ фаолият сифатида давлат органлари томонидан фаол (актив), жиноят ишига жалб этиладиган иштирокчилар томонидан амалга ошириладиган фаолият эса, суст (пассив) тарзда амалга оширилиши ҳақида холосага келиш мумкин деб таъриф бериб ўтган [2, Б.41].

Бу борада М.Мухитдинов томонидан билдирилган фикрларга муайян даражада қўшилиш мумкин.

А.Р.Белкин фикрича, далилларни аниқлаш ва тўплаш ҳуқуқи жиноят-процессуал ҳуқуқнинг негизидир. Жиноят процессидаги субъектларнинг ҳаракатлари ҳам, улар ўртасида юзага келадиган процессуал муносабатлар ҳам, айнан далилларни тўплаш ва тақдим этиш, текшириш ва баҳолаш атрофида амалга оширилади, уларнинг фаолиятлари шунга йўналтирилгандир [3, С.24].

Е.А.Долянинг фикрича, далилларни тўплаш билан боғлиқ оддийгина процессуал муносабатлар натижасида жиноят-процессуал фаолиятнинг янги, серқирра ва мураккаб жиноят-процессуал муносабатлар вужудга келади ва ривожланади [4, С.54-55].

А.Р.Белкин ва Е.А.Долянинг фикрларига қўшилган ҳолда, исбот қилиш жараёнида мутахассис бевосита, далилларни тўплаш, текшириш, қайд этиш билан боғлиқ жараёнларда иштирок этишини куришимиз мумкин.

Мутахассис юқорида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлмаган ҳолда ҳамда терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов вақтида ишда иштирок этишдан бўйин товлаши – мутахассисга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари қўллаш мумкинлиги назарда тутилган [5, Б.148].

Мутахассиснинг исбот қилиш жараёнидаги мажбуриятларига тўхталишдан аввал, айрим ҳуқуқшунос олимларнинг жиноят-процессида мажбурият тушунчасига билдирган фикрларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Хусусан, профессор Ш.А.Кулматов, процессуал мажбуриятларга жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида акс этган шахс ҳуқуқий мақомининг таркибий қисми эканлигидан келиб чиқсан ҳолда ёндашиш лозим деб фикр билдирган [6, Б.27]. Бу борада профессор Ш.А.Кулматовнинг фикрларига қўшилган ҳолда, жиноят процессида юзага келадиган мажбуриятлар, ушбу жараёнда иштирок этувчи субъектларнинг ҳуқуқий ҳолатидан келиб чиқишини таъкидлаш лозим. Чунки, жиноят процесси субъектнинг тутган ўрнига қараб, уларга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган процессуал мажбуриятлар турлича бўлиши мумкин.



”

МУТАХАССИСНИНГ  
ИСБОТ ҚИЛИШ  
ЖАРАЁНИДАГИ  
МАЖБУРИЯТЛАРИГА  
ТЎХТАЛИШДАН  
АВВАЛ, АЙРИМ  
ХУҚУҚШУНОС  
ОЛИМЛАРНИНГ  
ЖИНОЯТ-  
ПРОЦЕССИДА  
МАЖБУРИЯТ  
ТУШУНЧАСИГА  
БИЛДИРГАН  
ФИКРЛАРИНИ ТАҲЛИЛ  
ҚИЛИШ МАҚСАДГА  
МУВОФИҚДИР.

Хуқуқшунос У.А.Абдураҳмонов фикрича, жиноят-процессуал муносабатларда процесс иштирокчилари томонидан зиммаларидаги процессуал мажбуриятларни бажармаслик, уларга тегишли таъсир чоралари қўлланилишини тақозо этади деб маълум қилган[7, Б. 23].

Хуқуқшунос Г.З.Тўлаганова, жиноят процессида бажарилмаган мажбуриятларни мажбурий бажартириш зарур деб фикр билдирган[8, Б.192].

Д.А.Липинскиининг фикрича, ҳар қандай жиноят-процессуал ҳуқуқ кимга тегишли бўлса уша процесс иштирокчиси томонидан ихтиёрий равишда амалга оширилади, процессуал мажбуриятлар эса улар томонидан бажарилиши мажбурийдир. Процесс иштирокчилари процессуал мажбуриятларини ўз вақтида ёки тўлиқ бажарилмаганида уларга нисбатан муайян жавобгарлик чоралари кўрилади [9, С. 14-15].

Бизнингча, У.А.Абдураҳмонов, Г.З.Тўлаганова, Д.А.Липинскийлар томонидан билдирилган фикрлар бироз мулоҳазали. Жиноят – процессида исбот қилиш жараёнида қатнашувчи иштирокчиларнинг ўз зиммаларидаги вазифаларини бажармаганлик ҳолатларнинг барчасида мажбурий бажартириш ёки жавобгарлик кўзда тутилмаган. Жўмладан, жиноят – процессида мажбурият умумий маънода кўрсатилган бўлсада, айrim мажбуриятлар юзасидан жавобгарлик аниқ (чақирувга биноан ҳозир бўлиш, иш юритувчи мансабдор шахсларнинг гувоҳлантириш, экспертиза, экспертиза текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарорлари ҳамда бошқа процессуал қарорларининг ижро этилишига тўсқинлик қиласлик, суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг талаби билан изланётган ашёларни беришдан бош тортмаслик каби) ёки умуман (мутахассиснинг суриштирувчи, терговчи,

прокурор ва судьянинг чақирувга биноан ҳозир бўлиши, исботлаш жараёнида далилларни қонунда белгиланган тартибда тўплаш, текшириш, баҳолаш ва қайд этиш каби) белгиланмаганлиги кўришимиз мумкин.

Хуқуқшунос Ш.Шарофутдинов ўз мулоҳазаларида, "масъулият эса, бирор иш, хатти-ҳаракат оқибати эса, натижаси учун бўлган жавобгарлиқдир" деб айтиб ўтган[10, Б. 13]. Ш.Шарофутдиновнинг фикрига қўшилган ҳолда, жиноят – процессида масъулият исбот қилиш жараёнида белгиланган хатти-ҳаракатга қаратилади, бундай ҳаракатлар ўз навбатида процессуал мажбуриятларни келтириб чиқаради. Демак, жиноят – процессида мажбуриятларнинг бажарилмаслиги учун айнан шу шахсларнинг жавобгарлиги юзага келади.

Бизнинг фикримизча, жиноят процессида мажбурият бу – жиноят процессида қатнашувчи субъектларнинг қонунда кўрсатилган мажбуриятларини онгли равишда бажаришга ундовчи ҳамда процесс иштирокчиларга масъулият юкловчи, мазкур мажбуриятлар бажарилмаган айrim ҳолатларда жавобгарликни назарда тутувчи ҳуқуқнинг тизимиdir.

ЖПК 70-моддаси иккинчи қисмida мутахассиснинг қўйидаги асосий мажбуриятлари келтирилган:

→ суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиш;

→ тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамасини юритишида далилларни топиш ва мустаҳкамлаш учун илмий-техника воситалари, маҳсус билим ва малакасидан фойдаланган ҳолда иштирок этиш;

→ иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларга суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг эътиборини қаратиш;

→ ўзи бажараётган ҳаракатлар бўйича тушуниришлар бериш;



► жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини, содир қилинишига имкон берган шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқишида суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериш;

► суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг рухсатисиз суриштирув ва дастлабки тергов материалларини ошкор этмаслик;

► ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибиға риоя этиш.

Жиноят процессида мутахассиснинг асосий мажбуриятлари билан биргаликда исбот қилиш билан боғлиқ қўйидаги мажбуриятлари мавжуд:

1) ишора қилувчи саволлар бермаслик (ЖПК 102-моддаси биринчи қисми);

2) асослар бўлганда ўзини ўзи рад этиш (ЖПК 76-моддаси биринчи қисми, 78 ва 80-моддалар);

3) тергов ва суд муҳокамаси жараёнида гумон қилинувчи, айланувчи, судланувчи, жабланувчи ва бошқаларнинг шахсий ҳаётига доир аниқланган маълумотларни ошкор қиласлик (ЖПК 88-модда тўртинчи қисми);

4) давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор этмаслик;

5) тафтиш ўтказувчи шахслар ўз ваколатлари доирасида: хизмат гувоҳномасини, шунингдек тафтишга рухсат бериш тўғрисидаги маҳсус гувоҳномани тақдим этиш (ЖПК 18711-модда учинчи қисми 1-банди);

6) тафтишни тайинлаш тўғрисидаги қарорнинг ёки ажримнинг ва ваколатли органнинг тафтиш ўтказиш ҳақидаги буйруғининг кўчирма нусхаларини текширилаётган субъектнинг мансабдор шахсига ёки вакилига имзо қўйдириб

топшириш (ЖПК 18711-модда учинчи қисми 2-банди);

7) текширилаётган субъектлар фаолиятининг амалга оширилишига тўсиқ юзага келтирмаслик ва фаолиятининг тўхтатиб қўйилишига йўл қўймаслик (ЖПК 18711-модда учинчи қисми 3-банди);

8) юридик хизмат вакилларининг ва (ёки) жалб этилган адвокатларнинг тафтишнинг исталган босқичида иштирок этишга бўлган ҳуқуқи тўғрисида ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар ҳақида текширилаётган субъектнинг мансабдор шахсини ёки вакилини хабардор қилиш (ЖПК 18711-модда учинчи қисми 5-банди);

9) текширувларни рўйхатдан ўтказиш китобини қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибида тўлдириш (ЖПК 18711-модда учинчи қисми 6-банди) кабилар киради.

Жиноят процессида мутахассиснинг исбот қилиш жараёнидаги мажбуриятларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, ишора қилувчи саволлар бермаслик (ЖПК 102-моддаси биринчи қисми) мажбурияти, жиноят процесси жараёнида иш юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд муҳокамасини олиб бораётган шахсларгагина таалуқли бўлмасдан, мазкур мажбурият мутахассисга ҳам тегишли бўлиб, унга кўра мутахассис берилган саволига кутилаётган жавобга ишора қилувчи саволлар бериши тақиқланади. Бундай йўл билан олинган жавоблар ҳамда тўпланган бошқа далиллар номақбул далиллар ҳисобланади.

ЖПК 76-моддаси биринчи қисми, 78 ва 80-моддаларига мувофиқ, асослар бўлганда ўзини ўзи рад этиш ёки жиноят иши юритуvida иштирок этишдан бош тортиш мажбуриятига эга бўлиб, унга кўра мутахассис иш бўйича жабланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, эксперт, таржимон, холис, гувоҳ, ҳимоячи сифатида, гумон қилинувчининг, айланувчининг, судланувчининг қонуний вакили ёки жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг ёки ишни юритиш учун масъул бўлган бирор мансабдор шахснинг, ўзга шахсларнинг қариндоши бўлса; унинг холислигига ва беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, шунингдек ишда иштирок этаётган шахслардан бирортасига хизмат юзасидан ёки бошқа жиҳатдан тобе бўлса, жиноят ишини юритиша иштирок этишга ҳақли эмас ва рад қилиниши лозим.



**МУТАХАССИСНИНГ  
ЎЗ КАСБИГА  
НОЛОЙКИЛГИ  
АЁН БЎЛИБ ҚОЛСА,  
МАТЕРИАЛЛАРИ  
ИШНИНГ  
ҚЎЗҒАТИЛИШИГА  
АСОС БЎЛГАН  
ТАФТИШ ёКИ  
ЎЗГА ИДОРАВИЙ  
ТЕКШИРУВ ўТКАЗГАН  
ШАХС УШБУ ИШДА  
МУТАХАССИС  
СИФАТИДА ИШТИРОК  
ЭТИШГА ҲАҚЛИ  
ЭМАСЛИГИ  
ҚЎРСАТИБ  
ЎТИЛГАН.**



Мутахассиснинг ўз касбига нолойиқлиги аён бўлиб қолса, материаллари ишнинг қўзғатилишига асос бўлган тафтиш ёки ўзга идоравий текширув ўтказган шахс ушбу ишда мутахассис сифатида иштирок этишга ҳақли эмаслиги кўрсатиб ўтилган.

ЖПК 88-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, тергов ва суд муҳокамаси жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва бошқаларнинг шахсий ҳаётига доир аниқланган маълумотларни ошкор қиласлик мажбурияти мавжуд бўлиб, унга кўра ўзига маълум бўлган процесс иштирокчилари туғрисидаги барча маълумотларни ошкор қиласлиги лозим. Мазкур маълумотларни ошкор қиласлик тўғрисида иш юритаётган ваколатли шахс томонидан тилхат олиниши лозим бўлади.

ЖПК 89-моддасига мувофиқ, мутахассиснинг давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор этмаслик мажбурияти мавжуд бўлиб, унга кўра иш юритиш давомида ўзига маълум бўлган барча маълумотларни ошкор қилиши қонунда белгиланган тартибида жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

ЖПК 187<sup>11</sup>-модда учинчи қисми 1-бандига мувофиқ, тафтиш ўтказувчи шахслар ўз ваколатлари доирасида: хизмат гувоҳномасини, шунингдек тафтишга рухсат бериш туғрисидаги маҳсус гувоҳномани тақдим этиш мажбурияти мавжуд бўлиб, унга кўра тафтиш ўтказаётган шахс белгиланган тартибида ўзига тафтишга рухсат берилганлиги ва хизмат гувоҳномасини тақдим этиши шарт. Бунда тафтиш ўтказилаётган муассасанинг масъул ходимлари ким томонидан тафтиш ўтказилаётганлиги, тафтиш ўтказаётган шахс тўғрисида маълумотга эга бўлади. Бу орқали қонунга зид равишда ва бошқа шахслар томонидан тафтиш ўтказилиши олди олинади.

ЖПК 187<sup>11</sup>-модда учинчи қисми 2-бандига мувофиқ, тафтишни тайинлаш тўғрисидаги қарорнинг ёки ажримнинг ва ваколатли органнинг тафтиш ўтказиш ҳақидаги бўйруғининг кўчирма нусхаларини текширилаётган субъектнинг мансабдор шахсига ёки вакилига имзо қўйдирив топшириш мажбуриятига кура, мутахассис текширилаётган субъектнинг мансабдор шахсига тафтиш ўтказиш тўғрисидаги қарор ва ажрим нусхасини тақдим қилиш орқали, мансабдор шахсни тафтиш бошланганлигидан хабардор қиласди, бунга асосан текширилаётган субъектнинг раҳбари

қонунда белгиланган тартибида ўзи фаолият юритаётган муассасанинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳимоячи жалб қилиши ҳамда ўз манфаатларини ҳимоя қилишда керакли хатти-ҳаракатларни амалга ошириш имконияти юзага келади.

ЖПК 187<sup>11</sup>-модда учинчи қисми 3-бандига кўрсатилган мажбуриятига мувофиқ, мутахассис ўзи томонидан текширилаётган субъектлар фаолиятининг амалга оширилишига тўсиқ юзага келтирмаслиги ва фаолиятининг тўхтатиб қўйилишига йўл қўймаслиги лозим. Агарда мутахассис томонидан текширув давомида юзага келтирилган тусиқ фаолиятни тўхтатилишига олиб келса, белгиланган тартибида текширилаётган субъект раҳбарни мутахассисдан етказилган зарарни ундириш ҳукуқига эга бўлади.

ЖПК 187<sup>11</sup>-модда учинчи қисми 5-бандига кўрсатилган мажбуриятига мувофиқ, мутахассис юридик хизмат вакилларининг ва (ёки) жалб этилган адвокатларнинг тафтишнинг исталган босқичида иштирок этишга бўлган ҳукуқи тўғрисида ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳукуқлар ҳақида текширилаётган субъектнинг мансабдор шахсини ёки вакилини хабардор қилиши лозим. Бунда мутахассис ушбу мажбуриятини бажариш орқали текширилаётган субъектнинг ҳукуқларини таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, ЖПК 70-моддасида мустаҳкамланган мутахассис мажбуриятларининг рўйхати тўлиқ эмас. ЖПК нормаларини тизимли таҳлил қилиш мутахассиснинг ЖПК 70-моддасининг иккинчи қисмida кўрсатилмаган қўйидаги мажбуриятларини ажратиб кўрсатишга имкон беради: ўз касбий вазифалари доирасидаги, шу жумладан ўз ҳаракатлари билан боғлиқ масалаларни тушунириш мажбурияти; тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамасини юритишида далилларни топиш ва мустаҳкамлаш учун илмий-техника воситалари, маҳсус билим ва малакасидан фойдаланган холда иштирок этиши мажбурияти (ЖПК 91-моддаси биринчи қисми); жиноят иши бўйича иш юритишига тусчинлик қиласлик ва суд мажлисида тартибини бузмаслик каби мажбуриятлариди.

Ҳукуқшунос Г.А.Воробёвнинг фикрича, мутахассиснинг ҳукуқ ва мажбуриятлари қонунда, бир томондан, тергов ҳаракатининг турига қараб, бошқа томондан эса, тергов ҳаракатининг ҳусусияти ва мутахассис томонидан терговчига бериладиган



ёрдамнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда аниқлаштирилади [11, С.124]. Г.А.Воробёвнинг бу борада билдирган мулоҳазаларига қўшилиш мумкин. Чунки, мутахассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тергов ҳаракатининг тури ва хусусиятига қараб ўзгариб туради. Яъни, айrim турдаги тергов ҳаракатларида мутахассис ўзига берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан, хусусиятларидан келиб чиқиб фойдалана олмаслиги мумкин.

ЖПКдаги жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи нормаларни таҳлил қилишимиз қонуннинг айrim қоидалари муйян субъектнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ тартибга солса, бошқалари, аксинча, вазифаларининг фақат кичик бир қисмини акс эттиради, деган хulosага келишимизга имкон беради. Хусусан, экспертнинг исбот қилиш жараёнидаги асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари унинг процессуал ҳолатини белгиловчи ЖПК 68-моддасида акс этган бўлса, ЖПК 70-моддасида мутахассиснинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамловчи унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилмаган.

Исбот қилиш жараёнида мутахассис ва экспертнинг ҳуқуқий мақомига аниқлик киритишда, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги ўртасидаги умумий жиҳат ва фарқларни таҳлил қилиш лозим бўлади.

Ҳуқуқий мақомидаги умумий жиҳатлар қўйидагилар:

1) эксперт ҳам, мутахассис ҳам маҳсус билимга эга бўлган ҳамда дастлабки тергов органлари ва судга ёрдам бериш мақсадида жиноят процессида иштирок этишга жалб қилинадиган жиноят процесси иштирокчилари (ЖПК 67, 69-моддалари);

2) мутахассис тегишли маҳсус билимга эга бўлмаса, жиноят процессида иштирок этишни рад қилишга ҳақли (ЖПК 70-моддаси биринчи қисми), эксперт тегишли маҳсус билимга эга бўлмаса, жиноят процессида иштирок этишни рад қилиш (ЖПК 68-моддасида) масаласи кўрсатилмаган.

3) иккалasi ҳам суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга (ЖПК 68-моддаси биринчи қисми ва 70-моддаси биринчи қисми);

4) экспертга ҳам, мутахассисга ҳам тенг мажбуриятлар юкланган бўлиб, булар қўйидагилардир: суриштирувчи, терговчи ёки суднинг чакирувига биноан ҳозир бўлиш; жиноят иши бўйича иш юритишга тўсқинлик қилмаслик (аралашмаслик), агар бу ҳақда ЖПК 88-моддасида белгиланган тартибда қонун ҳужжатларига мувофиқ олдиндан огоҳлантирилган бўлса, эксперт ёки мутахассис сифатида жиноят ишида иштирок этиши боис ўзларига маълум бўлган дастлабки тергов маълумотларини ошкор этмаслик (ЖПК 68-моддаси икkinchi қисми ва ЖПК 70-моддаси икkinchi қисми);

5) ЖПКда назарда тутилган ҳолларда эксперт кўрсатув ва хulosалар беришга мажбурдир (ЖПК 68-моддаси) мутахассиснинг ЖПК талабларига мувофиқ ўзига маълум бўлган ҳолатлар бўйича кўрсатув бериш мажбурияти кўрсатилган бўлсада, хulosaga бериш мажбурияти мавжуд эмас;

6) ЖПК 76, 78-моддалари мувофиқ, ЖПК 80-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганида эксперт ҳам, мутахассис ҳам рад қилиниши лозим.

Мутахассис ва экспертнинг ҳуқуқий мақомини юқорида таҳлил қилингандек, жиноят процессида қайд қилинган ҳуқуқ ва мажбуриятлар орқали иштирок этишида белгиланган вазифа ва кўзланган мақсадлар орқали фарқлаш керак.

Исбот қилиш жараёнида экспертнинг вазифаси жиноят процессида суд экспертизаси ўтказиб, хulosaga кўрсатув беришдан иборатдир.

Мутахассис экспертдан фарқли равища, қўйидаги исбот қилиш жараёнларига жалб этилади:

1) ашё ва ҳужжатларни аниқлаш, мустаҳкамлаш ва олиб қўйиша ёрдам бериш;

2) жиноят иши материаларини ўрганиш учун техника воситаларини қўллашда кўмаклашиш;

3) экспертга саволлар бериш;

4) томонларга ва судга ўз касбий ваколатига кирувчи масалаларни тушунириш;

5) ЖПК 1871-моддаси биринчи қисмига мувофиқ ҳужжатли текширув ва тафтишлар ўтказиш, ҳужжатлар, ашёлар, мурдаларни текшириш;

6) далолатнома ва кўрсатувлар бериш (ЖПК 1878-моддаси) дан иборат вазифаларни амалга оширишда жалб этилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, исбот қилиш жараёнида мутахассиснинг вазифалари экспертиклига қараганда кенг ҳамда иш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлашга қаратилган ҳолат қамрови каттароқ ҳисобланади.

Мутахассис ва экспертнинг ҳуқуқий мақомидаги фарқлар жиноят процессида мазкур иштирокчилар кўрсатув бериш ҳуқуқига эга бўлган пайт билан ҳам боғлиқ [12, С. 28]. ЖПК 68-моддаси икkinchi қисмига мувофиқ, экспертни суроқ қилиш, хulosaga олинганидан кейин, хulosaga тушунириш ва аниқлик киритиш учун тақдим этилса, мутахассис учун қонунда унинг



кўрсатувларини олиш вақти белгиланмаганигини кўришимиз мумкин.

Жиноят – процессуал қонунга мувофиқ мутахассис била турниб ёлғон хулоса берганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилмайди ва бу қонунда назарда тутилмаган. Аксинча, эксперт била турниб ёлғон хулоса берганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилади.

Мутахассис ва экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўхаш бўлсада, улар жиноят процессида ҳар хил ҳуқуқий мақомга эга ҳисобланишади. Уларнинг ҳуқуқий ҳолати ҳуқуқ ва мажбуриятларини қиёслаш орқали намоён бўлади. Демак, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мутахассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари экспертицидан кўплигини англашимизга имкон беради.

ЖПК 70-моддаси иккинчи қисмига биноан, мутахассис Узбекистон Республикаси Жиноят кодекси 239-моддасига мувофиқ дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилганини учунгина жиноий жавобгарликка тортилади.

ЖПК 88-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмига асосан, агар мутахассис тергов ҳаракатларида иштирок этса, у Узбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 239 ва 240-моддаларида назарда тутилган жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилади.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва бошқа шу соҳада фолият кўрсатувчи ходимлар ўртасида мазкур тадқиқот иши доирасида ўтказилган сурвномада "мутахассис ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкинми?" деган саволга респондентларнинг 91,34 % "истисно ҳолатларда бундай ҳуқуққа эга бўлиши керак", 6,32% "йўқ" деб, "жиноят ишларини юритишда мутахассис иштироки билан боғлиқ қандай муаммолар учрайди?" деган саволга 81,05

% "мутахассис иштироки учун ҳақ тўлаш билан боғлиқ муаммолар", "ЖПКда мутахассиснинг процессуал мақоми белгиланиши билан боғлиқ қандай муаммолар учрайди?" деган саволга 88,81 % "мутахассис фикри ҳақида қоидалар белгиланмаган", "мутахассиснинг процессуал мақомини такомиллаштириш зарур булса айнан қайси йўналишда буни амалга ошириш керак деб ҳисоблайсиз?" деган саволга респондентларнинг 90,43 % "мутахассиснинг мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилиши керак" деб фикр билдирган. Ихтимой сўров натижаларидан ҳам кўриш мумкинки, амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликда мутахассиснинг мажбуриятларни қайта кўриб чиқиш лозимлиги, шунингдек, мутахассисни ўз олдига қўйган вазифаларни бажаришда айрим ваколатларни бериш ҳамда муаммоларни ҳал қилиш зарур ҳисобланади.

Жумладан, тергов амалиётида жиноят процессуал қонун ҳужжатларига асосан мутахассис исбот қилиш жараёнида ишга жалб қилинсада, ишга жалб қилинувчи мутахассисларнинг доираси белгиланмаганини, жиноят процессида мутахассис тариқасида ишга жалб қилиш билан боғлиқ ҳолатларда зарур билимга эга бўлган шахс мавжуд бўлганда иштирок этишдан бош тортиши, мутахассиснинг исбот қилиш жараёнида далилларни расмийлаштириш (фикр ёки хулоса бериши билан боғлиқ), мутахассисга ҳақ тўлаш билан боғлиқ (агарда ВМДа кўрсатилган меъёрларга рози бўлмаган ҳолатларда), шунингдек, мутахассиснинг мажбуриятлари аниқ белгиланмаганини бўйича муаммоларни кўришимиз мумкин. Шу боис бу борада жиноят процессуал қонунчиликни такомиллаштириш, хусусан мутахассиснинг ҳуқуқий мақоми, унинг вазифалари, мутахассисни ишга жалб қилиш ва унинг иштирокини таъминлаш механизмини батафсил акс эттиришга қаратилган тегишли таклифлар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Кузнецов Н.Н. Доказывания и его особенности на стадиях уголовного процесса России. Афтореф. дисс. д.ю.н. Воронеж, 1998, С.15.
2. Мухитдинов Ф.М. Жиноят процесси: моҳият, мазмун, шакл. Монография. Юрид.фандоктори, Ўз. хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Абдумажидов F.A. таҳрири остида. Тошкент. – 2002. Б.41.
3. Белкин А.Р. Теория доказательств и субъекты доказывания. М., Изд, "НОРМА", 1999, С.24.
4. Доля Е.А. Проблема начала в теории уголовного процесса. // Государство и право. 1996, № 10, С.54-55.
5. Узбекистон Республикаси Жиноят кодекси. Тошкент. 1994 йил. 240-модда. 148-бет. URL: <https://lex.uz/docs/111453?ONDATE=01.04.1995%2000>.
6. Қулматов Ш.А. Жиноят-протессуал мажбуриятлар ва уларни бажармаганилик учун жавобгарликнинг назарий, ҳуқуқий ва амалий жиҳатлари:Юрид. фан. докт.(ДСс) илмий даролиши учун ёзилган диссертация – Т., 2019. – Б. 27.
7. Абдураҳмонов У.А. Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органлари томонидан фуқароларга етказилган зиённи қоплаш: Юрид.
8. Тўлаганова Г.З. Жиноят процессида эҳтиёт чораларининг қўлланиши муаммолари. – Т., 2005. – Б. 192.
9. Липинский Д.А. О соотношении уголовной и уголовно-процессуальной ответственности // Российский следователь. – 2016. – № 18. – С. 14–15.
10. Шарофутдинов Ш. Юридик жавобгарлик // Ҳаёт ва қонун. – 2005. – № 5–6. – Б.13.
11. Воробьев Г.А. Некоторые вопросы участия специалистов в расследовании преступлений // Проблемы профилактики преступлений, совершаемых в быту. Опыт использования научных методов и средств криминалистической техники при расследовании преступлений. — Краснодар, 1973. — С. 124.
12. Правовой статус и правовая регламентация участия специалиста в уголовном процессе: теоретические, процессуальные и организационные аспекты: монография / Е.А. Семенов, В.Ф. Васюков, А.Г. Волеводз; под редакцией А.Г. Волеводза. — Москва: МГИМО-Университет, 2020. — С. 28.



# ЖБОРОТЛАШТИРИШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ

БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ  
КУРАШИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ



SOME ISSUES OF COMBATING CRIMES  
RELATED TO VIOLATIONS OF THE RULES  
OF INFORMATIZATION

Шохрух АЗИЗХОНОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Жамоат  
хавфсизлиги университети  
мустақил изланувчиси, майор  
телефон: +998915019119  
[azizkhanovshokhruh@gkuul.com](mailto:azizkhanovshokhruh@gkuul.com)  
ORCID: 0009-0009-3488-8697

Shokhrukh AZIZKHANOV,  
Independent researcher of the  
University of Public Security of the  
Republic of Uzbekistan, Major



**АННОТАЦИЯ:** Ушбу мақола ахборотлаштириш қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиб масалаларига бағишлиган бўлиб, унда мазкур масалалар билан боғлиқ Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий сиёсати, Ўзбекистон Республикаси муҳим ахборот инфратузилмаси обьектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш масалалари ва бу борадаги қонунчилик ҳамда хорижий давлатлар тажрибасини тадқиқ этилган. Тадқиқотда анализ, синтез, индукция, дедукция, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил каби методлар кўлланилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** ахборотлаштириш, кибержиноятчилик, кибермакон, кибертаҳдид, муҳим ахборот инфратузилмаси (кейинги ўринларда - МАИ), МАИ обьектига киберхужум, МАИ обьектида киберхавфсизлик ҳодисаси, МАИ обьектлари, МАИ субъектлари.

**ANNOTATION.** This article examines the regulatory and legal aspects of the crime related to violations of the rules of informatization, which examines the legal policy of the Republic of Uzbekistan related to these issues, and also examines the issues of ensuring cybersecurity of important information infrastructure facilities of the Republic of Uzbekistan. In the course of the research work, advanced foreign experience, scientific and theoretical views, and investigative and judicial practice were studied. Such methods as analysis, synthesis, induction, deduction, comparative legal analysis were used in the study.

**KEYWORDS:** informatization, cybercrime, cyberspace, cyberspace, cyberspace, critical information infrastructure (hereinafter - cii), cyberattack on the cii object, the phenomenon of cybersecurity at the cii object, cii objects, cii subjects.



Бугунги кунга келиб илмий-техника тараққиётининг ривожланиши глобал муаммолар қаторига янгидан-янги турлари билан тилга олинаётган кибержиноятларнинг кириб келишига сабаб бўлмоқда.

Хусусан, дунё бўйлаб содир этилган киберхужумлар 2020 йилда ижтимоий-иктисодий соҳалар қаторида хавф даражаси бўйича бешинчи ўринни эгаллаган ва давлат ҳамда хусусий секторларда янги нормага айланиб улгурди. Ушбу хавф 2023 йилда ҳам ўсишда давом этиб, 2025 йилга келиб бу кўрсатгич икки бараварга ўсиши кутилмоқда [1].

Сўнгги вақтда шахс, жамият ва давлат учун муҳим ҳисобланган маълумотлар ҳамда улар билан ишлаш жараёни рақамлаштирилаётганлиги ушбу электрон маълумотлар базалари ва ахборот тизимларига бузид кириш, маълумотларни ўзgartириш, йўқ қилиш, тўсиб қўйиш ёки ноқонуний фойдаланиш каби кибертаҳдидлар сони ошиб бораётганлиги киберхавфсизликни таъминлашга қаратилган комплекс чораларни амалга ошириш заруриятини юзага келтироқда.

Ўз навбатида, киберхавфсизлик – ахборот ресурслари, компьютер тизимлари, тармоқлари ва муҳим ахборот инфратузилмаларида ҳар хил турдаги кибертаҳдидлардан ҳимоя қилишга ҳамда ахборотлаштириш қоидаларини бузилишини олдини олишга қаратилган билимлар, амалиётлар ва технологиялар соҳаси, шунингдек, ахборотга рухсатсиз кириш, йўқ қилиш, ўзgartириш ёки сизиб чиқишининг олдини олишга, шунингдек, ахборот тизимларининг узлуксиз ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олади [2].

2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлигини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилиши белгиланган.



“

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
КИБЕРХАВФИЗЛИК  
СОҲАСИДА ҲҮҚУҚИЙ  
СИЁСАТНИНГ  
АСОСИЙ МОХИЯТИ  
БУ – КИБЕРТАҲДИД,  
КИБЕРХҮЖУМ ВА  
КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИ  
БАРВАҚТ АНИҚЛАШ,  
ОЛДИНИ ОЛИШ ВА  
ТЕРГОВ ҚИЛИШ ҲАМДА  
АЙБОР ШАХСЛАРГА  
НИСБАТАН ЖАВОБГАРЛИК  
МУҚАРРАРЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲҮҚУҚИЙ  
МЕХАНИЗМИЛАРИНИ  
ЯРАТИШ, МАВЖУДЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ҲИСОБЛАНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги "Ўзбекистон-2030" стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида" ПҚ-300-сон қарорига 46-сон иловаси билан тасдиқланган "Ўзбекистон – 2030" стратегиясининг қонун устуворлигини таъминлаш, ҳалқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш йўналиши бўйича 2023 йилда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳүқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Рўйхати"нинг 23-бандида, ахборотлаштириш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси киберхавфислизик соҳасида ҳүқуқий сиёсатнинг асосий мөхияти бу – кибертаҳдид, киберхўжум ва кибержиноятларни барвақт аниқлаш, олдини олиш ва тергов қилиш ҳамда айбдор шахсларга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашнинг ҳүқуқий механизмиларини яратиш, мавжудларини такомиллаштириш ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг ушбу йўналишдаги ҳүқуқий сиёсати сўнгги йилларда



фаол шакллантирилиб, изчил ўзгаришлар босқичидан бормоқда.

Бугунги кунда, Республикада ахборот-технологиялари хавфислизиги соҳасини тартибга солиш мақсадида норматив-ҳүқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Улардан асосий ва энг муҳимлари қўйидагилардан иборат:

- 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонуни [3];
- 2022 ил 15 апрелдаги ЎРҚ-764-сон "Киберхавфислизик тўғрисида"ги қонуни [4];
- 2023 йил 31 майда ПҚ-167-сон "Ўзбекистон Республикаси муҳим ахборот инфратузилмаси обьектлари киберхавфислизигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори [5].

Мазкур норматив-ҳүқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши бу соҳадаги асосий тушунчаларни ва хавфислизикини таъминлашнинг ҳүқуқий механизмиларини белгилаб берди. Жумладан,

ахборотлаштириш – юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий

жараёни [6];

кибержиноятчилик – ахборотни эгаллаш, уни ўзгартириш, йўқ қилиш ёки ахборот тизимлари ва ресурсларини ишдан чиқариш мақсадида кибермаконда дастурий таъминот ва техник воситалардан фойдаланилган ҳолда амалга ошириладиган жиноятлар йиғиндиси;

кибермакон – ахборот технологиялари ёрдамида яратилган виртуал муҳит;

кибертаҳдид – кибермаконда шахс, жамият ва давлат манбаатларига таҳдид солувчи шарт-шароитлар ва омиллар мажмуу;

киберхавфислизик – кибермаконда шахс, жамият ва давлат манбаатларининг ташкини ва ички таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати;

киберхавфислизик ҳодисаси – кибермаконда ахборот тизимларининг ишлашида узилишларга ва (ёки) улардаги ахборотнинг очиқлиги, яхлитлиги ва ундан эркян фойдаланилишининг бузилишига олиб келган ҳодиса [7];

муҳим ахборот инфратузилмаси – муҳим стратегик ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган автоматлаштирилган бошқарув тизимларининг, ахборот тизимлари ҳамда тармоқлар ва технологик жараёнлар ресурсларининг мажмуи;



муҳим ахборот инфратузилмаси обьектига киберхужум — кибермаконда муҳим ахборот инфратузилмаси обьектларига аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда қасдан амалга ошириладиган, киберхавфсизликка таҳдид соладиган ҳаракат;

муҳим ахборот инфратузилмаси обьектида киберхавфсизлик ҳодисаси - кибермаконда муҳим ахборот инфратузилмаси обьекти фаолияти ахборот тизимларининг ишлашида узилишларга ва/ёки улардаги ахборотнинг очиқлиги, яхлитлиги ва ундан эркин фойдаланилишининг бузилишига олиб келган ҳодиса;

муҳим ахборот инфратузилмаси обьектлари - давлат бошқаруви ва давлат хизматлари кўрсатиш, мудофаа, давлат хавфсизлигини, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, ёқилғи-энергетика мажмуси (атом энергетикаси), кимё, нефть-кимё тармоқлари, металлургия, сувдан фойдаланиш ва сув таъминоти, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш, банк-молия тизими, транспорт, ахборот-коммуникация технологиялари, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, стратегик аҳамиятга эга бўлган фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасида, ишлаб чиқариш соҳасида, шунингдек, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ва ижтимоий соҳада қўлланиладиган ахборотлаштириш тизимлари;

муҳим ахборот инфратузилмаси субъектлари - давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, мулк, ижара ҳуқуқлари асосида ёки бошқа қонуний

асосларда муҳим ахборот инфратузилмаси обьектларига эгалик қилувчи юридик шахслар, шу жумладан муҳим ахборот инфратузилмаси обьектларининг ишлашини ҳамда ҳамкорлигини таъминловчи юридик шахслар ва (ёки) якка тартибдаги тадбиркорлар [8].

Мазкур норматив-хуқуқий ҳужжатлар давлат идора ва ташкилотларининг муҳим стратегик ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган автоматлаштирилган бошқарув тизимларининг, ахборот тизимлари ҳамда тармоқлар ва технологик жараёнлар ресурсларига нисбатан кибертаҳдид ва киберхужумларни олдини олиш, аниқлаш ва оқибатларини бартараф этиш масалаларини тартибга солади.

Ўзбекистоннинг муҳим ахборот инфратузилмасини ҳимоя қилиш муаммоларининг "янгилиги" ушбу соҳадаги тузилмаларнинг ваколатларини чукур таҳлил қилишни, киберхавфсизлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишининг ишончли механизмларини ишлаб чиқиши, шунингдек, хавфсизликни таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлашни талаб қиласди.

Республика муҳим ахборот инфратузилмалари обьектларида кибертаҳдидлар моддий зарар ҳамда салбий оқибатларни юзага келишини олдини олиш мақсадида, киберхавфсизликни таъминлашга ваколатли органлар томонидан аниқланган заифлик ва камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берид келинсада, мазкур йўналишда етарлича ҳимоя чораларни кўрмаганлик учун жавобгарлик белгилаш юзасидан қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқ муҳим ахборот инфратузилма обьектларида киберхавфсизликни таъминлашга масъул шахсларнинг ўз вазифаларига совуқонлик билан муносабатда бўлиб келишларига шароит яратмоқда.

Хусусан, Жиноят кодексининг 2781-моддасида ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, яъни белгиланган ҳимоя чораларини кўрмаган ҳолда ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банкларини,



Ўзбекистоннинг муҳим ахборот инфратузилмасини ҳимоя қилиш муаммоларининг "янгилиги" ушбу соҳадаги тузилмаларнинг ваколатларини чукур таҳлил қилишни, киберхавфсизлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишининг ишончли механизмларини ишлаб чиқиши, шунингдек, хавфсизликни таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлашни талаб қиласди.



ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлсагина, жавобгарлик белгиланган.

Мазкур оқибат келиб чиқмагунча ахборотлаштириш қоидалари бузиш ҳолатлари учун на маъмурӣ ва на жиноий жавобгарлик белгиланганлиги, ушбу қиммишларни содир этилишига, шунингдек, ишлаб чиқилган ёки мавжуд ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларининг киберхавфисизликни таъминлашга совукқонлик билан муносабатда бўлишига шароит яратмоқда.

Ушбу ҳолат ахборот технологиялари соҳасидаги ривожланган давлатлар тажрибасида ҳам кузатилган бўлиб, аксариятида ахборот тизимларини кибертаҳдидлардан ҳимоя қилишга қаратилган зарурий чораларни кўрмаганлик юзасидан ҳуқуқий таъсир чораларини белгилаш орқали ахборот ресурсларида киберхавфисизлини таъминлашга масъулиятни кучайтиришга эришиб келишмоқда.

Хусусан, АҚШ ва Хитойда компьютер тизимларини ҳимоя қилиш борасида етарли чораларни кўрмаганлиги сабабли масъул шахсларга жарима жазоси белгиланган бўлса, Туркияда тизимдаги заифликларни бартараф қилиш билан бирга, жарима қўллаш, шунингдек, ҳолатдан келиб чиқиб, таалуқли бўлган фаолият билан шуғулланишни тақиқлаш, мавжуд лицензияни бекор қилиш каби чоралар қўлланилади.

Бундан ташари, АҚШнинг Муҳим ахборот инфратузималарида киберхавфисизлик агентлиги (cybersecurity & infrastructure security agency) томонидан ҳукуматнинг муҳим ахборот инфратузималарида кибертаҳдид ва киберхавфисизлик ҳолатлар таъминланганлик ҳолати устидан идоравий назорат олиб боради ҳамда тегишли чоралар кўради [9].

Юқоридагилардан, келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелдаги “Киберхавфисизлик тўғрисида”ги қонунида муҳим ахборот инфратузимаси обьектларининг киберхавфисизлигини таъминлаш бўйича талаблар ва унга масъул бўлган ходимлар фаолияти йўналишлари белгиланиб, киберхавфисизлик тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши кўрсатилган. Бироқ, ушбу ҳаракатлар янги ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ ҳисобланганлиги сабабли амалдаги қонунчилик ҳужжатларида уни қўриқловини назарда тутувчи ҳуқуқий норма билан тўлдириш зарурияти юзага келмоқда.

Шунга кўра, амалдаги қонунчилигимизга муҳим ахборот инфратузимаси обьектларининг киберхавфисизлигини таъминлаш қоидаларини бузиш қиммишлари учун жиноий жавобгарлик чораларини кучайтириш ва маъмурӣ чора кўриш бўйича тегишли ўзгариш ҳамда кўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланмоқда.

Шунингдек, Муҳим ахборот инфратузимаси обьектларининг киберхавфисизлигини таъминлашдаги 2021 йил 20 апрелдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎРҚ-682-сон Қонунига асосан тизимлаштириш ва ягоналаштириш масаласини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш зарур.



## Иқтибослар/ Сноски/ References:

1. statistics/#information\_security\_spending;
2. <https://cybersecurityventures.com/cybercrime-damages-6-trillion-by-2021/>;
3. <https://lex.uz/docs/83472>;
4. <https://lex.uz/uz/docs/5960604>;
5. <https://lex.uz/docs/6479190>;
6. <https://lex.uz/docs/83472>;
7. <https://lex.uz/uz/docs/5960604>;
8. <https://lex.uz/docs/6479190>;
9. [www.cisa.gov](http://www.cisa.gov)



**Редактор:**  
Р.Ашропов

**Дизайнер:**  
М.Юлдошев

Журнал 08.09.2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузурудаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 1209 раками билан рўйхатта олинган.

ISSN 2181-2543

Бичими 60x84 1/8. «Segoe UI», «Times New Roman» гарнитуралари.  
Адади 100 нусха. Буюртма № 40

“DAVR MAXSIMUM MEDIA” МЧЖ  
матбаа корхонасида чоп этилди.  
Корхона манзили:  
Тошкент шаҳар Олмазор тумани  
Шифокорлар шаҳарчаси, 15 уй.  
Телефон: 901101545

